eng yaxshi xalqaro tajriba asosida depozitlarni himoyalash tizimini izchillik bilan rivojlantirish [1].

Adabiyotlar sharhi

Iqtisodiy adabiyotlarda bank moliyaviy barqarorligini va samaradorligini belgilovchi asosiy mezonlar va talablar qatoriga bank kredit portfelining sifat darajasini ham kiritishadi. Shu bois «bank kredit portfeli», «bank aktivlari samaradorligi» va «muammoli aktivlar» kabi atamalarning mazmun-mohiyatiga aniq tasnif berish uchun ularga berilgan turlicha ilmiy qarashlarni tahlil etish muhim hisoblanadi.

Amerikalik iqtisodchilar Kris J. Barlton, Diana Mak Noton “kredit portfeli” tushunchasiga quyidagicha ta'rif berishadi: “Kredit portfeli – bu kreditlarni turkumlashni o'z ichiga oladi” [2]. Mualliflar kredit portfeliga u yoki bu xususiyatiga ko'ra turkumlash orqali o'z fikrlarini bayon etgan.

O.I. Lavrushinning fikriga ko'ra, tijorat banklarining aktivlarini boshqarishda asosiy e'tibor guruhlash va tarkibiy tahlilga qaratilishi lozim, shundagina har bir guruh operatsiyalardan olingan foydaning darajasi va barqarorligiga real baho berish mumkin [3]. Bizningcha, mazkur qarash bir yoqlama asoslangan. Negaki aktivlarni faqatgina guruhlash yoki tarkiblash ular bilan bog'liq foydaga ta'sir qilmaydi. Ushbu aktivlarni tan olish va baholash masalalariga ham e'tibor qaratish zarur.

Yana bir xorijlik iqtisodchi N. Sokolinskaya “... kredit portfeli qisqa va uzoq muddatli kreditlar yig'indisidan iborat”, deb ta'riflaydi [4]. Muallif kredit portfeliga ta'rif berganda uning faqat muddati nuqtai nazaridan kelib chiqib, fikr bildirgan va bu to'liq kredit portfelini mohiyatini ochib bermaydi. Xalqaro amaliyotda kreditlar, odatda, muddatiga ko'ra uch guruhga ajratiladi: qisqa, o'rta va uzoq muddatli. Qolaversa ushbu kreditlar ma'lum muddat o'tgach o'z toifasini o'zgartirishi mumkin.

M. Matovnikovning fikriga ko'ra: «Tijorat banklarining uzoq muddatli kreditlash amaliyotini takomillashtirishga to'sqinlik qilayotgan asosiy omil bo'lib,

banklarda uzoq muddatli resurslarning yetishmasligi hisoblanadi. Ushbu muammoni hal etishning oddiy va real usuli bo‘lib, likvidli aktivlarni garovga qo‘ygan holda Markaziy bankdan kredit olishdir» [5]. Olimning qarashlari uzoq muddatli kreditlash amaliyotini joriy etish zarurligiga asoslangan. Nazarimizda, faqatgina aktivlarni garovga qo‘yish orqali Markaziy bankdan uzoq muddatli kreditni jalb etish bilan birga, fond birjalari va ko‘chmas mulk bozorlariga kirib borish masalasini ham o‘ylab ko‘rilsa, o‘rinli bo‘lar edi.

G.S. Panovanning fikriga ko‘ra, banklarning kreditlar berish imkoniyatini oshirish uchun, birinchi navbatda, ularning depozit bazasini yetarliligini ta‘minlash imkonini berishi lozim [6]. Faqat depozit bazasining yetarli bo‘lishi kredit berish imkoniyatini oshirmaydi, balki depozit bazasining holati, uni jalb qilish shart-sharoitini ham e‘tiborga olish maqsadga muvofiqdir.

O. Afanasevaning xulosasiga ko‘ra: «Rivojlanayotgan mamlakatlarda banklar uchun qisqa muddatli kreditlar berish uzoq muddatli investitsion kreditlar berishga qaraganda afzal bo‘lib, yuqori daromadlilik va past risk darajasi bilan ajralib turadi. Davlatning investitsiya siyosatining va asosiy ishlab chiqarish fondlarini yangilash va mamlakatning innovatsion ishlab chiqarish salohiyatini mustahkamlash sohasidagi siyosatining mavjud emasligi loyihaviy moliyalashtirishni rivojlantirishga to‘sqinlik qiluvchi asosiy makroiqtisodiy omildir» [7]. Biz ushbu olimning qarashlariga qo‘shilamiz, sababi muallif bankning eng asosiy ikkita aktivlarini, ya‘ni bank kreditlari va bank investitsiyalarini ham tahlil qilish zarurligini ta‘kidlab o‘tgan.

Mahalliy iqtisodchilardan Sh. Abdullaevaning fikriga ko‘ra, banklarning kredit portfeli – bu turli xil kredit risklariga asoslangan muayyan mezonlarga qarab turkumlangan kreditlar miqyosidagi bank talablarining yig‘indisidir [8]. Professor kredit portfeliga kredit riski orqali yondashadi, vaholanki, bank kredit faoliyatida kredit riskidan tashqari boshqa risklar ham mavjud. Masalan, valyuta berilgan kreditlarda valyuta riski, suzuvchi foiz stavkada berilgan kreditlarda foiz riski yoki me‘yoriy hujjatlarning o‘zgarishi bilan bog‘liq huquqiy risk va boshqa haflar mavjud. Muallif ushbu holatlarni nazardan chetda qoldirgan.

U. Rozuqulovning fikricha, aktivlar sifatining yomonlashishi ular bilan bog‘liq xarajatlarning o‘shishida va aktivlardan olinadigan daromadlarni pasayish tendensiyasining yuzaga kelishida namoyon bo‘ladi [9]. Bizningcha, aktivlardan foydalanishning samaradorligi va ularni to‘g‘ri boshqarish belgilarini ham ochib berish hamda misollar bilan ifodalash o‘rinli bo‘lar edi.

Professor Б.Т. Berdiyarovning fikriga ko‘ra: «Har qanday bank ham o‘zining aktivlari tarkibini samarali shakllantirishda ma‘lum bir muammolarga uchraydi. Bank aktivlarining sifati, avvalo, aktivlarning maqsadga muvofiq

tuzilganligiga, likvidliligiga, aktiv operatsiyalarning diversifikatsiyasiga, aktivlarning risklilik darajasiga, muammoli aktivlarning salmog‘iga va aktivlarning o‘zgaruvchanlik sifatlariga bog‘liq» [10]. Muallif bank aktivlari va ularning turlari, sifatiga batafsil to‘xtalib o‘tgan.

Tadqiqotchi D.Toshpo‘latovning fikriga ko‘ra, muammoli aktiv – bu bank joylashtirgan resurslarning bir qismini qaytmasligi yoki bank ixtiyoridan chiqib ketishi, hisoblangan daromadlarni ololmasligi natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan yo‘qotishlar (zararlar) riski bo‘lgan bankning aktivlari va moliyaviy majburiyatlaridir [11]. Muallif muammoli aktivlarga faqat resurslar qiymati va risk nuqtai nazaridan yondashadi. Ammo banklarda daromad keltirmaydigan aktivlarning ham muammoli aktivlarga o‘tishi mumkinligi haqidagi fikr nazarda chetda qolgan.

Tahlil va natijalar

Bank tizimida olib borilayotgan islohotlar davr talablariga javob beruvchi barqaror bank tizimini shakllantirish, bank xizmatlari bozorida raqobatni kuchaytirish hamda banklar va tadbirkorlik sub’ektlari o‘rtasida samarali va o‘zaro manfaatli hamkorlik munosabatlarini ta’minlashga qaratilgan.

Bank aktivlari tarkibida kredit ulushining yuqoriligi bir tomondan bankning barqaror daromad manbai hisoblansa-da, boshqa tomondan salbiy holatlarni ham keltirib chiqarishi mumkin. Kredit ulushi yuqori bo‘lishining salbiy jihatlari quyidagilardan iborat:

bank aktivi tarkibida kredit ulushining yuqori bo‘lishi kredit riskining darajasini oshiradi;

bank aktivlari diversifikatsiya darajasini pasaytiradi;

bankning bitta sohadagi aktivlariga bog‘liqlik darajasini oshiradi;

samarali yo‘lga qo‘yilmagan kredit siyosati natijasida bankning zarar ko‘rish riski va rentabellik ko‘rsatkichlari pasayish xavfi oshadi;

ko‘rilishi mumkin zararlarning ortishi natijasida bankning raqobatbardoshligi pasayadi va boshqalar.

Ushbu salbiy holatlarni oldini olish uchun xalqaro amaliyotda tijorat banklari faoliyatida turli ssenariylarda stress-testlar, kelgusida ularning kapitali va likvidligiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi risklarni kamaytirish choralari qo‘llaniladi.

Tijorat banklari kredit qo‘yilmalari yetarli darajada diversifikatsiyalangan darajasi respublika bank tizimida iqtisodiyot tarmoqlari faoliyati bilan bog‘liq risklarni mo‘tadil darajada saqlab turishga imkon beradi.

1-jadval.

Banklar krediti qo‘yilmalarining tarmoqlar bo‘yicha ulushi (% da)*

Tarmoqlar	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023
Sanoat	39,80	35,7	36,9	36,0	32,5
Qishloq xo‘jaligi	5,60	8,1	10,1	10,7	10,8
Qurilish sohasi	3,50	2,8	2,7	2,8	2,7
Savdo va umumiy xizmat	6,40	6,8	7,2	8,4	7,4
Transport va kommunikatsiya	12,50	11,1	9,6	8,8	7,6
Moddiy va texnik ta‘minotni rivojlantirish	1,60	1,6	1,4	1,2	1,0
Uy-joy kommunal xizmati	1,10	1,2	1,4	0,7	0,5
Jismoniy shaxslar	14,60	18,9	19,8	21,3	25,9
Boshqa sohalar	14,90	13,7	10,9	10,0	11,7
Jami kreditlar	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик hisobotlari. – <https://cbu.uz/oz/statistics/>


Xususan, 2019 yilning 1 yanvar holatiga tijorat banklari kredit qo‘yilmalarining 39,8 % sanoat, 12,5 % transport va kommunikatsiya, 6,4 % savdo va umumiy xizmat ko‘rsatish, 5,6 % qishloq xo‘jaligi sohasi, 3,5 % qurilish hamda 14,6 % jismoniy shaxslar hissasiga to‘g‘ri kelgan. 2020 yilning 1 yanvar holatiga xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlarga ajratilgan kredit qo‘yilmalarining 35,7 % sanoat, 11,1 % transport va kommunikatsiya, 8,1 % qishloq xo‘jaligi, 8,6 % savdo va umumiy ovqatlanish, 2,8 % qurilish hamda 18,9 % jismoniy shaxslar hissasiga to‘g‘ri kelgan.

2023 yil boshida esa jami kredit qo‘yilmalarining 32,5 % sanoat tarmog‘iga to‘g‘ri kelmoqda. Bu xalqaro moliya institutlari (Jahon banki, Xalqaro valyuta fondi) ekspertlarining tavsiyasiga deyarli to‘g‘ri keladi, ya‘ni bitta sohaga yoki tarmoqqa ajratilgan kreditlar jami kredit portfelining 25 % miqdorida bo‘lishi eng optimal variant deb hisoblashadi. Qolaversa jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlarning ulushi o‘tgan yilga nisbatan 4,8 % bandga oshgan va 25,9 %ni tashkil etgan.

O‘z navbatida banklarda kreditlarni qarzdorlar qirgimida undirish ishlari samaradorligini oshirish va moliyaviy resurslarni bank aylanmasiga qaytarishda “Pre-collection” (0), “Soft-collection” (1-30), “Hard-collection” (30+), “Legal-collection” (90+) kabi zamonaviy yondashuv usullaridan foydalanilganligi natijasida kreditlarning qaytuvchanlik darajasi oshmoqda. Ammo kreditlarning ma‘lum bir qismi qaytmaslik holatlari ham mavjud.

1-diagramma.

**O‘zbekistonda muammoli kreditlarning jami
kreditlardagi ulushi (% da)**



*O‘zbekiston Respublikasi markaziy bankining yillik hisobotlari. – <https://cbu.uz/oz/statistics/>


Mamlakat qonunchiligiga asosan, muammoli kreditlar deganda “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan kreditlar tushuniladi.

Tijorat banklari kredit portfeli tarkibida 2012 yilning 1 yanvar holatiga muammoli kreditlarning jami kredit qo‘yilmalaridagi ulushi 3,06 %ni tashkil etgan bo‘lsa, 2013 yilda deyarli o‘zgarmagan va 3,05 %ni tashkil etgan. Bank kreditlari hajmining o‘shishini inobatga oladigan bo‘lsak, muammoli kreditlar hajmi ham oshganligi ko‘rishimiz mumkin.

2021 yilda bank balansidagi muammoli kreditlar salmog‘ini kamaytirish choralari doirasida bir yildan ortiq muddat davomida qaytarilmagan 3,3 trln so‘mlik, shundan Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari bo‘yicha ajratilgan 251 mlrd. so‘mlik “umidsiz” kreditlar banklar balansidan chiqarildi. Muammoli kreditlarning banklar moliyaviy barqarorligiga salbiy ta‘sirini oldini olish bo‘yicha banklar va hukumat tomonidan ko‘rilayotgan tegishli chora-tadbirlar muammoli kreditlar ulushining 2021 yil yakunida 5,2 % (16,9 trln so‘m) doirasida shakllanishiga zamin bo‘ldi. Shu bilan birga, banklarda aktivlar sifatini tasniflashni xalqaro tamoyillarga muvofiqlashtirish hamda ularni samarali boshqarishni ta‘minlash maqsadida to‘lov muddatlari bo‘yicha tasniflash mezonlari qayta ko‘rib chiqildi. Natijada muammoli kreditlarning ulushi 2023 yil 1 yanvar holatiga 3,6 %ga qadar pasaygan.

2-diagramma.

**Yevropa Ittifoqida muammoli kreditlarning jami
kreditlardagi ulushi (%da)***



*Jahon banki ma'lumotlari. – <https://data.worldbank.org/indicator/>

Yevropa Ittifoqi (EI)da muammoli kreditlar muttasil ravishda kamayib bormoqda. 2015 yilda muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi 7,03 %ni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilga kelib 1,79 %ga qadar pasaygan.

So'ngi yillarda Yevropada muddati o'tgan kreditlar hajmi pasayishda davom etdi, chunki misli ko'rilmagan fiskal va monetar aralashuvlar ko'plab tashkilotlarga imkoniyatlar yaratdi, aks holda ular pandemiya bilan bog'liq og'ir iqtisodiy holatda yakun topishi mumkin edi.

O'tgan yil oxirida Yevropadagi banklar o'zining hisoblarida hali ham 300 mlrd yevrodan ortiq 3-bosqich kreditlariga ega edi. Bunda eng yirik banklarga nazar tashlaydigan bo'lsak, ularning asosiy qismi Fransiya, Ispaniya, Irlandiya, Italiya va Gretsiyada bo'lib, ular o'rtasida taxminan 250 mlrd yevro miqdorida muddati o'tgan kreditlar mavjud bo'lgan va bunda Fransiya 80 mlrd yevro bilan yetakchilik qilmoqda. Garchi bu raqamlar yirik bo'lsa ham, 2014 yil Yevropada qayd etilgan 1 trln yevro miqdoridagi muddati o'tgan kreditlardan ancha kamdir.

YeBB ma'lumotlariga ko'ra, 2021 yil oxiriga kelib, muddati o'tgan kreditlar miqdori sezilarli darajada yuqori bo'lgan davlatlarda qoniqarli o'zgarishlar mavjud. Qolaversa bank sektorlari orasida aktivlar sifati ham oshdi va muddati o'tgan kreditlar salmog'i 2022 yilda 1,79 % ga tushdi.

Shunga qaramasdan YeIda ayrim noaniqliklar va muammolar saqlanib qolmoqda. Jumladan, COVID-19 pandemiyasining uzoq muddatli ta'siri noma'lum bo'lib qolmoqda, chunki hukumatlar pandemiya bilan bog'liq yordam va

imtiyozlarni bosqichma-bosqich bekor qilishmoqda. Ta’minot zanjirining uzilishi, inflyatsiya bosimi va foiz stavkalarining ko‘tarilishi, shuningdek yevroning davom etayotgan pasayishi va turli valyuta harakatlari kabi inqirozning ikkilamchi ta’siri Yevropa iqtisodiyotiga ta’sir qilishda davom etmoqda va ba’zi moliyaviy jihatdan zaif korxonalarni bankrotlik yoqasiga olib kelmoqda.

Pandemiya sababli muddati o‘tgan kreditlarning yangi zaxirasi yo‘qligi sababli, qarzni bartaraf qiladigan Yevropa banklari uchun birlamchi bozor nisbatan qulay bo‘lib qolmoqda. Mavjud muammoli aktivlarni tasarruf etish, xususan, Gretsiya va Italiya bozorlarida davlat aralashuvi bunday savdolarni qo‘llab-quvvatlagan bozorlarda davom etmoqda, biroq banklar o‘z muammolari bilan ishlaganligi sababli ularning hajmi keskin kamaymoqda. Yevropa banklari tomonidan 2021 yilda berilgan kreditlarining 100 mlrd yevroga yaqini muddati o‘tgan kreditlarga aylandi. Bu ko‘rsatkich 2020 yilga qaraganda yuqori.

Muammoli kreditlar – “qoniqarsiz”, “shubhali” va “umidsiz” deb tasniflangan kreditlarning ulushi 1,3 % dan 6,6 % ga qadar oshgan. Buning asosiy sababi qoniqarsiz kreditlarning keskin o‘sishi hisoblanadi. Mazkur holat bank uchun salbiydir. Kredit portfelidagi muddati o‘tgan kreditlar ulushining karantin cheklovlarining joriy qilinishi bilan sezilarli darajada oshishi kuzatilgan bo‘lsa, iqtisodiy faollikning tiklanishi hamda aholi daromadlarining oshishi natijasida yil yakuniga kelib muddati o‘tgan kreditlarning yil boshidagi ko‘rsatkichlarga yaqin shakllanishi ta’minlandi.

2-jadval.

Rivojlangan davlatlar tijorat banklarida zararlarni qoplash uchun tashkil etilgan zaxiralarning bank kreditlaridagi ulushi (% da)

Bank nomi	Davlat	2018 y	2019 y	2020 y	2021 y	2022 y
JP Morgan	AQSh	1,4	1,4	2,9	1,6	1,8
Bank of America	AQSh	1	1	2,1	1,3	1,2
HSBC	Buyuk Britaniya	0,8	0,8	1,3	1	1,1
Mizuho	Yaponiya	0,3	0,3	0,5	0,6	0,8
Credit Agricule	Fransiya	1,2	1,1	1,1	0,9	0,9
Toronto Dominion	Kanada	0,5	0,6	0,9	0,7	0,7

* Tijorat bankalarining moliyaviy hisobotlari asosida muallif hisob-kitoblari.

Jadvalda 2018 yildan 2022 yilgacha bo‘lgan davrda rivojlangan davlatlar tijorat banklarida zararlarni qoplash uchun tashkil etilgan zaxiralarning bank kreditlaridagi ulushi dinamikasini ko‘rishimiz mumkin.

JP Morganning bank kreditlariga nisbatan zaxiralarning ulushi 2018-2019

yillarda 1,4 % darajasida saqlanib turilgan bo‘lsa, 2022 yilda 1,8 % gacha ko‘tarildi. Bank of America zaxiralarning bank kreditlaridagi ulushi esa o‘rtacha 1,1 % ni tashkil etadi. HSBC (Buyuk Britaniya)da 2018-2019 yillarda bank kreditlariga nisbatan zaxiralarning ulushi 0,8 % bo‘lsa, 2022 yilga kelib 0,3 % bandga oshib, 1,1 % ni tashkil etgan. Mizuho bankida 2018 yilda 0,3 % dan 2022 yilda 0,8 % gacha ko‘tarildi. Ushbu bankda so‘nggi uch yilda bank aktivlari sifati biroz yomonlashgan. Credit Agricole bankida esa bank aktivlari sifati so‘nggi 5 yilda ancha yaxshilangan. Xususan, 2018 yilda bank kreditlariga nisbatan zaxiraning ulushi 1,2 % ni tashkil etgan bo‘lsa, 2022 yilda 0,9 % ga qadar pasaygan. Toronto Dominion bankida tashkil etilgan zaxiralarning ulushi jami kreditlarga nisbatan 2018 yilda 0,5 % dan 2022 yilda 0,7 % ga qadar oshgan. Tahlil qilinayotgan banklar ichida eng aktivlari sifati yuqori bank hisoblanadi.

3-jadval.

Rivojlanayotgan davlatlar tijorat banklarida zararlarni qoplash uchun tashkil etilgan zaxiralarning bank kreditlaridagi ulushi (% da)

Bank nomi	Davlat	2018 y	2019 y	2020 y	2021 y	2022 y
ICBC	Xitoy	2,3	2,6	2,8	2,8	2,9
CCB	Xitoy	2,5	2,9	3,1	3,3	3,5
Banco de Brasil	Braziliya	5	5,9	6,2	5,5	5,6
Bank Rakyat Indonesia	Indoneziya	4,2	4,4	7,2	9	8,6
Standart bank	JAR	3,3	3	3,9	3,6	3,7

* Tijorat banklarining moliyaviy hisobotlari asosida muallif hisob-kitoblari.

Jadvalda ma’lumotlaridan ko‘rish mumkinki, ICBC bankida tashkil etilgan zaxiralarning bank kreditlariga nisbatan ulushi 2018 yilda 2,3 % ni tashkil etgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2019 yilda 2,6 %, 2020 va 2021 yillarda 2,8 % va 2022 yilda 2,9 % ni tashkil etgan. CCB bankda kreditlarga nisbatan zaxiralarning ulushi 2018 yilda 2,5 % ni tashkil etgan va 2022 yilga kelib 1 % bandga qadar ortgan va 3,5 % ni tashkil etgan. Banco de Brasil bankida zaxiralarning jami kreditlardagi ulushi 2018 yilda 5 % ni tashkil etgan va keyingi 2019 yilda 0,49 % band, 2020 yilda 0, % band oshgan. 2021-2022 yillarda biroz pasaygan.

Bank Rakyat Indonesia bankida esa bu ko‘rsatkich oxirgi 5 yilda 2,1 martaga, ya’ni 4, % dan 8,6 % ga oshgan. Standart bankning bank kreditlariga nisbatan zaxiralarning ulushi 2018 yilda 3,3 % ni tashkil etdi, bu ko‘rsatkich 2019 yilda 3 % ga qadar kamaygan. 2020 yilda esa 0,9 % band oshib, 3,9 % ni tashkil etgan. 2022 yilga kelib 3,7 % ga qadar pasaygan.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, rivojlanayotgan davlatlarda bank aktivlarining sifati rivojlangan davlatlardan biroz pastligini ko‘rish mumkin.

Xulosa

Kredit siyosatining asosiy maqsadi bankning tegishli yil uchun ishlab chiqilgan biznes rejasiga muvofiq, mavjud resurslarni iqtisodiyotning real sektorini, shu jumladan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarini, moliyalashtirish uchun kreditlar va ularga tenglashtirilgan operatsiyalarga joylashtirish yo‘li bilan maqbul darajadagi tavakkalchilikni qabul qilish orqali daromad olinishini ta’minlashga qaratilgan bo‘lishi lozim.

Banklarda kredit portfeli sifatini oshirishda kreditlash muddatlari bo‘yicha cheklovlar muhim ahamiyatga ega. Chunki ularning aniqligi va shaffofligi banklarning kelajaydagi daromadlarini aniqlashga, ularni taqsimlashga imkon beradi.

2022 yil boshiga banklar kredit qo‘yilmalarining 36 %i sanoat tarmoqlarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlash uchun ajratilgan kreditlar bo‘lsa, 10,7 %i qishloq xo‘jaligi, 8,8 %i transport va kommunikatsiya, 8,4 %i savdo va umumiy ovqatlanish, 2,8 %i qurilish, 21,3 %i jismoniy shaxslar hamda 10 %i boshqa sohalarga yo‘naltirilgan. Jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlarning ulushi ilk marta 20 %dan oshdi va bu bank kreditlarining tarmoqlar bo‘yicha diversifikatsiyalanganlik darajasini oshishiga xizmat qildi. Qolaversa tarmoqlar ichida sanoatning eng yuqori ulushi muntazam ravishda pasayib borish xususiyatiga ega ekanligi ham ijobiy holatdir.

O‘z navbatida banklarda kreditlarni qarzdorlar qirqimida undirish ishlari samaradorligini oshirish va moliyaviy resurslarni bank aylanmasiga qaytarishda “Pre-collection” (0), “Soft-collection” (1-30), “Hard-collection” (30+), “Legal-collection” (90+) kabi zamonaviy yondashuv usullaridan foydalanilganligi natijasida kreditlarning qaytuvchanlik darajasi oshmoqda.

Yevropa Ittifoqi (EI)da muammoli kreditlar muntazam ravishda kamayib bormoqda. 2015 yilda muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi 7,03 % ni tashkil etgan bo‘lsa, 2022 yilga kelib 1,79 %ga qadar pasaytirishga erishgan. Mazkur holatni chuqur o‘rganish va amalga oshirilgan chora-tadbirlarni mamlakatimiz bank amaliyotiga tadbiq etish maqsadga muvofiq.

Tijorat banklari kredit portfelinin sifatini oshirish bo‘yicha bir nechta ko‘rsatmalarni taklif etamiz:

1.Muddati o‘tgan kreditlarni vaqtida aniqlash. Bu kreditlarni erta aniqlash har qanday bankning diqqat markazida turadi. Banklar faqat kechiktirilgan ko‘rsatkichlarga, masalan, muddati o‘tgan to‘lovlar, keyinchalik bu jarayon qarz beruvchini vaziyatni to‘g‘irlash va qarz oluvchiga yordam berish uchun kamroq imkoniyatlar qoldiradi. Banklar muammolarning yetakchi ko‘rsatkichlariga e‘tibor qaratishlari kerak. Masalan, overdraftdan foydalanishning ko‘payishi, yangi kredit

liniyalarini izlash, savdo kreditlarining sekin to‘lanishi, ma’lumotlarning kech yetkazib berilishi va boshqalar.

2. Kreditning ta’minotini yaxshilash, yuqori likvidli va barqaror ta’minot talab qilish: kreditning ta’minoti uchun garovning yetarli darajada bo‘lishi va uning qiymati pasayib ketmasligiga ishonch hosil qilish kredit ajratishda qarorlarni qabul qilishga ijobiy yordam beradi.

3. Bankning samarali boshqaruvi tahlili: Qarz oluvchini boshqarish bo‘yicha batafsil tahlil kredit berilishidan oldin o‘tkazilishi kerak, bu umumiy boshqaruv imkoniyatlari, inqirozni boshqarish imkoniyatlarini qayta ko‘rib chiqishni va boshqaruvning yaxlitligi va o‘zgarishlarni boshqarish qobiliyatini o‘z ichiga olishi mumkin.

4. Mijozning moliyaviy holati va moliyaviy hisobotni tahlil qilish: Moliyaviy hisobotni tahlil qilish moliyaviy nuqtai nazardan kompaniyaning faoliyatini asosiy biznesning sabablari va hayotiyligini hisobga olgan holda baholashga harakat qiladi. Qarz oluvchining asosiy biznesining hayotiyligi, odatda, kompaniyaning mahsuloti yoki xizmatining bozor talablariga javob berishi, ularning doimiy ravishda ijobiy pul oqimini yaratish qobiliyati va biznesni qayta hayotga tatbiq etish uchun xarajatlarni yetarlicha qisqartirish qobiliyatiga ahamiyat berish lozim.

5. Keng qamrovli strategik rejalar: muddati o‘tgan kreditlarni minimallashtirishga yo‘naltirilgan bankning eng yaxshi amaliyotida muddati o‘tgan kredit bilan tizimli ravishda qanday munosabatda bo‘lish haqida batafsil strategik rejalarni ishlab chiqishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – <https://lex.uz/en/docs/4811025#4813144>

2. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. – 2001. – С.75.

3. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Фин. Акад. при прав. РФ. -4-е изд., стереотип. – М.: КноРус, 2008. – 64 с.

4. Соколинская Н.Э., Рудакова О.С., Маркова О.М. Современные банковские продукты и ценообразование: учебник. – М.: КноРус, 2022. – С. 220.

5. Матовников М.Ю. Банковская система России и долгосрочные

ресурсы//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №5. – С. 19.

6. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

7. Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и факторы, сдерживающие его развития//Деньги и кредит. – Москва, 2014. - №2. – С. 37.

8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш: дарслик. – Т.: Молия, 2002. – 304 б.

9. Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореф. ... канд. экон. наук. – Ташкент: БФА, 2002. – 21с.

10. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2019.

11. Toshpulatov, D. (2020) "Fundamentals of organization of problem assets account in commercial banks," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 29.*

ТРАНСФОРМАЦИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ортыков Уйгун Давлатович



*кандидат экономических наук
доцент кафедры банковского
учета и аудита*

Ташкентский финансовый институт

E-mail: ortiqovuugun75@gmail.com

ORCID: 0009-0000-1580-9687



Хамрохжаева Ситора

студентка факультета банковского дела

Ташкентский финансовый институт

E-mail: sitorabonu.khamrokhjaeva@gmail.com

Аннотация

В последнее время банковская система Республики Узбекистан претерпевает значительные изменения в рамках стратегии модернизации экономики страны. Одним из ключевых направлений этой стратегии является трансформация банковской системы, которая должна стать более эффективной, конкурентоспособной и ориентированной на потребности бизнеса и населения.

В статье рассматриваются основные тенденции и вызовы, с которыми сталкиваются банки в условиях быстро меняющейся экономической и политической обстановки.

Ключевые слова: банковская система, стратегия реформирования, конкуренция, кредитный портфель, иностранные инвестиции, банковская инфраструктура, цифровизация.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK TIZIMINING TRANSFORMATSIYASI

Ortiqov Uyg'un Davlatovich

iqtisodiyot fanlari nomzodi

bank hisobi va auditi kafedrasi dotsenti

*Toshkent moliya instituti
E-mail: ortiqovuygun75@gmail.com
ORCID: 0009-0000-1580-9687*

Hamroxujaeva Sitora

*bank ishi fakulteti talabasi
Toshkent moliya instituti
E-mail: sitorabonu.khamrokhujueva@gmail.com*

Annotatsiya

So‘nggi paytlarda O‘zbekiston Respublikasining bank tizimida mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiya qilish strategiyasi doirasida jiddiy o‘zgarishlar ro‘y bermoqda. Ushbu strategiyaning asosiy maqsadlardan biri bank tizimini o‘zgartirishga qaratilib, u yanada samaraliroq, raqobatbardosh bo‘lishi, biznes va aholi ehtiyojlarini qondirishga xizmat qilish kerakligi alohida qayd etilgan.

Maqolada tez o‘zgaruvchan iqtisodiy va siyosiy sharoitda banklar duch kelayotgan asosiy tendentsiya va muammolar ko‘rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: bank tizimi, islohotlar strategiyasi, raqobat, kredit portfeli, xorijiy investitsiyalar, bank infratuzilmasi, raqamlashtirish.

**TRANSFORMATION OF THE BANKING SYSTEM OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Ortykov Uigun Davlatovich

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economics
Associate Professor of the Department of
Banking Accounting and Audit
Tashkent Institute of Finance
E-mail: ortiqovuygun75@gmail.com
ORCID: 0009-0000-1580-9687*

Khamrokhujueva Sitora

*Banking faculty student
Tashkent Institute of Finance
E-mail: sitorabonu.khamrokhujueva@gmail.com*

Abstract

Recently, the banking system of the Republic of Uzbekistan has been undergoing significant changes as part of the strategy for modernizing the country's economy. One of the key directions of this strategy is the transformation

of the banking system, which should become more efficient, competitive and focused on the needs of business and the population.

The article examines the main trends and challenges faced by banks in a rapidly changing economic and political environment.

Keywords: banking system, reform strategy, competition, loan portfolio, foreign investment, banking infrastructure, digitalization.

Введение

В банковской системе Республики Узбекистан на сегодняшний день наблюдается динамичное развитие. Это связано с небольшим количеством крупных банков, которые контролируют бо́льшую часть банковских активов и кредитного портфеля. В то же время, начиная с 2017 года началась активная работа по реформированию банковской системы, направленная на увеличение конкуренции и снижение концентрации.

Так, согласно Стратегии реформирования банковской системы до 2025 года, основными направлениями ее трансформации являются [1]:

развитие конкуренции и модернизация в банковской системе, совершенствование банковской инфраструктуры;

повышение эффективности управления рисками и кредитным портфелем, а также корпоративного управления;

ослабление зависимости коммерческих банков от государства через снижение его доли акций и ресурсов в капиталах банков;

работа над повышением доступности банковских услуг всем слоям населения, в то числе при помощи развития дистанционного обслуживания и автоматизации процессов.

Анализ и результаты

Согласно официальным данным Центрального банка Республики Узбекистан, на сегодняшний день в стране функционирует 34 коммерческих банка [2], включая 12 государственных банков, а также банки с участием иностранного капитала, цифровые банки и другие. Самыми молодыми из банков сегодня являются Arx Bank и Nayot Bank. На начало 2023 года 32 коммерческих банка страны имели 832 филиала по всей республике, а также 1 543 центра банковских услуг (офисы услуг и мини-банки) и 2 974 круглосуточных пункта самообслуживания (24/7) [3]. Общее количество банкоматов и инфокиосков составило 20 379, а платежных терминалов 434 018 штук. Через платежные терминалы были проведены транзакции объемом

177 671 млрд сумов в течение года. Всего в банковской системе Узбекистана на конец 2022 года работало более 57 800 человек [6].

Остаток кредитного портфеля по видам кредитования физическим лицам составляет 102 234 млрд сума из 391 109 млрд сумов (около 26%), при этом кредитный портфель юридическим лицам, который занимает большую часть в банковской системе на обозначенную дату состоял на 94.2% из общепринятых форм кредитования юридических лиц, 0.6% – из лизинга и факторинга, 0.3% составлял межбанковский кредит, 3.1% – микрокредит и 1.7% – синдицированное кредитование.

Диаграмма 1.

Остатки кредитного портфеля банков Узбекистана физическим лицам (на 01.02.2023)*




* Разработка авторов.

Существенный рост банковских активов и кредитного портфеля был обусловлен принятием в 2020-2021 годы мер по сокращению и сохранению на уровне 14% ставки рефинансирования Центрального банка Республики Узбекистан [7]. Это позволило банкам снизить ставки по кредитам для предпринимателей и населения, что в свою очередь стимулировало привлечение инвестиций и экономический рост.

Диаграмма 2.

**Уровень основной процентной ставки Центрального
банка Республики Узбекистан***



*Разработка авторов.

В то же время одним из важных показателей эффективности банковской системы является качество кредитного портфеля, которое определяется уровнем невозврата кредитов. По данным Центрального банка Узбекистана, на начало 2023 года доля проблемных кредитов в общем объеме кредитов составила 3,6%, что является достаточно хорошим показателем в сравнении с показателем предыдущего года, когда он составлял 5,2%. Такое высокое значение было связано с рядом мероприятий, проводимых Центральным банком в период пандемии COVID-19 по поддержке банковской системы и заемщиков, в том числе он предоставлял отсрочки по выплатам кредитов и льготные условия по рефинансированию долгов. До этого на конец 2020 года доля просроченных кредитов составляла 1,9%. Очевидно на данный момент банковская система страны не смогла достичь уровня, наблюдаемого до кризиса.

Кроме того важным фактором, который влияет на развитие банковской системы, является привлечение иностранных инвестиций. В конце 2022 года, например, венгерский банк OTP Bank подписал с Узбекистаном договор о покупке 75% «Ипотека-банка» [8]. Кроме того, в рамках стратегии по реформированию банковской системы, планируется приватизация Алокабанка, Узпромстройбанка, Асака банка и других крупных банковских учреждений. Это свидетельствует о том, что Узбекистан продолжает

привлекать внешние инвестиции и создавать благоприятную инвестиционную среду для иностранных компаний.

В Республике Узбекистан наблюдается активное внедрение цифровых технологий в банковскую сферу. Большинство банков запускают онлайн-сервисы и мобильные приложения, чтобы обеспечить удобство и быстроту обслуживания клиентов.

В частности, правительство Узбекистана активно поддерживает внедрение таких финтех, как мобильное банковское обслуживание и электронные платежные системы [4], что позволяет улучшить доступность банковских услуг для населения и повысить эффективность работы банков.

Цифровизация банковской системы – это процесс применения информационных технологий (ИТ) в банковской деятельности для повышения эффективности, скорости и безопасности операций. Республика Узбекистан активно внедряет ИТ в банковскую систему для улучшения качества банковских услуг, снижения издержек и повышения конкурентоспособности банков.

В частности, в 2021 году 53% оформленных депозитов, 40% полученных микрозаймов, 48% коммунальных и других платежей и 15% транзакций по конвертации валюты были осуществлены дистанционно [8].

Диаграмма 3.

Основные направления цифровизации банковской системы в Республике Узбекистан*



* Разработка авторов.

Заклучение

Банковская система страны сегодня представлена достаточно развитой инфраструктурой и широкой филиальной сетью банков, кроме того, эти банки предоставляют различные услуги клиентам. Государство создает благоприятные условия для развития и трансформации данного сектора экономики, однако, несмотря на прилагаемые усилия в данном процессе можно выделить некоторые отрицательные особенности. Авторы рекомендуют уделить особое внимание и направить усилия на преодоление следующих из них:

1. Конкуренция. Банковская система Республики Узбекистан сталкивается с конкуренцией со стороны других банков и финансовых учреждений, что может привести к снижению доли рынка и убыточности. К тому же на рынке Узбекистана действуют как местные, так и международные банки, что приводит к повышенной конкуренции и снижению маржинальности банков;

2. Риск кредитного портфеля. Высокий риск кредитного портфеля может привести к необходимости увеличения резервов и убытков, что может негативно сказаться на финансовом состоянии банков.

3. Низкая финансовая грамотность населения. Большинство населения Узбекистана имеет низкий уровень финансовой грамотности, что может затруднять продвижение новых продуктов и услуг, а также приводить к недостаточному использованию банковских услуг.

4. Неэффективное использование технологий. Неэффективное использование современных технологий может привести к снижению конкурентоспособности.

В целом, банковская система Республики Узбекистан продолжает развиваться и модернизироваться, что способствует росту экономики и повышению благосостояния населения.

Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 12.05.2020 г. № УП-5992 «О стратегии реформирования банковской системы на 2020-2025 годы». – <https://lex.uz/ru/docs/4811037>

2. Согласно постановлению правления ЦБ №22/1 и постановлению правления ЦБ №22/2 от 7 октября 2022 года у частного акционерного коммерческого банка “Туркистон” и частного акционерного коммерческого банка “НИ-ТЕСН BANK” отозваны лицензии на право осуществления банковской деятельности.

3. Статистический бюллетень ЦБ Республики Узбекистан 2022, Ташкент. – 2023. – С. 135. – https://cbu.uz/upload/medialibrary/697/z4ptrmjgvna5m91jeac7sljic1p48znp/Statisticheskiy-byulleten-TSB-_-2022-god.pdf

4. Бабаева Г., Хамрохужаева С. Совершенствование розничных платежей в Республике Узбекистан.

5. Азимова Ш., Хамрохужаева С., Topical Issues of the Need for Digitalization of the Banking System in the Republic of Uzbekistan, Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, Vol.7, 2022 – <https://geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/988/874> с.51.

6. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/75181>

7. <https://cbu.uz/ru/monetary-policy/refinancing-rate/levels/>

8. <https://www.spot.uz/ru/2022/12/12/otp-ipoteka-bank/>

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН БАНК МАҲСУЛОТЛАРИ

Абдурахимова Дилора Каримовна



*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
корпоратив молия ва қимматли
қозғозлар кафедраси доцент в.б.
Тошкент молия институти*

E-mail: abdurahimovadilora10@gmail.com

ORCID:0000-0003-1588-2686

Аннотация

Ўнлаб йиллар давомида молия саноати рақамлаштириш туфайли хизмат кўрсатишнинг доимий эволюциясини бошдан кечирмоқда. Шу сабаб сўнгги пайтда жаҳон рақамлаштириш марказларида анъанавий вазифаларни ҳал қилишни такомиллаштиришдан молиявий хизматлар кўрсатувчи муасасалар, хусусан, банклар учун мутлақо янги бизнес имкониятлари ва моделларини жорий этишга ўтиш бошланди. Мақолада мазкур молия тизимида инновацион, яъни рақамли банк маҳсулотларини жорий этилиши ва улар таклифини муваффақиятли амалга ошириш учун яратилган рақамли инфратузилмалар қандай натижа бераётгани, жамиятга ва мамлакат иқтисодиётига келтираётган самараси ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: банк инновациялари, инновацион банк маҳсулотлари, масофавий банк хизматлари, рақамли банк, молиявий хизматлар истеъмолчилари

РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ИННОВАЦИОННЫЕ БАНКОВСКИЕ ПРОДУКТЫ

Абдурахимова Дилора Каримовна

*доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
и.о. доцента кафедры корпоративных
финансов и ценных бумаг*

Ташкентский финансовый институт

E-mail: abdurahimovadilora10@gmail.com

ORCID:0000-0003-1588-2686

Аннотация

На протяжении десятилетий финансовая индустрия переживала постоянную эволюцию в предоставлении услуг благодаря цифровизации. В последнее время в центре ускоренной цифровизации мировой экономики начался переход от совершенствования решения традиционных задач к внедрению совершенно новых бизнес-возможностей и моделей для поставщиков финансовых услуг, в частности, банков. В статье рассматриваются результаты инноваций в этой финансовой системе, конкретнее внедрение цифровых банковских продуктов и цифровых инфраструктур, созданные для реализации их успешного продвижения, анализируется эффективность цифровых банковских продуктов для общества и экономики страны.

Ключевые слова: банковские инновации, инновационные банковские продукты, дистанционные банковские услуги, цифровой банкинг, потребители финансовых услуг

DEVELOPMENT OF THE WORLD ECONOMY AND INNOVATIVE BANKING PRODUCTS

Abdurakhimova Dilara Karimovna

*Associate Professor of the Department
“Corporate finance and securities”, PhD
Tashkent Institute of Finance*

E-mail: abdurahimovadilara10@gmail.com

ORCID:0000-0003-1588-2686

Abstract

For decades, the financial industry has been experiencing a constant evolution of service delivery due to digitalization. For this reason, in recent times, the transition has begun from improving the solution of traditional tasks in the center of accelerated digitalization in the world economy to introducing completely new business opportunities and models for financial services providers, in particular for banks. The article examined the results of innovation in this financial system, in particular, the introduction of digital banking products and the digital infrastructures created to implement their successful proposal, the effect they bring to the economy of people, society and countries.

Keywords: banking innovations, innovative banking products, remote banking services, digital banking, consumers of financial services

Кириш

XXI асрни илм, фан ва технологиялар ривожалниши асри деб номлаш мумкин, сабаби айнан ушбу даврнинг бошланиши ишлаб чиқариш ва хом ашёдан хам юқорироқ кўшича қиймат яратувчи соҳалар айнан илм ва технологияларга асосланган. Масалан, Insider Monkey компанияси томонидан ўтказилаган тадқиқотларга асосан, 2021 йилда, яъни пандемиянинг асорати хали яққол сезилиб турган даврда энг юқори даромад келтирувчи соҳа айнан дастурий таъминот (тизим ва иловалар) эканлиги таъкидланган. Мазкур даврда капитал рентабеллиги 32,07%ни ташкил қилган [11]. Бунинг натижаси ўлароқ сунъий интелект, BigData, “булутли” жараёнлар, блокчейн ва бошқа юқори технологияларнинг ривожланиши кўпгина мамлакатлар томонидан ўз иқтисодиётини рақамлаштириб боришга олиб келмоқда. Иқтисодиётнинг энг тез ривожланувчи молия соҳаси, айниқса банклар мазкур рақамлаштириш жараёнга ўз хиссасини кўшмоқда.

Дунё бўйлаб молия бозори янги технологилар, истеъмолчиларнинг хатти-харакати ва назоратнинг янгича ёндашуви таъсирида кенг қамровли ўзгаришга дуч келмоқда.

Шунингдек халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида молия технологияларининг жорий этилиши молия институтлари фаолияти рентабеллигини 20 фоизга ошириши аниқланган.

Ушбу мақолада мазкур сай-харакатлар, яъни молия тизимида рақамли молия маҳсулотларни жорий этилиши ва улар таклифини муваффақиятли амалга ошириш учун яратилган рақамли инфратузилмалар қандай натижага олиб келганлигини, жамият ва мамлакатлар иқтисодиётига келтираётган самарасини ўрганиб чиқамиз.

Адабиётлар шарҳи

Рақамли молия янги молиявий маҳсулот, молиявий корхона, молиявий дастурий таъминот, молиявий технологияларни, компаниялар ва инновацион молиявий хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан мижозларга тақдим этилаётган алоқа ва муносабатларнинг янги шаклларини ўз ичига олади.

Ушбу нуқтаи назардан молия ва ахборот тизимлари соҳасида ушбу ўзгаришларни ва рақамли тараққиётнинг молия секторига таъсирини таҳлил қилиш билан боғлиқ тадқиқотлар бошланди. Шу сабабли банкларнинг янги ва инновацион бизнес функциялари бўйича рақамли молия тадқиқотларининг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқамиз.

Ушбу тадқиқот доирасида молия технологиялари моҳиятидан келиб чиқиб, уларни банк тизими ва иқтисодиётга таъсирини ўрганиш лозим. Энг аввало мазкур молия технологияларининг амалга оширилган тадқиқотлар натижасида аниқланган ижобий томонларини ўрганамиз.

П.Гомер, Ж.Кох ва М.Сиерингларнинг фикрича, операцион самарадорлик нуқтаи назаридан инновацион молия технологиялари тижорат банкларига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга, мижозларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга ва истиқболда ўсиш учун имкониятни ва шу билан рентабелликни оширади [6]. Шунингдек уларнинг фикрича, молиявий инновациялар банклар ва қарз олувчилар ўртасидаги ахборот асимметриясини камайтиришга ва шу билан банкларни хавфсизроқ ва мослашувчан қилишга имкон беради.

А.Фастер, М.Плосер ва бошқалар эса “Рискларни назорат қилиш нуқтаи назаридан молия технологиялари маълумотлар аниқлигини ошириш учун меҳнат, капитал ва вақт харажатларини камайтириш учун биометрия ва овозни аниқлаш каби илғор технологиялардан фойдаланиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, ички фирибгарлик ва тизимли рискларни камайтириши мумкин” деган фикрни таъкидлайди [5].

Яна бир қатор тадқиқотчилар блокчейн хусусиятларини ўрганган ҳолда, у молия секторини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажаради, деб ҳисоблайди [3].

Ўз навбатида, молиявий ва технологик ечимларни банк хизматларига интеграциялашнинг афзалликлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаш керак: филиаллар ва бизнес-графикга уланмасдан банк хизматларини олиш қулайлиги; втоматлаштириш ва инсон омилини камайтириш ҳисобига операциялар тезлиги; филиал тармоғини кенгайтириш, офлайндан интернет ва мобил банкингга босқичма-босқич ўтиш заруриятсиз тез масштаблаш истиқболи; ўзига хослик, янги ечимлар муҳим рақобатдош устунликларни таъминлайди; банклар учун харажатларни камайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш; савдо ҳажмини ошириш; даромадларнинг ўсиши; узоқ муддатли истиқболда кенг қамровли рақобат устунликлари.

Молия технологиялар бозор иштирокчилари ва иқтисодиёт учун ҳам бир қатор имкониятлар яратади.

Ж.Л. Бауер ва С.М. Кристенсеннинг "бузувчи инновациялар" ҳақидаги назариялари айнан молия технологияларининг иқтисодиётга таъсирига ҳам таалукли бўлиб, уларни яратилиши бир қатор анъанавий молиявий хизматларнинг долзарблигини йўқоллишига олиб келиши билан бирга, “бу камроқ ресурсларга эга бўлган кичик компания (одатда бошланғич

компания/янги иштирокчи) мавжуд корхоналарга қарши чиқиши мумкин бўлган жараён” сифатида тавсифланади [1].

Рақамли трансформациянинг илғор таҳлилий талабларига жавоб берадиган самарали технологик ечимлар катта ҳажмдаги маълумотлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобатдош устунликлар ва янги бозорларни очиш имконини беради [8].

Молиявий технологиялар инновациялар ривожланиши билан бир вақтда АҚШда банкнинг яширин айланмаси улушини ошишига олиб келди [2].

Рақамли технологиялар дунё иқтисодиёти муносабатлари ва битимларини ўзгартирмоқда. Банк ҳисоб рақамларини очишдан тортиб, болаларни мактабга қабул қилиниши, янги ижтимоий ҳимоя дастурларини тақдим этиш, корхоналар томонидан лицензия олиш учун ариза беришгача рақамли технологиялар орқали амалга оширилмоқда. Рақамлаштириш ўзаро ахборот алмашинувга, амалга оширилаётган “соддалаштирилган” операцияларга, вертуал пулга, қоғозсиз маълумотларга асосланади. Рақамлаштириш орқали интернет орқали исталган масофадан туриб маълумот алмашинади.


Харажатларни камайтириш ва инновацияларни рағбатлантиришдан ташқари, бу кўпроқ одамларга сифатли хизматларни кўрсатиш имкониятларини яратади, масалан, қоғоз шаклини тўлдириш ёки тўлов бериш учун иш вақтида офисларга жисмоний ташриф буюриш зарурати йуқолади. Бунинг учун мамлакат институтлари ислоҳ қилинмоқда, қоидалар ўзгартирилмоқда, шунингдек, томонлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, ахборот алмашиш, тўловларни амалга ошириш ва шу кабилар учун янги технологиялар жорий қилинмоқда ва инфратузилмалар яратилмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий технологиялар ҳақида сўз борар экан, унинг пайдо бўлиши нафақат мамлакатлар, балки жаҳон иқтисодиёти архитектурасини ўзгартириб юборганини кўриш мумкин. 2019 йилдан бери молиявий технологиялар глобал венчур капитал харажатларининг тахминан 20 фоизини жалб қилди. Бу эса корхоналарни доимий молиялаштириб келган молиявий хизматлар мутахассисларидан ташқари, универсал, юқори технологияларга эга хусусий инвестор ва хедж-фондлардан катта миқдордаги капитал жалб қилганлигини англатади.

1-диаграмма.

2017-2022 йилларда молия технологияларини молиялаштириш даражаларининг ўзгариш динамикаси*



*Fintech control tower, Capital IQ va BCG kompaniyalarining tadqiqotlarini ўrgangan holda muallif tomonidan tuzilgan.

Диаграмма маълумотлари шуни кўрсатадики, 2021 йилда эришилган кўрсаткичларга дунёнинг энг йирик мега молиявий технологик гигантлари PayPal ва Ant Financial каби компанияларнинг бозор капиталлашувнинг ошиши сабаб бўлган. Ушбу корхоналарнинг 2021 йилдаги капиталлашув даражасининг ошиши ҳисобига улур дунёдаги энг йирик ўнта молиявий компаниялар қаторига кира олган.

Шунингдек бундай молиялаштиришнинг ўсишига баъзида криптовалюта ва уни қўллаб-қувватловчи технологияларни ташкил қилувчи блокчейн каби молиявий технологиялари сегментларини ривожланиши ҳам туртки бўлди. Криптовалютага молиялаштирилган маблағлар 2021 ва 2022 йилларда 50 млрд АҚШ долларидан ортиқ маблағни ташкил этди. Бу эса 2022 йилгача ушбу соҳага сафарбар этилган молиялаштиришнинг тахминан 75 фоизини англатади.


Лекин сўнгги 2022 йилдаги кўрсаткичларнинг шиддатли тушиб кетиш динамикаси энг йирик молия бозорлари жойлашган давлатлардаги фоиз ставкаларининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу капитал қийматини оширди ва молиялаштириш таклифини камайиб кетшига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат жаҳон иқтисодиётида аксарият мамлакатларнинг инфляция кўрсаткичларининг ўсиши, ўз навбатида, геосиёсий кескинликлар, таъминот занжири муаммолари ва пандемиядан кейинги тикланиш каби бир қатор

омиллар туфайли юзага келди. Молиявий ландшафтдаги кейинги ўзгаришлар ҳам юқори молиявий технологияларига эга компаниялар, ҳам инвесторлар томонидан сезилди.

BCG халқаро компанияси томонидан молия технологияларига асосан фаолият юритувчи компаниялар раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўров га биноан ушбу ҳолатдан чиқишнинг ягона ечими сифатида молия технологиялари компаниялари сўнгги йилнинг охириги ярим йиллигида молиялаштириш ҳисобига эмас, балки ренталеллик даражасини ошириш ва даромадли ўсишни бирламчи қилиб олганлиги таъкидлаганган [9]. Ушбу сўров натижаси молиявий технологиялар бозорида молиялаштириш даражаси 2021 йил кўрсаткичига етишига молия технологиялари компаниялар умид килмаётганларини англатади. Буни биргина 2023 бошига тушум ўсиш ҳолати ва 2024 йил бошига ўсиш прогнозига эътибор қаратиш кифоя. Сабаби бунда халқаро ташкилотлар томонидан 2024 йил бошига даромадда янада юқори рентабелликка эришилиши режалаштирилмоқда.

2-диаграмма.

Молия технологиялардан умумий тушум ва прогнози
(млрд АҚШ долл)*



Respublikamizga jahon darajasidagi texnologiyani yetkazib berayotgan, iqtisodiyotning zamonaviy tarkibini vujudga keltirishga ko‘maklashayotgan xorijiy sarmoyadorlarga imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish tizimini takomillashtirish;

O‘zbekistonning bir qator xalqaro reytinglarda ishtirokini ta‘minlash va mavjud reyting ko‘rsatkichlarida egallagan o‘rnining pastligiga qarshi ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy va kompleks tadbirlarni amalga oshirish;

Investitsion muhit jozibadorligiga ta‘sir ko‘rsatadigan omillarni aniqlash, ularning ta‘sir doirasini aniq hisoblab chiqish.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. World Investment Report 2022. International tax reforms and sustainable investment. – <https://unctad.org/publication/world-investment-report-2022>

2. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. – М.: Дело ЛТД, 2014. – 438с.

3. Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран: учебник. – М.: Экономист, 2007. – 368 с.

4. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие. – М.: КноРус, 2013. – 311 с.

5. Pernia Ernesto M.; Salas John Michael Ian Sioson (2005) : Investment climate and regional development in the Philippines, UPSE Discussion Paper, No. 2005,01, University of the Philippines, School of Economics (UPSE), Quezon City

6. Вахобов А.В., Хажибакриев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорijiy investitsiyalar: o‘quv qo‘llanma. – Т.: Moliya, 2010. – В. 153.

7. The Failed States Index Rankings. URL: – <http://ffp.statesindex.org/rankings>

8. Пинали Э. Инвестиционный климат и частный сектор. // Экономическое обозрение. 2005. №9.

9. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot. Monografiya. BMA. 2017. 208-b.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИНИ БОШҚАРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ РОЛИ



Синдаров Шерзод Эгамбердиевич

*иқтисодиёт фанлари доктори профессор
Тошкент молия институти
E-mail: sherzodsindarov@mail.ru
ORCID.org/0009-0008-0058-2924*

Анотация

Ички аудит бюджет ташкилотини самарали бошқаришнинг асосидир. Аудиторлар давлат ресурсларини самарали ва тўғри бошқарилишини баҳолаш орқали бюджет ташкилотининг жавобгарлиги, ҳисоб маълумотларининг ҳаққонийлиги ва фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Мазкур мақолада ички аудитнинг бюджет ташкилотидаги ролига ва бу орқали бажарадиган назорат усуллари ва асосий таркибий қисмларига эътибор қаратилган. Юқорида қайд этилган масалалар ечими натижасида ички аудит фаолияти бюджет ташкилотининг ўз мақсадларига натижали, самарали эришиш имконини беради. Шунингдек, бюджет ташкилотининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Калит сўзлар: аудит, бошқарув фаолияти, бюджет ташкилоти, ички аудит, маблағ, самарадорлик, хўжалик фаолияти, ҳисобот.

РОЛЬ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В УПРАВЛЕНИИ БЮДЖЕТНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Синдаров Шерзод Эгамбердиевич

*доктор экономических наук профессор
Ташкентский финансовый институт
E-mail: sherzodsindarov@mail.ru
ORCID.org/0009-0008-0058-2924*

Аннотация

Внутренний аудит является основой эффективного управления бюджетной организацией. Аудиторы помогают улучшить подотчетность, точность и эффективность бюджетной организации, оценивая эффективное и

надлежащее управление государственными ресурсами. В данной статье основное внимание уделяется роли внутреннего аудита в бюджетной организации и методам и основным компонентам контроля. В результате решения вышеуказанных задач деятельность внутреннего аудита позволяет бюджетной организации эффективно и результативно достигать поставленных целей. Он также обеспечивает подотчетность и прозрачность бюджетной организации перед общественностью.

Ключевые слова: аудит, управленческая деятельность, бюджетная организация, внутренний аудит, финансирование, эффективность, хозяйственная деятельность, отчетность.

THE ROLE OF INTERNAL AUDIT IN MANAGEMENT BUDGET ORGANIZATION

Sindarov Sherzod Egamberdievich

Doctor of Economic Sciences Professor

Tashkent Institute of Finance

E-mail: sherzodsindarov@mail.ru

ORCID.org/0009-0008-0058-2924

Abstrakt

Internal audit is the basis of effective management of budget organizations. Auditors help to improve the accountability, accuracy and performance of budget organizations by evaluating the effective and proper management of public resources. This article focuses on the role of internal audit in budget organizations and the methods and main components of control performed by it. As a result of the above-mentioned issues, internal audit activities in budget organizations allow budget organizations to achieve their goals in a productive, efficient, economic and ethical manner. It also ensures public accountability and transparency of budget organizations.

Key words: audit, management activity, budget organization, internal audit, funds, efficiency, economic activity, reporting.

Кириш

Бошқарув фаолияти ташкилотнинг ўз мақсадларига эришишдаги бажариладиган амалларини баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш учун амалга ошириладиган жараён ва тузилмаларнинг комбинацияси сифатида белгиланади. Бюджет ташкилотида бошқарув фаолияти мақсадларни

белгилаш ва унга эришишга қаратилган. Шунингдек у бюджет ташкилоти фаолиятига оид ахборотнинг ишончлилиги ва кўрсатиладиган хизматнинг адолатлилигини таъминлаш орқали бюджет ташкилотида коррупция хавфини камайтирадиган фаолиятни ўз ичига олади.

Тадқиқот бюджет ташкилотида аудит фаолиятининг аҳамиятини очиб беради ва бюджет ташкилоти фаолиятининг барча даражалари учун ички аудит фаолияти қийматини максимал даражада ошириш учун зарур бўлган асосий элементларни аниқлайди.

Бюджет ташкилотида ички аудиторнинг роли биринчи навбатда бошқарув фаолияти доирасида назорат, тушуниш ва прогноз мезонларини баҳолаш. Назорат бюджет ташкилотининг вазифаларини амалда бажарилишини ҳал этади ва давлат секторида коррупцияни аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади. Бюджет ташкилотида қарор қабул қилувчи шахс юқори раҳбариятга давлат дастурлари, сиёсати, фаолияти ва натижаларини мустақил баҳолашни таъминлайди, келажакда юзага келиши мумкин бўлган ўзгариш, хавф ва муаммоларни аниқлайди. Аудитор ушбу вазифаларнинг ҳар бирини тўғри бажариш учун молиявий аудит, самарадорлик аудити ва турли тадқиқотлар каби фаолиятни амалга оширади.

Адабиётлар шархи

Бюджет ташкилотини бошқаришда ички аудитнинг роли борасида аксарият ҳолларда хорижлик олимларнинг изланишларини кўриш мумкин. Жумладан, Леман Кулиеванинг изланишларига кўра, “жамоат вакиллари сифатида фаолият юритувчи бюджет ташкилоти ходимлари ўзларининг мажбурий вазифалари, ресурслардан фойдаланиш ва жамиятнинг талабларини қондириш учун жавобгардир. Самарали аудиторлик фаолияти амалга оширилган операциялар натижасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтиради. Текширилаётган бюджет ташкилотининг раҳбар шахси аудиторга муассасанинг бухгалтерия ҳисобини ҳолисона баҳолаш ва ресурслардан мақсадларга мувофиқ фойдаланилиш ҳолатини баҳолашни белгилайди” [2].

Essay Saucенинг фикрича: “Ички аудит орқали молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини молиявий ахборотдан фойдаланувчиларга кўрсатиш зарурати турли сабабларга кўра юзага келади. Булар:

манфаатлар тўқнашуви: ходимлар ресурс ва ваколатлардан муассаса манфаатларидан кўра ўз манфаатларига мувофиқ фойдаланиши;

масофа: муассаса раҳбари операцияларни бевосита кузата олмайди;

мураккаблик: муассаса раҳбари фаолиятни назорат қилиш учун техник тажрибага эга эмас;

хатолар: банд бўлган ходимлар иш жараёнларида хатоларга йўл қўйиш” [3].

Douglas F. Prawittнинг изланишлари бўйича: “Ички аудит – бу ташкилот раҳбариятининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини ёки бошқарув амалиётининг мустақил ва объектив тақдим этилишини баҳолаш” дан иборат [4].

L.L. Lisic бошчилигидаги олимлар: “Хусусий секторда тафтиш комиссиялари очиқ компанияларнинг молиявий ва ахлоқий яхлитлигини мустаҳкамлаш учун назоратни таъминлаш учун тузилади. Ушбу назорат жараёни самарали бошқарув учун жуда муҳим бўлганлиги сабабли, давлат муассасаларида ҳам тафтиш комиссияси керак. Бундан ташқари, давлат муассасаларининг ўзига хос шартларига қараб, тафтиш комиссиялари турли хил бошқарув қоидалари доирасида ишлайди” [5], дея фикр- мулоҳазаларини билдиришган.

Johnathan Magrane “Тафтиш комиссияси ички ва ташқи аудит иш режалари ва натижаларининг мустақил равишда текширилишини таъминлаш, аудиторлик эҳтиёжларини баҳолаш ва аудиторларнинг ташкилот билан муносабатларига воситачилик қилиш орқали давлат сектори аудити фаолиятининг мустақиллиги, ҳалоллиги ва самарадорлигини сезиларли даражада мустаҳкамлайди”[6] деган фикрни олдинга суради. Бунда аудит кўмиталари аудит натижаларининг эълон қилинишини, ижобий тақлиф ёки тузатишларни кўриб чиқилиши ёки ҳал қилинишини таъминлайди.

А.Остонокулов бюджет ташкилотининг давлат хариди жараёнида ички аудитнинг зарурлиги ва аҳамиятини назарий ҳамда амалий жиҳатдан очиқ берган. Бунда харид билан боғлиқ шартноманинг тузилиши, товар (иш ва хизмат)нинг етказиб берилиши, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китобининг ҳаққонийлиги ва қонунийлиги аудит хизмати томонидан ўрганиладиган асосий объект сифатида асослаб берилган [8].

Бизнингча, ички аудит – бюджет ташкилотини самарали бошқаришда соҳага оид ташкилотнинг ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш учун вазифаларни бажариш учун ажратилган ресурслардан мақсадли фойдаланиш ҳолати ва назорат қилиш тизими тўғрисида ахборот берувчи фаолиятдир.

Таҳлил ва натижалар

Ички аудит хизмати бюджет ташкилотида унинг фаолият турига қараб ўз вазифаларини белгилайди. Бюджет ташкилотини олий таълим

муассасалари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, олий ўқув юртлари ўз даромад ва харажатлар сметалари асосида маълум миқдорда бюджетдан молиялаштирилади. Бундан ташқари, олий ўқув юрти тўлов-контракт пули, ривожлантириш жамғармаси маблағи, инновацион ишланмалари ва гранд лойиҳалари маблағлари асосида ҳам маълум миқдорда молиялаштирилади.

Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади [1].

Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағи – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилот ихтиёрига келиб тушадиган маблағдир. Бюджетдан ташқари маблағ бўйича алоҳида-алоҳида даромад ва харажат сметалари тузилади ҳамда молия йили давомида амалга оширилади.

Демак, бюджет ташкилотининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритилиши, режалаштирилиши, сарфланиши юзасидан жорий назорат қилиниши лозимдир.

Бюджет ташкилотида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфини назорат қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилна фойдаланишни таъминлаш бевосита ҳисоб ишларини ташкил қилиш ва юритиш орқали амалга оширилади. Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар бюджет ташкилотининг даромад ва харажат сметалари ижроси ҳисоби услубиётини янада такомиллаштиришни талаб этади [7].

Бюджет ташкилотининг ҳисоб юритиш шакли, бир нечта сметалар асосида топшириладиган ҳисоботлари, молиялаштириш манбалари кўп тармоқлилигидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотида ички аудит хизматини ташкил этишнинг аҳамияти янада юқорилигини кўришимиз мумкин.

Бюджет ташкилотида ички аудитни ушбу масалаларини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 21 августда ПҚ-3231-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади бюджет муассасаларида бюджет жараёнини шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш,

шунингдек замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқишдир.

Бюджет ташкилотида ички аудит томонидан бошқарувнинг ишончилиги учун тақдим этиладиган хизматлар қуйидагилардир:

текшириладиган шахсларга нисбатан мустақил муносабат ва текшириладиган объектга объектив муносабат;

муҳим ва тегишли далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун тизимли жараёнлардан фойдаланиш;


натижаларни шакллантириш мезонларини таққослаш;

кенг тарқалган профессионал аудит стандартларидан фойдаланиш.

Бизнингча, ички аудит – бу ташкилот фаолиятини яхшилаш ва қиймат кўшиш учун мўлжалланган мустақил, объектив ва ишончли маслаҳат олиш фаолияти ҳисобланади. Ички назорат бу ташкилотга рискларни бошқаришга ва бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолашга ва яхшилашга тизимли ёндашувни кўллашга имкон яратиб, мақсадларга эришишга ёрдам беради. Ички аудит жавобгарлик муносабатларига хизмат қилади.

1-чизма.

Бюджет ташкилотида ички аудит муносабатлари*



*Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ҳар бир бюджет ташкилоти тафтиш комиссиясининг муайян вазиятга мос келишини аниқлаш учун бошқарув тузилмасини баҳолаши керак. Тафтиш комиссиясига бўлган эҳтиёж индивидуал ҳолатларга, аудиторлик фаолиятининг хусусиятига ва юқори турувчи орган ёки кузатувчи кенгашнинг қарорига боғлиқ бўлади. Тафтиш комиссиясининг иш соҳасидаги айрим амалиётлари қуйидагилардан иборат:

белгиланган вазифани бажариш учун ишни расмий ташкил этиш;

аудит, молия, риск ва назорат бўйича билимга эга бўлган мустақил аъзоларни тафтиш комиссияси таркибига киритиш;

аудит учун масъул бўлган бош аудитор ва бошқа аудиторлардан бутунлай мустақил бўлган аъзолардан тафтиш комиссиясини тузиш;

ташкилот ёки ташкилотнинг рискларини бошқариш, бошқарув тизимининг таъсирчанлигини, унинг бошқарув ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаш;

ташкилотнинг ички аудит фаолиятини етарлича ресурс билан таъминлаш, ички аудит шартномаси ва аудит режаларини тасдиқлаш, аудиторлик фаолияти натижаларини баҳолаш, аудиторларни тайинлашга розилик бериш мақсадида назоратни таъминлаш;

ташкилотни бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ текшириш;

ташкилотнинг бошқарув кенгаши ёки юқори турувчи идораларга мунтазам ҳисобот бериш.

Бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати ташкилот фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, унинг иш фаолиятини қонун доирасида олиб бориш, даромад ва харажат сметаларини тузиш, ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ўз маслаҳат ва тавсияларини бериш билан ҳам шуғулланади. Шу сабабдан ички аудитга таъриф бераётганимизда унинг профессионал хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз топдик. Чунки давлат молиявий назорат хизмати томонидан бюджет ташкилотини назорат қилиш ишлари ҳам олиб борилади. Бюджет ташкилоти ички аудит хизматининг асосий жиҳати эса, давлат молиявий назоратидан фарқли равишда ёрдамчи назорат унсури сифатида номоён бўлади.

Юқоридаги таърифлардан ички аудит хизматининг аҳамияти юқорилигини англашимиз мумкин. Кўп ҳолларда бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати ва давлат молиявий назоратини ўзаро бир-бирига ўхшатиб ёки адаштириб қуйишади. Лекин улар аслида бир-бирига ўхшамаган функциялар ва вазифаларга эга.

Ички аудит хизмати бу ташкилотнинг фаолиятидаги номуносивликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва керакли маслаҳат, тавсияларни бериб бориш ва доимий мониторинг ўтказиш билан тавсифланади. Давлат молиявий назорати – бюджет тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилишларини аниқлаш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таққослаш билан шуғулланади.

Хулоса

Бюджет ташкилотида ички аудит давлат бошқарувининг яхши калити бўлганлиги сабабли, у ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри фойдаланиш жараёнини баҳолашда жуда муҳим воситадир. Бюджет ташкилотининг барча молиявий-ҳўжалик фаолиятига жавоб бериши учун бюджет ташкилотининг ички аудит хизмати иқтисодий тизимини ҳар томонлама қамраб олиши керак. Бюджет ташкилотининг фаолиятини холис ва мустақил баҳолаш учун ички аудит жараёни зарур. Айрим бюджет ташкилотларида ички аудит механизми мавжуд бўлса, бошқаларида бу тузилма мавжуд эмас. Бюджет ташкилоти фаолияти нафақат ички аудит, балки ташқи аудит (давлат молиявий назорат) томонидан ҳам ўрганилади ва баҳоланади. Ушбу ўринда ички аудит бюджет ташкилотини самарали бошқаришда муҳим саналади.

Бюджет ташкилотида ички аудит фаолияти ва ҳисобот муносабатлари турли фаолият соҳалари бўйича амалга оширилади. Бюджет ташкилотининг ўз фаолиятини амалга ошириши, маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда самарали бошқаришни таъминлаш иқтисодий ва ахлоқий жиҳатдан, шунингдек, белгиланган мезонларга мувофиқ, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш ва ахборотларни ошкор қилиш мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиёт

1. “Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатга олинган).

2. Leman Quliyeva. Effectiveness of Internal Audit in The Public Sector. Accounting and Auditing. 2021. – P. 1-6.

3. Essay Sauce. Essay: Internal audit effectiveness. Essay Sauce for Students: all the Ingredients of a Good Essay 24 November 2019.

4. Douglas F. Prawitt. Internal audit quality and earnings management. *The Accounting Review* 84(4). September 2008. – P. 1-8.

5. Lisic, L. L., Neal, T. L., Zhang, I. X., Zhang, Y. (2016). CEO power, internal control quality, and audit committee effectiveness in substance versus in form. *Contemporary Accounting Research* 33 (3): 1199-1237.

6. Johnathan Magrane. Audit Committee Effectiveness: A Public Sector Case Study. *Managerial Auditing Journal*. 2010 25(June). – P. 427-443

7. Шаймарданова Д. Бюджет ташкилотини молиялаштириш манбалари, улар бўйича сметаларни тузиш ва ижроси ҳисобининг хусусиятлари. //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – 2017. №2.

8. Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. (2023). Audit inspections of state purchases and contracts signed on the basis of tender in budgetary organizations. *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*, 2(2), 99–112. Retrieved from – <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/1134>

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ АУДИТИ ВАЗИФАЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич



*аудит кафедрасининг
катта ўқитувчиси
Тошкент молия институти
E-mail: inom23@gmail.com
ORCID:0000-0001-6704-6853*

Аннотация

Мамлакатимизда кейинги уч йил ичида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, аудиторларни сертификатлаш тизимини ислоҳ этувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда Ҳукумат томонидан чиқарилган аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш тўғрисидаги қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Шундан келиб чиққан ҳолда аудитнинг муҳим объектларидан бири бўлган хусусий капитал аудитига доир масалаларни тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Мақолада аудиторлик фаолиятини тартибга солишда олиб борилаётган ислохотлар, шунингдек хусусий капитал аудитининг мақсади ва вазифаларини аудитнинг халқаро стандартлари асосида аниқлаштиришга қаратилган таклифлар акс этган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолият, аудитнинг халқаро стандартлари, хусусий капитал, низом капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда.

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ОРГАНИЗАЦИИ АУДИТА СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА

Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич

*старший преподаватель кафедры аудита
Ташкентский финансовый институт
E-mail: inom23@gmail.com
ORCID:0000-0001-6704-6853*

Аннотация

За последние три года в нашей стране была проделана большая работа по дальнейшему развитию аудиторской деятельности. В частности, принятие нового Закона «Об аудиторской деятельности», Постановление Президента Республики Узбекистан о реформировании системы сертификации auditors, а также постановления Правительства о внедрении международных стандартов аудита является тому доказательством. Исходя из этого исследование вопросов, связанных с аудитом собственного капитала, являющегося одним из важных объектов аудита, является актуальной задачей сегодняшнего дня. В статье отражены реформы, связанные с аудиторской деятельностью, а также даются предложения, направленные на уточнение целей и задач аудита собственного капитала на основе международных стандартов аудита.

Ключевые слова: аудит, аудиторская деятельность, международные стандарты аудита, собственный капитал, уставный капитал, добавленный капитал, резервный капитал, нераспределенная прибыль.

SOME ASPECTS OF THE ORGANIZATION OF EQUITY AUDITING

Sherimbetov Inomjon Khalilullayevich

*Senior Teacher of the Department Audit
Tashkent Institute of Finance
E-mail: inom23@gmail.com
ORCID:0000-0001-6704-6853*

Abstract

Over the past 3 years, a lot of work has been done in our country to further develop auditing activities. In particular, the adoption of the new Law "On Auditing Activities", the Presidential Decree on the reform of the system of certification of auditors, as well as the Government's Decree on the implementation of international auditing standards may be a prime example. On this basis, the study of issues related to the audit of equity, which is one of the important objects of audit, is an urgent task of the modern. This article reflects the reforms in the regulation of auditing activities, as well as proposals aimed at clarifying the goals and objectives of equity auditing on the basis of international standards on auditing.

Keywords: audit, audit activity, international standards on auditing, equity, share capital, share premium, reserve capital, retained earnings.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгаришларга юз тутмоқда. Хусусан, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакат ҳудудида 2021 йилдан бошлаб, Халқаро бухгалтерлар федерацияси Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган стандартлар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунида «Аудиторлик фаолияти – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти» [1] эканлиги қайд этилган. Аудиторлик ташкилотлари ўз хизматларини аудиторлик фаолиятининг стандартлари асосида амалга оширади. Мамлакат ҳудудида аудиторлик фаолияти стандартларининг давлат тилидаги матнини тан олиш ва қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги 171-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, аудиторлик фаолиятининг стандартларини тан олиш учун Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан битим тузилди. Битимга мувофиқ, аудиторлик фаолияти стандартларининг матни давлат тилига таржима қилиниши назарда тутилган. Таржима қилинган матннинг инглиз тилидаги аслиятига мувофиқлиги аудиторлар, экспертлар ҳамда жамоатчилик билан муҳокама қилинади, шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудит халқаро стандартларининг давлат тилидаги матнини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик текширувнинг мақсади молиявий ҳисобот ва у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончилигини ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш ҳисобланади.

“Мустақил аудиторнинг асосий мақсадлари ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитни ўтказиш” номли 200-сон АХСга мувофиқ, аудитнинг мақсади эҳтимолий фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботга бўлган ишончини ошириш этиб белгиланган. Бунга молиявий ҳисоботни тайёрлаш концепциясига мувофиқ бўлган мезонлар асосида барча аҳамиятли жиҳатлар бўйича ишончли тайёрланганлиги тўғрисида фикр (хулоса) билдириш орқали эришилади.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, «Ишончлилик деганда молиявий ҳисобот маълумотларининг аниқлик даражаси тушунилиб, у ушбу ҳисобот асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида холис хулосалар чиқариш имконини беради» [1].

Таъкидлаш жоизки, аудитор молиявий ҳисоботнинг ишончлиги тўғрисида фақатгина оқилна ишонч билдира олади, яъни мутлақ ишонч билдира олмайди. Мазкур ҳолат аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг йил давомида амалга оширган хўжалик операцияларини тўлиқ текшира олмаслиги билан изоҳланади.

Хусусий капитал аудитини ташкил этиш ва ўтказишга доир бир қатор маҳаллий ва чет эл олимларининг фикрларига ҳам эътибор қаратсак.

А. Авлокулов хусусий капитал аудитининг аҳамияти хусусида кўйидагича хулосага келади: «Компаниялар фаолиятининг барқарорлигига хусусий капитал, даромад ва харажатлар миқдорининг ўзгариши кескин таъсир кўрсатади. Инвесторларнинг асосий мақсади устав капиталига қўшган улушидан қай даражада манфаат кўриши ҳисобланади. Хусусий капиталга оид ҳаққоний ва ишончли ахборотлар аудиторлик текширувлари орқали таъминланади» [2].

Д. Пашаходжаева, Т. Саттаровлар «Хусусий капиталнинг таркибий элементларини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад хусусий капиталнинг ҳолати акс эттириладиган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги ҳамда уни ҳисобга олиш услубиётининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш» [3] деб эътироф этишади.

Германиялик иқтисодчи олимлар К. Фридрих, Р. Куик ва Ф. Шмидтларнинг таъкидлашича, «Акциядорлар қарорлар қабул қилиш жараёнида молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги хусусида ахборот рискига дуч келишади. Аудиторлик текширувлари орқали акциядорларнинг устав капиталидаги улуши, дивидендлар тўланиши даражасига оид ишончли ахборотлар билан таъминланиши натижасида мазкур рисклар пасайтирилиши мумкин» [4].

А. Туйчиев ва бошқалар «Ташкилот устав капитали аудитининг мақсади устав капиталнинг ҳолати акс эттирилган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги ҳамда унинг ҳисобга олиш услубиётининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги тўғрисида фикр шакллантириш» [5], деб таъкидлашади. Ш. Файзиев ва бошқа олимлар ҳам ўз асарларида айнан шундай фикрни илгари суришган [6].

Юқорида қайд этилган мамлакат олимларнинг илмий ишларида

хусусий капитал компонентлари аудитини ёритишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига риоя этиш нуқтаи назаридан ёндашилган. Фикримизча, бундай ёндашувга аудитнинг халқаро стандартлари талабларини, уларда белгиланган амалларни боғлаган ҳолда масала ёритилса, айни муддао бўлади.

С.К. Барышева ва А.Ж. Турлыбековалар «Устав капиталининг ҳуқуқий тўғри шаклланганлиги, унинг миқдорининг ўзгариши тартибига риоя этилганлиги, ўз вақтида шакллантирилганлиги, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс этирилганлиги устав капитали аудитининг мақсади» [7], деб таъкидлашган.

С.Н. Боровяк ва Н.Н. Новоселовалар хусусий капитал аудитини бешта йўналиш бўйича ўтказиш таклифини илгари суришган: «Хусусан, текширилаётган субъект фаолиятининг қонунийлиги ва уставга мувофиқлигини, устав капиталининг шаклланиши бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилигини, устав капитали миқдorigа киритилган ўзгартиришларнинг қонунийлигини, қўшилган ва резерв капиталининг шаклланиши ва улардан фойдаланганлигини, олинган молиявий натижанинг тўғри акс этирилганлиги ва тақсимланганлигини текширувини олиб бориш лозим. Шунингдек, хусусий капитал аудитида ёппасига текшириш амалини қўллаш мақсадга мувофиқ» [8], деб таъкидлашган.

Е.А. Киштимованинг фикрига кўра: «Хусусий капитал аудити ташкилотларнинг молиявий беқарорлиги ва иқтисодий ночорлик хавфининг олдини олишга ёрдам берадиган хусусий капитал компонентларига доир операцияларнинг ишончлилигини тасдиқлашга қаратилган бўлиши керак»[9].

Хитойлик иқтисодчи олимларнинг фикрича: «Хусусий капитал компонентлари тўғрисидаги ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилигига аудиторлик текшируви орқали баҳо берилади. Аудиторлик текширувида хусусий капитал таркиби билан боғлиқ молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришига баҳо бериш орқали фаолият узлуксизлигини ҳам тахмин қилиш мумкин» [10].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, хусусий капитал аудити бўйича олимларда турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, аудитнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ аудит ўтказиш тартиби ёритилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро бухгалтерлар федерацияси Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича Кенгаши томонидан эълон қилинадиган стандартлар, яъни аудиторлик фаолияти стандартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилади (1-чизма). Аудиторлик фаолияти стандартларини қуйидаги икки гуруҳга, яъни ишончни таъминлайдиган топшириқлар стандарти ҳамда сифат назорати ва турдош хизматларни тартибга солувчи стандартларга ажратиш мумкин.

1-чизма.

Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш томонидан эълон қилинган стандартлар туркуми*



*Муаллиф ишланмаси

Таъкидлаш жоизки, халқаро аудит стандартлари (ХАС) ўтган давр молиявий ахборотларини аудиторлик текширувига нисбатан, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари (ТТХС) ўтган давр молиявий ахборотларини таҳлилий текширувига нисбатан, ишончни таъминлайдиган топшириқлар халқаро стандартлари (ИТТХС) ўтган давр молиявий ахборотлар бўйича аудит ёки таҳлилий текширувлардан ташқари ишончни таъминлайдиган топшириқларга нисбатан, турдош хизматлар билан боғлиқ халқаро стандартлар (ТХХС) молиявий ахборотларни компиляциялашга, келишилган тартиб-таомиллар бўйича топшириқни бажаришга ҳамда турдош хизматлар бўйича бошқа топшириқларга нисбатан, сифат назоратининг

халқаро стандартлари (СНХС) аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган барча хизматларга нисбатан қўлланилади.

Таъкидлаш лозимки, хусусий капитал аудитида унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда вазифалар белгиланиши лозим. Фикримизча, хусусий капитал аудитининг мақсади бўлиб, молиявий ҳисоботнинг компонентларини ишончилиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби талабларига мувофиқлиги тўғрисида оқилона фикр билдириш ҳисобланади. Аудит мақсадидан келиб чиққан ҳолда хусусий капитал аудитининг вазифалари сифатида қуйидагиларни таклиф этамиз (2-чизма).

2-чизма.

Хусусий капитал аудитининг вазифалари*



*Муаллиф ишланмаси.

Демак, хусусий капитал компонентларини текширувдан ўтказишда аудитор, аввало ташкилот фаолияти турларини тартибга солувчи ички ҳужжат – ташкилот Устави билан тўлиқ танишиб чиқиб, фаолият турлари Устав ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаганлигига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ, айрим турдаги фаолиятлар лицензияланишини эътиборга олган ҳолда ташкилотда лицензияланадиган фаолият турига мос тушадиган фаолият мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Агар лицензияланадиган фаолият

мавжуд бўлса, у ҳолда аудитор ушбу фаолиятни амалга оширишга рухсат берувчи ваколатли орган томонидан тақдим этилган ҳужжат мавжудлигини ўрганади. Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун хабардор қилиш тартиби ҳам йўлга қўйилган бўлиб, унга мувофиқ айрим турдаги фаолиятни бошлашда ёки тугатишда мажбурий тартибда ваколатли органни хабардор қилиш мажбурияти ташкилот зиммасига юклатилган.

Кейинги вазифа устав капиталининг шаклланишини ва унга киритилган мол-мулкнинг баҳоланишини ўрганиш ҳисобланади. Унга асосан аудитор томонидан устав капиталининг шаклланиши, унинг миқдорининг камайиши ва кўпайиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилади. Мазкур ҳолатда устав капиталига киритилган мол-мулкнинг баҳоланиши тўғрилигини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ташкилот инвестицион жозибadorлигини ошириш орқали потенциал инвестор, кредиторларни жалб қилиш мақсадида молиявий ҳисоботда активларни юқори қийматда баҳолашга уриниш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин. Агар шундай ҳолат аниқланса, бу молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш деб баҳоланиб, бошқа шахсларнинг ташкилотга бўлган ишончини сусайишига олиб келади. Шунингдек аудитор устав капиталидаги ўзгаришларни бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатларида ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Худди шундай тартибда қўшилган ва резерв капиталининг шаклланишини ўрганиш вазифалар белгиланади, уларга доир ахборот молиявий ҳисобот ва унинг иловаларида ишончли акс эттирилганлиги тўғрисида оқилона ишонч билан фикр билдириш учун етарли далиллар тўплаши лозим.

Хусусий капитал аудитининг навбатдаги вазифасига тақсимланмаган фойдани ўрганиш киради. Бунда аудитор томонидан даромад ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда ташкилотда ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳамда ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси тўғри шаклланганлиги ўрганилади. Шунингдек, ташкилот иштирокчиларига ҳисобланган дивиденд миқдори қонунчиликда белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда аниқланганлиги эътиборга олинади. Ташкилот ихтиёрида қолган тақсимланмаган фойдани бошқа мақсадлар учун ишлатилишининг қонун ҳужжатларига мослиги ва бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштирилиши ҳам алоҳида ўрганилади.

Хулоса

1. Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти ва аудит хизматларини

кўрсатишнинг янги босқичга кўтарилганлиги уларнинг сифатини таъминлаб, ишбилармонлар ҳамжамияти томонидан аудит натижаларининг тан олинишига олиб келади. Хусусан, халқаро аудит стандартлари талаблари асосида ташкил этилган аудиторлик текширувлари натижаларининг барча шахслар учун тушунарли ва ишончли бўлиши таъминланади. Шунингдек, бундай турдаги ислохотларни изчил давом эттиришда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органларга бир қатор мажбуриятлар юкланади, яъни аудитнинг халқаро стандартларини ўзбек тилидаги расмий матнини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг кейинчалик долзарблигини сақлаб туриш мақсадида Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш томонидан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳам ўз вақтида жорий этиб бориш, амалиётчилар учун аудитнинг муҳим жабҳалари юзасидан аудитнинг халқаро стандартларига шарҳ бериб бориши лозим бўлади.

2. Хусусий капитал компонентлари ташкилотнинг молиявий барқарорлигига таъсир этишини ҳамда инвестор ва кредиторлар томонидан муҳим қарорлар қабул қилишига таъсир этишини инобатга олсак, молиявий ҳисоботда улар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлиги муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, аудиторлар профессионал скептицизмга таянган ҳолда мустақил ва холис фикр билдириши зарур ҳисобланади.

3. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хусусий капитал аудитининг вазифаларига аниқлик киритилди. Аудиторлик текширувида аудит мақсадидан келиб чиққан ҳолда хусусий капитал аудитнинг вазифаларини тўғри белгилаш аудит хизматининг сифатини, текширувга кетадиган вақт ва меҳнат сарфи оптималлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон. – <https://lex.uz/docs/5307886>

2. Anvar Avlokulov. Return on assets and financial soundness analysis: case study of grain industry companies in Uzbekistan. International Journal of Management Science and Business Administration Volume 4, Issue 6, September 2018, Pages 52-56

3. Пашаходжаева Д., Саттаров Т. Корхоналар хусусий капитали (устав қўшилган ва захира капиталлари) ва ундаги ўзгаришларни аудиторлик текширувидан ўтказиш услубияти // Экономика и социум. – №6(97)-1, 2022, 777 б. – www.iupr.ru

4. Christian Friedrich, Reiner Quick, Florian Schmidt. Auditor-provided non-audit services and perceived audit quality: Evidence from the cost of equity and debt capital. //International Journal of Auditing, 2022. (1-20). <https://doi.org/10.1111/ijau.122M>
5. Tuychiyev A., Qo‘ziyev I., Masharipov O., Avlokulov A., Yakubov M., Sherimbetov I., Avazov I. Audit: darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2019. – B. 408.
6. Fayziyev Sh.N., Dusmuratov R.D., Karimov A.A., Qo‘ziyev I.N., Avlokulov A.Z. – T.: Iqtisod-moliya, 2015. – B. 420. (379-b).
7. Барышева С.К., Турлыбекова А.Ж. Аудит собственного капитала: задачи и основные процедуры проверки // Вестник КазНУ. Серия экономическая. –№2 (120). 2017, 172, 173 стр.
8. Боровяк С.Н., Новоселова Н.Н. Собственный капитал организации и особенности его аудита. // Бизнес в законе. – № 4. 2013, С. 13. – <https://www.urvak.ru/journals/bz/>
9. Наука, образование, общество: тенденции и перспективы развития. Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – Чебоксары: Центр научного сотрудничества "Интерактив плюс" – 2015.
10. Chen, Hanwen and Chen, Jeff Zeyun and Lobo, Gerald J. and Wang, Yanyan, Effects of Audit Quality on Earnings Management and Cost of Equity Capital: Evidence from China (August 1, 2010). Contemporary Accounting Research, Vol. 28, No.3, pp. 892-925, September 2011, Available at SSRN: – <https://ssrn.com/abstract=1105539>

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Хайитбоев Муҳаммади Исрапилович



*иқтисодиёт фалари бўйича
фалсафа доктори(PhD)
аудит кафедрасининг
катта ўқитувчиси*

Тошкент молия институти

[E-mail: xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),

ORCID: 0009-0001-0640-6824

Аннотация

Ишлаб чиқариш соҳасида маҳсулот таннархи таркибида товар моддий қиймат асосий харажат ҳисобланади. Уни тан олиш, маҳсулот таннархини аниқлаш ва ҳисобини юритиш муҳим саналади. Мақолада корxonанинг товар моддий захиралари, уларнинг турлари, ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, тугалланмаган ишлаб чиқариш, товар моддий захираларни баҳолаш усуллари тадқиқ қилинган. Шунингдек молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида захиралар қийматини сотилган маҳсулотлар таннархига киритиш, корxonаларда тайёр маҳсулотлар таннархини шакллантириш ва баҳолашнинг хусусиятлари ва унинг мамлакат корxonалари учун зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: товар моддий захиралар, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатлари, баҳолаш, қиймат, таннарх, тугалланмаган ишлаб чиқариш, молиявий ҳисобот.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ МЕТОДОВ ОЦЕНКИ ТОВАРНО- МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ

Хайитбоев Муҳаммади Исрапилович

*доктор философии (Rhd)
по экономическим наукам*

*старший преподаватель кафедры аудита
Ташкентский финансовый институт*

[E-mail: xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),

ORCID: 0009-0001-0640-6824

Аннотация

В производственной сфере товарно-материальная стоимость является основной затратой в структуре себестоимости продукции. При этом очень важно ее признать, а также определить себестоимость продукции и вести ее учет. В статье исследованы товарно-материальные запасы предприятия, их виды, состав производственных затрат, незавершенное производство, методы оценки товарно-материальных запасов. Также на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) обоснованы включение стоимости запасов в себестоимость реализованной продукции, исследуются особенности формирования и оценки себестоимости готовой продукции, подчеркнута ее актуальность для предприятия.

Ключевые слова: запасы, производство, себестоимость продукции, оценка, стоимость, себестоимость, незавершенное производство, финансовая отчетность.

FOREIGN EXPERIENCES OF ASSESSMENT METHODS OF INVENTORIES

Khayitboyev Muhammadi Israpilovich

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economics
Associate Professor of the Department Audit*

Tashkent Institute of Finance

[E-mail: xayitboyev71@mail.ru](mailto:xayitboyev71@mail.ru),

ORCID: 0009-0001-0640-6824

Abstract

In industrial and production activities, inventories are the main expenses in the cost structure of products, and it is important to recognize them, determine their cost and keep records. The article examines the inventories at the enterprise, their types, the composition of production costs, work in progress, methods for estimating inventories. Also, based on international financial reporting standards (IFRS), the inclusion of the cost of inventories in the cost of inventories and sales, the features of the formation and evaluation of the cost of finished products at enterprises and its necessity for founded enterprises in our country.

Keywords: inventories, production, production cost, valuation, price, cost, work in progress, financial statements.

Кириш

Чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари дунё мамлакатларининг халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтишига ҳамда уларга

амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу бевосита “халқаро бизнес тили” сифатида умумтан олинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға ҳам дахлдордир.

Жаҳонда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг интеграциялашуви шароитида молиявий ҳисоботни унификациялаш, ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларға мувофиқлаштиришға, молиявий ҳисобот конвергенцияси ва гармонизациясининг методологик масалаларига, молиявий ҳисобот асосида захираларни баҳолаш усулларини таснифига, тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштиришға йўналтирилган илмий изланишларға алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги иқтисодий инқирозларнинг глобаллашуви шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида товар-моддий захиралар таъминотини тўғри йўлга қўйиш, уларни ўз вақтида ҳисобға олиш, маҳсулот таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири саналади. Шу боис товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритишға оид илмий тадқиқотларни амалға оширишға устуворлик берилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарида товар-моддий захираларни баҳолаш усуллари юзасидан изланишлар олиб бориш, халқаро стандартлар талаблари асосида илмий таклиф ва амалий тавсияларни шакллантириш зарурдир.

Адабиётлар шарҳи

Товар-моддий захиралар ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг 4-сон БҲМСида ва 2-сон “Захиралар” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгилаб қўйилган тартиб асосида юритилади. Бундан ташқари бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар бу борада илмий изланишлар олиб борган.

Хорижлик олимлар Н.К. Борисюк, Л.А. Солдатова, И.В. Трофимовларнинг фикрича: “Хомашё ва материаллар захиралари сотиш захираларини меъёрлашнинг ягона усулларида фойдаланиш ва товар-моддий захираларнинг мақбул ҳажмини аниқлашға имкон беради” [6].

Жумладан, Х.Рафиқова ва А.Остоноқуловларнинг фикрича: “Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобға олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади” [4]. Уларнинг карашлари миллий стандартлар асосида изоҳланган.

С.Р. Йўлдошев эса “Хўжалик юритишнинг янги тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, яширин иқтисодиётга қарши кураш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади” деб ҳисоблайди [5].

Ушбу мавзу кўпгина олимлар томонидан ўрганилишига қарамасдан, тадқиқ қилиниши лозим бўлган жиҳатлари кўп. Маҳаллий ва хориж олимлари томонидан ўрганилаётган соҳа тўлиқ қамраб олинмаганини мавжуд манбалар таҳлилидан кўриш мумкин.

Таҳлил ва натижалар


Захиралар ва сотилган маҳсулот таннархи кўпчилик компаниялар молиявий ҳисоботларининг муҳим моддаларидан бири ҳисобланади. Захираларнинг баҳоланишидаги фарқлар ушбу компаниялар фаолиятини солиштириб ўрганишда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади. Захираларнинг баҳоланишидаги фарқлар захиралар ва сотилган маҳсулот таннархини аниқлашга салмоқли таъсир кўрсатади. Агар компаниялар захираларни баҳоланишнинг бир хил турдаги методидан фойдаланса ёки захиралар нархи вақт давомида ўзгармай турса, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш анча осон бўлар эди. Агар захиралар қийматига инфляция ёки дефляция таъсир кўрсатмаганида, захираларни баҳоланиш методларига эҳтиёж қолмас эди. Бироқ, захиралар қиймати вақт давомида ўзгариб боради.

Савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари захираларнинг сотилишидан даромад ва фойда кўришади. Бундан ташқари, захиралар компаниялар балансида салмоқли активлар сифатида акс эттирилиши мумкин. Савдо (улгуржи ва чакана савдо) билан шуғулланувчилар ишлаб чиқарувчилардан фақат бир турдаги, яъни тўлиқ ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишади. Шунинг учун ҳам уларнинг захиралари фақат тайёр маҳсулот кўринишида бўлади. Бироқ ишлаб чиқарувчилар эса, таъминотчилардан хомашё харид қилади ва унга қиймат қўшиб, тайёр маҳсулот кўринишига келтиради.

Улар захираларни одатда учта тоифага бўлишади: хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар (1 расм). Ярим тайёр маҳсулот захиралари – бу хомашёга ишлов бериш жараёни бошланган, лекин ҳали тайёр маҳсулот кўринишига келтирилмаган захиралардир. Ишлаб чиқарувчилар ўзларининг хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларини балансида ҳам, алоҳида ҳам умумлаштирган ҳолда захиралар сифатида акс эттирилиши мумкин. Агар захиралар умумлаштирилган ҳолда акс эттирилса, компания

Ўзининг молиявий ҳисоботининг изоҳ қисмида хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни ёритиб ўтиши шарт.

1-чизма.



Захираларни баҳолашнинг руҳсат этилган методлари билвосита турли хил таннарх оқими фаразларини (cost flow assumptions) ўз ичига олади. Захираларни баҳолаш методини танлаш ҳисобот даврида сотишга тайёр маҳсулотлар, захиралар ва сотилган маҳсулот таннархини аниқлаб беради.

МҲХС захиралар қийматини аниқлаш учун учта усулдан фойдаланишга руҳсат берган: алоҳида аниқлаш (specific identification), биринчи кирим – биринчи чиқим (FIFO) ва ўртача тортилган қиймат. Алоҳида аниқлаш (specific identification) методи оддий ҳолатда алмаштириб бўлмас ёки махсус лойиҳалар учун ишлатиладиган захириларни ҳисобга олишда қўлланилади. АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) юқоридаги учта усулни ва охириги кирим – биринчи чиқим (LIFO) номли методни ҳам қўллашга руҳсат берган. LIFO АҚШда потенциал фойда солиғидан чегирма учун box tax ва молиявий ҳисобот мақсадларида кенг қўлланилади.

Захираларнинг баҳолаш усули тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашга таъсир кўрсатади. Таҳлилчилар захирани баҳолашда турли методларини тушуниши, компания фаолиятининг вақт оралиғидаги кўрсаткичларини билиши ҳамда фаолият юритаётган ўхшаш компаниялар фаолияти билан молиявий кўрсаткичларни солиштира олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Захирани баҳолаш методлари (таннарх формуласи cost formula ёки таннарх оқими фарази cost flow assumption) унинг қолдиқ қийматига ва сотилган маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсата олади. Ушбу методлар молиявий ҳисоботнинг бошқа моддалари, масалан, жорий активлар, жами активлар, ялпи фойда ва соф фойда қийматига таъсир этади. Молиявий ҳисобот ва ундаги ёритиб бериш методи компания фаолиятини бошқа

компаниялар билан тўғри солиштиришга имкон яратиб, ҳисоб сиёсатининг муҳим маълумотларини очиб беради.

Савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари фаолиятини таҳлил қилишда захира катта аҳамиятга эга. Ушбу компаниялар ўзларининг сотув ва фойдасини захира бўйича кунлик асосида амалга оширилган операциялар орқали шакллантиради. Компаниялар фойдани аниқлашда сотилган маҳсулот таннархини шаклланишига жиддий аҳамият бериш керак бўлади.

Захиранинг жами қийматини аниқлаш жараёни уни сотиб олиш, қайта ишлаш, уларни ҳозирги ҳолатини ва жойига келтириш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Тайёр захирани сақлаш ва уни йўқотиш билан боғлиқ харажатлар ўтган давр харажатлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим.

Захирани ҳисобга олиш тизими (узлуксиз ва даврий) унинг ўртача тортилган қиймати ёки LIFO методи орқали баҳоланганда турли миқдордаги захира ва сотишга тайёр маҳсулот таннархини шакллантиради.

Ҳисобот даври охиридаги захираларнинг бирлик миқдори йил бошидаги захираларнинг бирлик миқдоридан камайиб кетса, LIFO тугатилиши юзага келади. Агар захираларнинг бирлик харажати йилдан йилга ошиб борса, захиралар билан боғлиқ ўсиш ялпи фойдада акс этилади.

Захира ҳисоблашнинг изчиллиги ҳам МҲХС, ҳам АҚШ бухгалтерия ҳисобининг қабул қилинган умумий қоидалари (US GAAP) асосида талаб этилади. Агар компания ҳисоб сиёсатини ўзгартирса, ўзгаришлар молиявий ҳисоботларга ретроспектив тарзда тўғриланиши ва жорий қилиниши шарт. Фақатгина АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) асосида фаолият юритаётган компания ўз захираларини ҳисобга олиш методини LIFOга ўзгартирсагина ретроспектив даврни қўллаш мажбуриятидан озод этилади.

Захиралар МҲХС талаблари асосида энг паст қийматда ёки сотишнинг соф қийматида баҳоланади. Сотишнинг соф қиймати – бу одатдаги фаолият давомида сотиш мумкин бўлган қийматдан сотувни амалга ошириш харажатларини айирган ҳолдаги қийматдир. АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) асосида захиралар қўлланилаётган метод бўйича энг паст қийматда, бозор қийматида ёки сотишнинг соф қийматида баҳоланади. Бозор қиймати – бу жорий сотиш соф қийматининг энг юқори нуқтаси ва ушбу сотишнинг соф қиймати бўйича қилинадиган харажатларнинг энг паст кўрсаткичидан доимий фойда нормасини айиргандаги қийматдир. Аввалги ҳисобот даврларида ҳисобдан чиқарилган суммаларга ўзгартириш киритиш МҲХС талаблари доирасида

рухсат берилган, бироқ АҚШ бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари (US GAAP) талаблари доирасида бунга рухсат берилмаган.

Захираларнинг айланма коэффиценти, уларнинг кунбай айланма коэффиценти ва ялпи фойда нормаси компаниядаги захиралар менежменти бўйича фойдали маълумотлар ҳисобланади.

Захиралар компаниянинг рентабеллиги, ликвидлиги ва тўловга кодирлиги каби коэффицентларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Молиявий ҳисоботдаги маълумот компания ҳисоб сиёсатида захираларни қийматини белгилашда қўлланиладиган методлар, захиралар ноаниқликлиги билан боғлиқ жорий қилинадиган қоидалар жорий ҳисоботдаги захиралар қиймати бўйича унсур ва харажатларни очиб беради. Ушбу маълумот таҳлилчига компаниянинг захираменежментини баҳолаш бўйича катта ёрдам кўрсатади.


Захира чакана савдо вакиллари, таъминотчи ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг жорий активлари таркибида асосий ўринни эгаллайди. Захира сотилишини кутаётган товар, шунингдек ишлаб чиқарувчининг хомашёси ва ярим тайёр маҳсулотни ўз таркибига олади. Захира ўзининг таннархи бўйича балансда акс эттирилади.

Қачонки товар сотилса, у захиралар таркибидан чиқарилиб, компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботининг сотилган маҳсулотлар таннархи моддасига киритилади. Сотилган маҳсулотлар таннархи компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида энг катта харажат тури бўлиши табиий ҳол. Сотув ҳажмидан сотилган маҳсулотлар таннархи чегирилганда ялпи фойда шаклланади.

Захираларнинг ўз таннархидан юқори қийматда сотилиши муҳим аҳамиятга эга. Сотув бўлганда компаниянинг нақд пул маблағлари захиралар таркибида банд бўлиб қолади ва компания ўзининг турли хил харажатлари, масалан, иш ҳақи, ижара, реклама ва бошқа харажатларини амалга ошира олмайди.

Компания учун ўзи сотиб олаётган маҳсулот таннархининг ошиб бориши одатий ҳолдир. Натижада компаниянинг ҳисобот йили давомидаги бир турдаги маҳсулотларни сотиб олиш харажатлари турли хил бўлади. Ушбу ҳолатда компания қайси харажатлар сотув ҳажмига ва қайси қисми омборхонадаги захираларга тегишли эканлигини аниқлаштириб олиши шарт.

АҚШда таннархни баҳолаш методлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Таннарх оқими методлари (cost flow methods)дан ташқари компания қўшимча равишда захираларни ҳисобга олишнинг қуйидаги тизимларидан бирини ҳам танлайди:

1. Даврий тизимда захиралар ҳисоби даврий равишда, масалан, ҳисобот йилининг охириги кунда янгиланиб туради. Йил давомида сотиб олинган маҳсулотлар Бош китобнинг “Харидлар” қисмида вақтинчалик ҳисобрақамида ёзиб борилади. Йил охирида ҳисобот йили якуни бўйича таннарх ҳисобланади. Захиралар ҳисобрақами йил охирида мавжуд суммадан келиб чиқиб тартиблаштирилади. Бир вақтнинг ўзида сотилган маҳсулот таннархи ҳам ҳисоблаб борилади.

2. Узлуксиз тизимда захиралар ҳисобрақами доимий ёки узлуксиз равишда янгиланиб боради. Бошқача қилиб айтганда, захиралар ҳисобрақами қолдиғи сотиб олинган захиралар ҳисобига ошади ва сотилган маҳсулот таннархи ҳисобига камайиб боради. Яъни захиралар ҳисобрақамидаги қолдиқ сумма омборхонада мавжуд бўлган захираларнинг ҳақиқатдаги суммасини кўрсатиши зарур. Бироқ компаниялар бир йилда камида бир марта захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш учун инвентаризация ўтказиши ва лозим бўлса узлуксиз тизим маълумотларига ўзгартиришлар киритиши керак бўлади.

Даврий захиралар тизимига кўра:

бош китобнинг захиралар ҳисобрақамида акс эттирилган миқдорлар таъминотчилардан янги олиб келинган захиралар ёки мижозларга сотилган маҳсулотлар бўйича энг тўғри маълумотни акс эттирмайди;

захиралар ҳисобрақамига одатда ҳисобот йил якуни бўйича тегишли ўзгартириш киритилади. Йил давомидаги захиралар ҳисобрақами қолдиғи ўтган ҳисобот йили якуни бўйича қолдиқ суммани акс эттиради;

харидлар суммалари бир ёки бир неча харидлар ҳисобрақамларида акс эттирилади;

жорий ҳисобот йили якунида барча харид(лар) ҳисобрақам(лар)иёпилади ва захиралар ҳисобрақами жорий ҳисобот йили якуни бўйича ҳақиқатда мавжуд захиралар суммасига тўғриланади;

амалга оширилган харидлар бўйича сотилган маҳсулот таннархи ҳисобрақами қўлланилмайди;

бош китоб ҳисобрақамларига қараб долзарб захира қолдиғи ёки сотилган маҳсулот таннархи қолдиғини айтиб бўлмайди.

Узлуксиз захиралар тизимига кўра:

захиралар ҳисобрақами узлуксиз янгиланиб боради;

у таъминотчилардан олинган захиралар ҳисобига ортади;

захиралар мижозларга сотилганида унинг қиймати пасаяди;

ушбу тизимда харид(лар) ҳисобрақамлари қўлланилмайди;

бош китобдаги сотилган маҳсулотлар таннархи ҳисобрақами ҳар сафар маҳсулот сотуви амалга оширилганида дебетладани;

маҳсулот сотуви амалга ошганида сотув суммасига тенг сумма кирим қилинади ёки дебитор қарздорлик вужудга келади;

кейинги проводка орқали захиралар миқдори камайтирилади ва сотилган маҳсулот таннархи ошириб борилади.

Кўпинча захира бирлиги энг олдин олиб келинган бирликлар бўйича таркибдан чиқарилади. Шунинг учун маҳсулотнинг жисмоний бирликлари биринчи кирим, биринчи чиқим бўйича чиқариб олинади. Компаниялар олдин олиб келинган захирани ишлатишади ва энг янгиларини захиралар таркибида ушлаб туришади. Бу жараён ҳақиқатда мавжуд маҳсулотларни ёки товар-моддий захираларни ротация қилиш деб номланади.

Хулоса

Хулоса тарзда таъкидлаш жоизки, товар-моддий захираларни баҳолаш бўйича халқаро даражада кўплаб стандартлар мавжуд. Бирок мамлакатимизда асосан «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС

мавжуд бўлиб, мазкур стандартдаги айрим жиҳатларни халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бир қатор ҳолатларда ишлаб чиқариш корхоналари товар-моддий захиралар харид қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш учун қарз маблағларини жалб қилади. Қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш «Қарзлар бўйича харажатлар» номли 23-сон БҲХСда келтирилган. Ушбу стандартга мувофиқ, корхоналар қайта таснифланадиган активларни, яъни уларга нисбатан фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш вақт талаб қиладиган ишлаб чиқариш (харид қилиш) билан боғлиқ бўлган қарзлар бўйича сарфларни ушбу актив бошланғич қийматининг бир қисми тарзида капиталлаштириши лозим.

Захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш учун инвентаризация ўтказиш кўп вақт, захира ўлчов бирлигини аниқлаш ва захираларни ёппасига санокдан ўтказишни талаб этади. Захиралар ёнғин сабабли шикастланганда ёки ўғриланганда ҳам инвентаризация ўтказиш талаб этилади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун бухгалтерлар кўпинча компаниянинг ҳисобот даври охиридаги захиралар миқдорини ялпи фойда методини қўллаш орқали аниқлашади.

Бироқ захиралар таркибидаги маҳсулотлар қиймати товарлар қиймати каби ўтмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулотлар биринчи кирим биринчи чиқим асосида, шу вақтнинг ўзида таннарх охириги кирим биринчи чиқим бўйича акс эттирилиши ҳам мумкин. Мана шу таннарх оқими (cost flow)ни бухгалтерлар таннарх оқими фарази (cost flow assumption) деб аташади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сонли Қонуни. – www.lex.uz
2. «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМС. – <https://lex.uz/docs/4890446>
3. «Захиралар» номли 2-сон МХХС. – www.minfin.ru
4. Рафиқова Х. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш //Barqarorlik va etakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – №, 12022. – Т. 2. – С. 228-239.
5. Йўлдошев С.Р. “Корхоналар товар моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш”, Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor Advanced Sciences Index Factor, VOLUME 2 | ISSUE 2 ISSN 2181-1784 SJIF 2022: 5.947 ASI Factor = 1.7

6. Борисюк Н.К., Солдатова Л.А., Трофимов И.В. Особенности управления товарно-материальными запасами предприятия в условиях экономического кризиса. // Интеллект, Инновации, Инвестиции., №8, 2016 г.

7. <https://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

8. <https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти

9. <https://www.bibliofond.ru/view.aspx?id=44314>

AUDITORLIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Xashimova Shahzoda Mirkamol qizi



audit kafedrası o‘qituvchisi

Toshkent moliya instituti

E mail: Shahzoda8856@mail.ru

ORCID:0009-0008-6359-1393

Annotatsiya

Maqolada auditorlik tashkilotida auditorlarning ish faoliyatini jahon tajribasidan kelib chiqib o‘rgangan holda ularning ish vaqtini tejash, tekshiruv davomida samarali natijaga erishish yo‘llari ko‘rib chiqilgan. Audit rejasi va dasturini tuzish bilan bog‘liq bo‘lgan bir qator masalalar tahlil qilingan, shuningdek auditorlik tekshiruvini rejalashtirish, o‘tkazish va umumlashtirish jarayonida xalqaro audit standartlarini qo‘llash muammolari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: information texnologiya, audit dasturlari, risk, audit rejasi, auditning xalqaro standartlari, avtomatlashtirish dasturi, metodologiya, modul, auditni rejalashtirish va o‘tkazish markazi, auditorning mobil ish joyi.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Хашимова Шахзода Миркамол кизи

преподаватель кафедры аудита

Ташкентский финансовый институт

E mail: Shahzoda8856@mail.ru

ORCID:0009-0008-6359-1393

Аннотация

В статье на основе мирового опыта рассматривается работа аудиторов в аудиторских организациях, способы экономии их рабочего времени и достижения эффективных результатов при проведении аудита. Проанализирован ряд вопросов, связанных с созданием плана и программы аудита, а также проблемы применения международных стандартов аудита в процессе планирования, проведения и подведения итогов аудита.

Ключевые слова: информационные технологии, программа аудита, риск, план аудита, международные стандарты аудита, программа автоматизации, методология, модуль, центр планирования и проведения аудита, мобильное рабочее место аудитора.

THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN IMPROVING AUDITING ACTIVITIES

Khashimova Shakhzoda Mirkamol kizi

*Teacher of Audit Department
Tashkent institute of Finance
E mail: Shahzoda8856@mail.ru
ORCID:0009-0008-6359-1393*

Abstract

The article, based on world experience, examines the work of auditors in audit organizations, ways to save their working time and achieve effective results during the audit. A number of issues related to the creation of an audit plan and program, as well as the problems of applying international auditing standards in the process of planning, conducting and summarizing the audit, are analyzed.

Keywords: information technology, audit programs, risk, audit plan, international audit standards, automation program, methodology, module, audit planning and conducting center, auditor's mobile workstation.

Kirish

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi auditning yangi bosqichiga ko'tarilmoqda. So'nggi 2-3 yil ichida auditorlik faoliyatini takomillashtirish bo'yicha ko'plab ishlar amalga oshirildi. Hukumat tomonidan iqtisodiyotni rivojlantirish, tadbirkorlar uchun shart-sharoitlarni, hayot sifatini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar ko'rilmoqda, shuningdek buxgalteriya hisobi, tahlil va auditni takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Yuqoridagi chora-tadbirlar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi PF 60-son Farmoni doirasida amalga oshirilmoqda" [1].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3946-son Qarori asosida yangi tahrirda "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni tasdiqlandi. O'zbekiston Respublikasining "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonuniga tegishli o'zgartishlar kuchga kirgan kundan boshlab auditorlik tashkilotlari auditorlik faoliyatini faqat

xalqaro buxgalterlar federatsiyasi tomonidan nashr etiladigan auditning xalqaro standartlari asosida amalga oshiradilar [2].

Bugungi globallashtirish davrida O'zbekistonning rivojlangan davlatlar qatoriga kirishiga Yangi qonunchilikda tasdiqlangan Auditning xalqaro standartlari 2021yilda yangi “Auditorlik faoliyati to'g'risida”gi Qonun [3] bilan birgalikda kuchga kirdi va, o'z navbatida, auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish, boshqarishga oid qarorlarni qabul qilish va korporativ boshqaruv sifatini oshirish uchun auditorlik xizmatlarining ahamiyatini oshiradi.

Adabiyotlar sharhi

Auditorlik tekshiruvining samaradorligi va sifati uning samarali rejalashtirilishini belgilaydi. Auditorlik tekshiruvini rejalashtirish – bu auditorlik protseduralarini o'tkazish va hujjatlarni rasmiylashtirishning muayyan bosqichlari va tartibiga xos bo'lgan qat'iy tashkil etilgan jarayon. Auditorlik tekshiruvining ushbu bosqichining samaradorligida xalqaro audit standartlariga muvofiqligi katta ahamiyatga ega. A.S. Loseva va I.V. Fetskovich rejalashtirishning quyidagi ta'rifini berishgan: "Rejalashtirish umumiy auditorlik ishining asosiy bosqichi bo'lib, ko'p vaqt talab qiladigan va murakkab tashkiliy jarayon bo'lib, ko'p hollarda auditor tomonidan olib boriladigan ishlarning umumiy vaqtini oladi" [4].

Ushbu maqola mavzusini yoritishda mahalliy mualliflar Sh. N.Fayziyev, M.M. To'laxo'jayeva, S.X. Yuldasheva, K.B. Axmedjanova, N.F. Karimova, A.A. Karimov, S.U. Mehmonov, A.A. Ostonoqulov, B.Q. Hamdamov, I.N. Qo'ziyev, I. I. Melieva, shuningdek Rossiya federatsiyasi olimlari N. P. Barishnikov, N.T.Beluxa, S.M. Bichkova, A. A. Terexov kabi olimlarning ilmiy ishlariga asoslandik.

Tahlil va natijalar

Rivojlangan texnologiyalarning zamonaviy dunyosida auditorlik faoliyati boshqa sohalar singari auditorning ishini yengillashtirish va vaqtini tejashga qaratilgan. Bunday holda audit uchun kompyuter dasturlari alohida ahamiyatga ega. Ushbu dasturlar tekshirishning barcha bosqichlarida audit paytida ma'lumotlarni olish, qayta ishlash jarayonlarini tezlashtirishga yordam beradi. Dasturiy mahsulotlar bozorida mijozlarning buxgalteriya hisobi ma'lumotlar bazalarida mavjud bo'lgan ma'lumotlarni tahlil qilish orqali auditorlik protseduralarini amalga oshirishni tizimlashtiradigan, murakkab va ko'p vaqt talab qiladigan operatsiyalarni avtomatlashtiradigan audit metodologiyasini ta'minlaydigan ixtisoslashtirilgan dasturlar mavjud.

Kompyuter texnologiyalaridan foydalanish mehnat zichligi va xatolar

ehtimolini kamaytirishga imkon beradi, bu esa xarajatlarni kamaytirishga va auditorning mehnat unumdorligini oshirishga olib keladi. Yu.V. Truntaeva audit dasturlarini ikki toifaga ajratadi:

auditorlik protseduralarini avtomatlashtirish dasturlari (auditorlik riski va audit namunalari aniqlash uchun foydalaniladi);

analitik dasturlar (matematik dasturlar paketlari yordamida ma'lumotlarni tahlil qilish va sinovdan o'tkazish uchun mo'ljallangan).

Maxsus audit dasturlari quyidagilarga imkon beradi:

yakka tartibdagi xo'jalik operatsiyalari, buxgalteriya hisobining aniq sohalari, umuman korxonaga ma'lum davr uchun audit dasturini tuzish; ish tugagandan so'ng auditorlik hisobotini tuzish; ishchi hujjatlarning xavfsizligini ta'minlash.

Dasturlardagi materiallar bo'limlar bo'yicha tuzilgan va ularga korxonada moliya-xo'jalik faoliyatining barcha jabhalarida savol-javoblar shaklida taqdim etilgan.

Audit faoliyatini avtomatlashtirish uchun biz xorijiy dasturlardan foydalanishni tavsiya etishimiz mumkin: Case Ware Working Papers, ACL, TeamMate, Audit Workstation va mahalliy dasturlar: “Audit Expert”, “Express Audit: PROF”, “AuditNET”, “INEK-Analyst”, “ AT auditi: Auditor”. Auditorlik firmalari tomonidan qo'llaniladigan mahalliy ishlab chiqaruvchilarning ixtisoslashtirilgan dasturlarining asosiy xususiyatlarini ko'rib chiqaylik. Auditorlik faoliyatida kompyuterlar va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish audit standartlari bilan tartibga solinadi.

"Auditor yordamchisi" dasturi auditning barcha bosqichlarida audit muammolarini hal qilishga mo'ljallangan va auditorlik tizimini yaratishga qaratilgan birinchi urinishdir. Auditni AuditXP "kompleks audit" dasturi yordamida avtomatlashtirish ham mumkin.

XP "kompleks audit" kompyuter dasturi, bir tomondan auditorlarning ishini iloji boricha engillashtirishga, ikkinchi tomondan esa auditorlik faoliyatining barcha qoidalari va normalariga rioya etilishini va normativ talablarga to'liq javob beradigan auditorlik hujjatlari to'plamini shakllantirishni ta'minlashga qaratilgan.

AuditXP "Kompleks audit" – bu auditorlik faoliyatini avtomatlashtirish uchun yuqori samarali dastur. Dastur audit paytida auditorlar tomonidan bajariladigan deyarli barcha muntazam operatsiyalarni avtomatlashtiradi, mehnat zichligi va xatolar ehtimolini sezilarli darajada kamaytiradi va natijada vaqtni qisqartiradi va audit sifatini yaxshilaydi. Dastur amaldagi xalqaro audit standartlariga muvofiq ishlaydi. AuditXP «Комплекс Аудит» dasturining imkoniyatlari:

o'rnatilgan hisoblash, rejalashtirish, namunani shakllantirish va tahlil qilish, aniqlangan qoidabuzarliklar turlarini tanlash va audit bo'limlari va yakuniy xulosa bo'yicha xulosalarni avtomatik ravishda tuzish algoritmlarini o'z ichiga olgan auditning o'ziga xos metodologiyasini taklif etadi;

o'z-o'zini sozlash va tekshirish texnikasini takomillashtirishni talab qilmaydi, dasturda ishlashni oson va tez o'rganishga imkon beradigan do'stona interfeys va intuitiv ish algoritmiga ega;

auditning barcha bo'limlari uchun auditor ishchi hujjatlarining to'liq to'plamini o'z ichiga oladi (tayyorgarlik, auditni rejalashtirish, auditni o'tkazish, yakunlash) – bu 500 dan ortiq shakl, protsedura, ma'lumot jadvali va hisobot;

buxgalteriya bazasi ma'lumotlarini audit qilingan shaxsning moliyaviy hisoboti ma'lumotlari bilan taqqoslash uchun o'rnatilgan algoritmgaga ega, auditorlik tekshiruv sifatini nazorat qilish metodologiyasi va analitik protseduralar va moliyaviy tahlil blokini o'z ichiga oladi;

auditorga portativ kompyuterdagi batareyaning ishlash muddatini taqdim etadi (noutbuk kabi) va keyinchalik tarmoq versiyasidan foydalanmasdan tanlangan kompyuterga bo'limlar (bosqichlar) bo'yicha deyarli cheksiz korxonalar auditi natijalarini uzatadi;

auditorlik protseduralarining yangi shakllarini yaratishga va mavjud shakllarini o'zgartirishga yoki umuman dasturni tashkilotning ichki audit standartlarini to'liq o'zgartirishga imkon beradigan o'rnatilgan muharrirni o'z ichiga oladi.

"IT audit: Enterprise" dasturi auditorlik tekshiruvlarini rejalashtirish va o'tkazish bo'yicha auditorlik kompaniyasi faoliyatini avtomatlashtirish uchun mo'ljallangan. Mahsulot kompaniyaning ichki auditini o'tkazishda, shu jumladan moliyaviy audit va risklarni baholashda qo'llanilishi mumkin.

IT Audit dasturidan foydalanish quyidagi imkoniyatlarni yaratadi:

AXSga muvofiq, audit hujjatlarini tashkil etish;

sifat nazorati auditidan o'tishga tayyorlanish.

Mazkur dastur quyidagi asosiy xususiyatlari bilan tavsiflanadi:

oddiy va qulay interfeys;

riskga asoslangan yondashuv;

audit metodologiyasiga moslashtirilgan.

"Metodolog" moduli auditorlik kompaniyasiga IT auditining audit metodologiyasi asosida o'z audit metodologiyasini yaratishga imkon beradi. Dasturda o'rnatilgan audit metodologiyasi auditorlik firmasining xususiyatlariga moslashtiriladi.

IT Audit qo'shimcha, yani:

hujjatlar;
xodimlarni ish bilan ta'minlash;
buyurtmalar;
vazifalar kabi modullarni ulash imkonini beradi.

Auditorlik va auditorlik-konsalting firmalari faoliyatini avtomatlashtirish uchun «AuditNET» tizimi ham keng qo'llanadi. Ushbu dastur birinchi marta 2004 yilda rossiyalik ishlab chiquvchi OOO «Pacholi. Auditorlik kompaniyasi» tomonidan rasmiy ravishda taqdim etilgan. Auditorlik firmalarining rahbarlari ushbu dasturdan foydalanganda o'z kompaniyalari va xodimlarining faoliyatini nazorat qilishlari, harakatlarning samaradorligini oshirishlari, boshqaruv qarorlarini qabul qilish jarayonini optimallashtirishlari va resurslarni oqilona rejalashtirishlari mumkin [5]. Shu bilan birga AuditNET tizimi o'rta va yirik auditorlik kompaniyalari uchun ishlatiladi va tarmoq hisoblanadi (serverni 20 ish joyiga yetkazib berishning minimal varianti bilan o'rnatish). Dastur sizga har qanday hujjatlarning shablonlarini yaratishga va IT-xizmat dasturchilarining yordamiga deyarli murojaat qilmasdan o'zingizning auditorlik tizimingizni yaratishga imkon beradi. AuditNET auditorlik kompaniyasining barcha faoliyatini mijozlar bilan munosabatlarni, yani ish oqimi, xodimlarni boshqarish, ish sifatini nazorat qilish kabilarni avtomatlashtiradi. Dasturning o'ziga xos xususiyati har bir tekshiruv uchun xarajatlar va daromadlarni rejalashtirish qobiliyatidir. Afzalliklar har bir tekshiruv uchun muhimlik darajasi va auditorlik xavfini avtomatik hisoblashni o'z ichiga oladi. Kamchiliklarga xatolar klassifikatori va me'yoriy-huquqiy bazaning yo'qligi kiritishimiz mumkin.

"EkspressAudit: Prof" dasturining quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi: ARO'M uchun auditorlik tekshiruvini tayyorlash va rejalashtirish, ARO'M va AMIJ bo'yicha birgalikda audit o'tkazish (auditorlik dalillarini to'plash), ARO'Mda audit natijalarini hujjatlashtirish. Ko'rib chiqilgan kompleks tizim tashqi va ichki audit uchun, shuningdek yirik tashkilotning bosh buxgalteri nazorati uchun ishlatilishi mumkin.

«EkspressAudit: Prof» tijorat va byudjet tashkilotining moliyaviy-xo'jalik faoliyatini auditorlik tekshiruvidan o'tkazish bilan bog'liq asosiy vazifalarni hal qilishga imkon beradigan auditorlik tekshiruvini avtomatlashtirishning kompleks tizimi Dasturi "Termika" konsalting guruhi tomonidan 2004 yilda N.P.Barishnikovning audit o'tkazish metodologiyasi asosida yaratilgan. Ishlab chiquvchilar axborot bo'limlarini doimiy ravishda yangilashni ta'minlaydi (har 4 haftada bir marta). Ushbu kompleks ikkita moduldan iborat:

1-jadval.

**Auditorlik tekshiruvini avtomatlashtirish kompleks
tizimi vazifalari***

<p align="center">Auditni rejalashtirish va o'tkazish markazi (ARO'M)</p>	Auditga tayyorgarlik, auditorlik tekshiruvini rejalashtirish, auditorlik dasturini ishlab chiqish, audit obyektlarini ijrochilar bo'yicha taqsimlash, audit natijalarini to'plash, tizimlashtirish va qayta ishlash, Microsoft Word formatida hisobot hujjatlarini shakllantirish, auditorlik tekshiruvlari natijalarini saqlash.
<p align="center">Muammolarni hal qilish uchun mo'ljallangan auditorning mobil ish joyi (AMIJ):</p>	Tanlangan audit obyektlari uchun shaxsiy tekshirish dasturini yuklab olish, hududiy tekshirish dasturiga muvofiq, ajratilgan audit obyektlari bo'yicha audit o'tkazish va auditorlik dalillarini to'plash, tanlangan audit obyektlari doirasida auditorlik tekshiruv natijalarini tizimlashtirish va qayta ishlash, tekshirish natijalarini saqlash, audit obyektlarini tekshirish natijalarini ARO'M ga o'tqazish.

* Muallif tomonidan tuzilgan.

Auditor ushbu dasturlardan foydalanayotganda, bu ish hujjatlarini tayyorlash, risk va muhimlikni hisoblash vaqtini imkon qadar qisqartiradi. Shuningdek auditni avtomatlashtirishdan foydalanish auditorlik faoliyatini tashkil etish xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin. Dasturlar tomonidan taqdim etilgan standartlardan foydalanish auditorlarning ishini to'g'ri tashkil etish orqali ularning kasbiy darajasi va ish sifatini oshirishga imkon beradi. Dasturlar auditorlar tomonidan tekshiruvlarda bajariladigan deyarli barcha muntazam operatsiyalarni avtomatlashtiradi, mehnat unumdorligi va xato qilish ehtimolini sezilarli darajada kamaytiradi.

Xulosa

Auditda dasturiy ta'minotdan foydalanish auditning barcha bosqichlarida ma'lumotlarni olish, qayta ishlash jarayonlarini tezlashtirishga yordam beradi. Auditor ushbu dasturlardan birini ishlatganda, bu ish hujjatlarini tayyorlash, risk va muhimlikni hisoblash vaqtini imkon qadar qisqartiradi. AuditXP "kompleks audit" – bu auditorlik faoliyatini avtomatlashtirishning yuqori samarali dasturi. Dastur auditorlar tomonidan tekshiruvlarda bajariladigan deyarli barcha muntazam operatsiyalarni avtomatlashtiradi, mehnat zichligi va xato ehtimolini sezilarli darajada kamaytiradi, shuning uchun vaqtni qisqartiradi va audit sifatini oshiradi.

Dastur amaldagi xalqaro audit standartlariga muvofiq ishlaydi.

Hujjatlashtirish jarayonini takomillashtirish uchun "ichki nazoratni baholash testi", "asosiy vositalarni tekshirish rejasi", "asosiy vositalarni tekshirish dasturi", "asosiy vositalar bilan operatsiyalar bo'yicha mumkin bo'lgan qoidabuzarliklarning klassifikatori", "tekshirish paytida aniqlangan xatolarni umumlashtirish va ularning moliyaviy hisobot ishonchliligiga ta'siri" kabi ishchi hujjatlarning shakllaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi PF 60-son Farmoni. – <https://lex.uz/docs/5841063>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2018 yil 19 sentabrdagi PQ-3946-son Qarori.
3. O'zbekiston Respublikasining 2021yil 25 fevraldagi "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonuni, 9-modda. –<https://lex.uz/docs/5841063>
4. Трунтаева Ю.В., Шибилева О.В. Компьютерные программы автоматизации аудита. – Москва: Новый университет. 2013
5. Paraschivescu, D., Nita, N. (2008) The risk of auditing, accounting, Economic Tribune/ –<https://www.jstor.org/stable/30243547>
6. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: монография. – Т.: Фан, 2006. – 262 б.
7. Файзиев Ш.Н., Каримов А.А. Аудит . – Т.: Iqtisod-moliya, 2013
8. Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методологик масалалар: монография. –Т.: Iqtisod-moliya, 2015. – 198 б;
9. Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. – М.: Финансы и статистика. 2001. – 506 с. – <http://edoc.bseu.by:8080/>

ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯНИНГ ЎРНИ



Кулибоев Азамат Шоназарович

“Бюджет ҳисоби ва газначилик иши”

кафедраси доценти, PhD.

Тошкент молия институти

Email: buxgalter_82@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация

Ушбу мақолада давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги инвентаризация маълумотларига таянилиши илмий жиҳатдан асослаб берилган. Инвентаризацияни давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисобот маълумотларининг сифат хусусиятларига бевосита таъсири назарий – услубий жиҳатдан ёритиб берилган. Мақолада инвентаризация ҳисоб объектларининг ҳақиқатда мавжудлигини ҳисоб регистрлари маълумотлари билан солиштиришдан иборат бўлган назорат тартиби, балки ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини таъминлайдиган зарурий шарти эканлиги услубий жиҳатдан кўрсатилган.

Калит сўзлар: баланс, бухгалтерия ҳисоби, давлат тиббиёт ташкилоти, инвентаризация, ишонччилик, молиявий ҳисобот, ҳисоб объектлари, ҳисобот.

РОЛЬ ИНВЕНТАРИЗАЦИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ДОСТОВЕРНОСТИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Кулибоев Азамат Шоназарович

Доцент кафедры «Бюджетный учет и казначейская дело», PhD.

Ташкентский финансовый институт

Email: buxgalter_82@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация

В данной статье достоверность финансовой отчетности государственных медицинских организаций основывается на данных

инвентаризации. Выделено прямое влияние инвентаризации на качественные характеристики данных финансовой отчетности государственных медицинских организаций с теоретико-методической точки зрения. В статье методически показано, что инвентаризация является контрольной процедурой, заключающейся в сопоставлении фактического наличия объектов учета с данными регистров учета, но также и необходимым условием, обеспечивающим достоверность отчетных данных.

Ключевые слова: баланс, бухгалтерский учет, государственная медицинская организация, инвентаризация, достоверность, финансовый отчет, объекты учета, отчет.

THE ROLE OF INVENTORY IN ENSURING THE RELIABILITY OF FINANCIAL REPORTING OF STATE MEDICAL ORGANIZATIONS

Kuliboyev Azamat Shonazarovich

*PhD., Associate Professor of Department of
"Budget accounting and treasury"*

Tashkent institute of Finance

Email: buxgalter_82@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3357-070X

Abstract

In this article, the reliability of the financial reports of state medical organizations is based on the inventory data. The direct effect of the inventory on the quality characteristics of the financial report data of state medical organizations is highlighted from a theoretical and stylistic point of view. The article methodically shows that inventory is a control procedure that consists in comparing the actual existence of account objects with the data of account registers, but also a necessary condition that ensures the accuracy of reporting data.

Key words: balance, accounting, state medical organization, inventory, reliability, financial report, account objects, report.

Кириш

Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг ишончлилиги, активлари ва молиявий мажбуриятларининг ҳақиқий ҳолати, сақланиши ва бутлигини назорат қилиш мақсадида улар инвентаризациядан ўтказилади. Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усуллари билан бири бўлиб, унинг ёрдамида ташкилот активлари ва

молиявий мажбуриятларининг ҳақиқий миқдори қайта ўлчаш, санаш, тортиш ва солиштириш йўли билан аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби ташкилот балансидаги мол – мулкларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг ишончилигини, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг ҳаққонийлигини инвентаризация ўтказиш йўли билан назорат қилиши мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризация ўтказиш, унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида услубий жиҳатдан акс эттириш муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Албатта, давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисоботларининг ишончилигини таъминлашда инвентаризацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Ташкилотда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузишда ўтказилган инвентаризация натижалари ҳисобга олинади.

Бизнинг фикримизча, ташкилотда инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ белгиланган талаблар тўлиқ бажарилса, инвентаризация нафақат, текширишнинг сифат хусусиятларига жавоб берадиган молиявий ҳисоботларни шакллантиришга имкон беради, балки, молиявий ҳисоботнинг сифати юқори даражада бўлиши ҳамда ишончилигини таъминлайди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Тадқиқот мавзуси доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

Бюджет ташкилотларида инвентаризацияни ўтказишнинг ташкилий – услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олим Т.Полещукнинг асарларида баён этилган. Унда инвентаризация муддатлари, вазифалари, инвентаризация комиссиясининг таркиби, доимий инвентаризация комиссиясининг фаолияти ва инвентаризация натижаларини бухгалтерия проводкаларида акс эттирилиши акс эттирилган [1; 86 – 87 – б.].

Е.Мизиковский ва Т.Масловалар томонидан бюджет ташкилотларида молиявий ва номолиявий активлар инвентаризацияси натижалари ҳисобига алоҳида эътибор берилган. Олимларнинг тадқиқотларида қимматли қоғозларни, ҳисобрақамдаги пул маблағлари қолдиқларини, қатъий бланкаларни, номолиявий активларни, нақд пул маблағларини ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни инвентаризация қилиш ва унинг

натижларини расмийлаштириш масалалари кўрсатиб берилган[2; 196–199–б.].

Бюджет ташкилотларида мулк ва молиявий мажбуриятларни, асосий воситалар, ишлаб чиқарилмайдиган ва номоддий активларни, моддий захираларни, маблағлар ва молиявий қўйилмаларни ҳамда дебиторлар билан ҳисоб – китоблар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш масалалари Н.Кондраков ва И.Кондраковларнинг асарларида батафсил ёритилган. Бунда ҳар бир ҳисоб объектлари бўйича инвентаризация натижаларини ҳужжатлаштириш тартиби кўрсатиб ўтилган [3; 17 – 20 – б.].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Остоноқулов, С.Меҳмонов, Р.Дусмуратов, А.Остоноқулов ва Х.Искановларнинг асарларида инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

Бюджет ташкилотларида мол – мулк ва мажбуриятлар инвентаризацияси масалалари М.Остоноқуловнинг тадқиқотларида ўз аксини топган бўлиб, бунда, асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисоботдаги бланклар ҳамда ҳисоб – китоблар инвентаризацияси назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, инвентаризация бўйича солиштириш ведомостларини тузиш, инвентаризация фарқларини тартибга солиш ва инвентаризация натижаларини расмийлаштириш тартиби ҳам олим томонидан услубий жиҳатдан кўрсатиб берилган [4; 315 – 329 – б.].

С.Меҳмоновнинг тадқиқотларида бюджет ташкилотларида инвентаризация: уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби кўрсатиб берилган бўлиб, инвентарлашнинг асосий мақсадлари, инвентаризацияни ўтказиш ҳолатлари, инвентаризация ўтказиш бўйича белгиланган айрим тартибларни бузилиши ва ушбу тартиблар бузилиши натижасида келиб чиқувчи оқибатлар ҳамда инвентаризация натижаларини ҳисобда акс эттиришнинг амалдаги ҳолатлари очиқ берилган [5; 62 – 73 – б.].

Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш масалалари Р.Дусмуратовнинг тадқиқотларида кўзга ташланади. Олим томонидан инвентаризациянинг моҳияти, аҳамияти, меъёрий – ҳуқуқий асослари ва турлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Инвентаризацияни ўтказишга қўйиладиган талаблар, ўтказиш босқичлари ва жараёни ҳамда инвентаризация натижаларини расмийлаштириш масалалари назарий – услубий жиҳатдан очиқ берилган [6; 205 – 225 – б.].

А.Остоноқулов ва Х.Искановнинг илмий тадқиқотларида инвентаризациянинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Инвентаризациянинг мазмуни, моҳиятига оид хорижлик

ва маҳаллий олимларнинг илмий ҳамда услубий ишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, инвентаризация тушунчаси билан боғлиқ янги илмий қарашлар илгари сурилган. Инвентаризациянинг назарий-услубий масалалари юзасидан хориж тажрибалари ўрганилган. Инвентаризациянинг услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган[7; 97 – 103 – б.].

Юқоридаги хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида асосан бюджет ташкилотларида инвентаризацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларнинг назарий – услубий жиҳатлари очиқ берилган бўлса–да, давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризацияни ўтказиш ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлашда инвентаризациянинг ўрни батафсил ўрганилмаган. Шу боисдан, ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугун кунда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, гуруҳлаш ва илмий тадқиқотга оид бошқа усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Чунки давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризацияни ўтказишдан қуйидаги асосий мақсадлар кўзланади:

- ташкилот мол-мулкининг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;
- ҳақиқатда мавжуд мол – мулкни ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;
- ташкилот мажбуриятларининг ҳисобда тўғри акс этирилганлигини текшириш.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги унда ташкилотнинг молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳақиқатда тўғри акс этирилганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу нафақат ҳисоб объектларининг мавжудлигини текшириш, балки уларнинг ҳолати ва баҳосини баҳолаш орқали ҳам таъминланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризация ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган ҳолатларда ва тартибда ўтказилади. Ҳисоб сиёсатида инвентаризация қилишда (ортиқча ёки камомадда) мулкни баҳолаш

услуглари батафсил акс эттиради. Ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш учун йиллик ҳисоботни тузишдан олдин бухгалтерия ҳисобининг барча объектлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиши керак.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби методининг элементи сифатида бошқа элементлар – ҳужжатлаштириш, баҳолаш, калькуляция, счётлар режаси, икки ёқлама ёзув, баланс ва ҳисобот билан чамбарчас боғлиқ (1 – расм).



1 – расм. Инвентаризациянинг бухгалтерия ҳисоби усуллари билан ўзаро алоқаси¹

Ҳар бир элемент кейингисини қўллашни таъминлайди, шунинг учун инвентаризация бухгалтерия методининг қолган элементлари билан қатъий бирликда ва кетма – кетликда амалга оширилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби методининг кўриб чиқиладиган элементи – инвентаризация ҳар қандай ҳисоб объектига нисбатан қўлланиладиган маълум бухгалтерия жараёнлари билан узвий боғлиқ. Шулардан **биринчиси, ҳисоб объектини тан олиш ва дастлабки тан олишда баҳолаш** ҳисобланади. Агар, объект балансга қабул қилинган бўлса, у ҳолда инвентаризация пайтида уни тан олиш, таснифлаш ва баҳолашнинг тўғрилиги тасдиқланади.

Инвентаризациянинг вазифаларидан бири ҳисобда объектларни акс

¹Муаллиф томонидан тузилган

эттиришдаги хатоларни бартараф этишдир. Агарда, объект бухгалтерия ҳисобида тан олинмаса, нотўғри таснифланган ёки баҳоланган бўлса, у ҳолда инвентаризация натижасида хато тузатилиши шарт.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича амалга оширилиши, эскириши эса объектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши, бунда баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши керак.


Иккинчиси, баҳони тузатиш (кейинги баҳолаш). Ҳисобот маълумотларини фойдали бўлишининг муҳим шартларидан бири бу унинг мақсадга эришишда барқарорлиги, яъни ташқи ва ички муҳитнинг доимий ўзгарувчан шароитларини ҳисобга олган ҳолда турли фойдаланувчилар гуруҳларининг ахборот эҳтиёжларини қондириш қобилияти ҳисобланади. Турли омиллар таъсирида ташкилотда маълум бир даврда ҳисоб объектларининг қиймати дастлабки қийматига нисбатан сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳақиқий маълумотлар ўртасида сезиларли фарқларга йўл қўймаслик учун ҳисоб объектларини баҳоланиши уларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда тўғрилаб бориш керак.

Ҳисоб объектларининг ҳолатини ва жорий баҳосини (қийматини) баҳоламасдан, фақат мавжудлигини тасдиқлаш инвентаризация қилишда етарли эмас, деб ҳисобланади ва барча талаб қилинадиган сифат хусусиятларига жавоб берадиган ҳисоботларни тузишга имкон бермайди. Баҳоланган инвентаризация ўзининг назорат функциясини йўқотиб, жисмоний жиҳатдан ҳисоб объектларининг инвентаризациясига айланади. Жумладан, тиббиёт ташкилотларида фақат тиббий жиҳозларни текшириш унинг мавжудлигини тасдиқлаши мумкин, ammo, тиббий хизматларни кўрсатиш жараёнида улардан фойдаланиш имкониятини тасдиқламайди. Ишламайдиган тиббий жиҳозлар ташкилот учун фойдали салоҳиятга эга эмас ҳисобланади ва иқтисодий жиҳатдан фойда келтирмайди, активлик хусусиятини йўқотади.

Инвентаризация натижасида аниқланган ҳисобга олинмаган ҳисоб объектларини баҳолаш жорий қиймат бўйича амалга оширилиши, эскириши эса, ҳисоб объектларининг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши, бунда баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши керак.

Учинчиси, бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва ошкор қилиш, яъни ҳисобот

маълумотларини шакллантириш. Маълумки, бюджет ҳисоботи фойдаланувчилар учун, яъни, биринчи навбатда тиббиёт ташкилотлари раҳбарияти бошқарув қарорларини қабул қилишда, иккинчидан, давлат молиявий назорати бўйича ўз ваколатларини амалга оширишда назорат қилувчи органлар учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисобот бериш икки босқичдан иборат (2 – расм).



2 – расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисобот бериш босқичлари²

Тайёргарлик босқичида ҳисобот учун зарур бўлган ахборот компонентларига, яъни ҳисоб регистрлари ва инвентаризацияга алоҳида эътибор бериш керак.

Тўғридан – тўғри ҳисобот бериш босқичи ҳисобот бериш учун барча амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ҳисобланади. Бунда йиллик бюджет ҳисоботида барча бухгалтерия объектлари тўғрисидаги маълумотлар инвентаризация натижалари бўйича ошкор этилиши керак. Бундан ташқари, ҳисобот инвентаризация фактларини очиб беради.

Тўртинчиси, мустақил ташкилотлар томонидан ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш. Давлат тиббиёт ташкилотларига бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги ваколатли органлар томонидан молиявий ҳисобот маълумотлари асосида текширилади. Ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва инвентаризация далолатномалари билан тасдиқланган, шунингдек, барча ҳисобот элементлари керакли даражада ошкор қилинган ва тўғри тақдим этилган бўлиши керак.

Давлат молиявий назорат органлари давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби объектларининг мавжудлиги ва ҳолати, шу жумладан, инвентаризациянинг тўғри ва ўз вақтида ўтказилганлигини, инвентаризация натижаларининг ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини текширади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги, маълумотлардан фойдаланиш самарадорлиги ва давлат мулкининг

²Муаллиф томонидан тузилган

сақланиши устидан назоратни таъминлаш учун инвентаризация куйидагиларни баҳолаш ва таҳлил қилиш имконини беради:

- кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ мулкый муносабатларни амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳал қилиш;

- мол – мулкни ижарага беришнинг белгиланган тартибига, ижара муносабатлари бўйича ҳисоб – китоблар ҳолатига, яъни ижарачилар томонидан коммунал хизмат харажатларининг қопланишига риоя қилиш;

- объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш;

- кўчмас мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриш;

- ташкилотнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун ҳар бир объектдан самарали фойдаланиш тартибини белгилаш;

- ташкилотнинг реконструкция ва таъмирлашга, модернизациялашга муҳтож бўлган кўчмас ва кўчар мулк объектларини аниқлаш;

- ташкилотни сақлаб туриш учун ажратиётган бюджет маблағларининг етарлигини таҳлил қилиш;

- ташкилот балансидаги номолиявий ва молиявий активларни сақлаш шартларига риоя қилиш.

Шунингдек, инвентаризация давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотларининг сифат хусусиятларига бевосита таъсир қилади. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга турли қарорлар қабул қилишда фойдали бўлиши учун маълум сифат хусусиятларига жавоб бериши керак деб ҳисоблаймиз.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари фойдаланувчилари учун фойдали бўлган сифат хусусиятларини ва инвентаризациянинг ушбу хусусиятларга эришишга таъсирини куйидаги 1 – жадвал орқали кўриб чиқамиз.

1 – жадвал

Инвентаризациянинг молиявий ҳисобот маълумотлари сифат хусусиятларига таъсири

Молиявий ҳисобот маълумотларининг сифат хусусиятлари	Инвентаризациянинг таъсири
Мувофиқлик (долзарблик)	<p>Ҳисоб объектларининг мавжудлигини ва уларнинг ҳисобот санасидаги баҳосини тасдиқловчи инвентаризация бизга куйидаги маълумотларни яратишга имкон беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳозирги ҳолатларни баҳолаш; - келажакдаги ҳолатларни баҳолаш, яъни кейинги йиллардаги маълумотларни башорат қилиш; - ўтган йилдаги ҳолатларни баҳолашни тузатиш.

Мухимлик	Йиллик ҳисобот тузишдан олдин тўғри ўтказилган инвентаризация манфаатдор фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдаланиладиган ишончили ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш учун муҳим хатолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни тузатиш имконини беради.
Ўз вақтидалик	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларининг ўз вақтида тақдим этилиши молиявий ҳисобот маълумотларининг долзарблик сифат хусусияти билан чамбарчас боғлиқ. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ўз вақтида тайёрланмаса, фойдаланувчилар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинмайди, яъни фойдаланувчилар қарор қабул қилишлари учун мос бўлган вақтга қадар ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари тайёрланиши керак. Инвентаризацияни ўтказиш қоидаларига риоя қилиш, унинг натижаларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида акс эттириш назорат қилувчи органларнинг ташкилот ҳисоботининг ишончилиги тўғрисидаги фикрини ифода этишнинг энг муҳим шартидир.
Ишончилилик	Инвентаризация пайтида аниқланган муҳим хатоларни тузатишнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларининг ишончилигига таъсири юқорида очиб берилган.
Тўлиқлик	Ахборотнинг тўлиқлигига эришиш ташкилот фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишидан қатъий назар, бухгалтерия ҳисобида тан олинмиши ва ҳўжалик муомалаларининг барча фактларини ҳисоботда ошкор қилиш билан таъминланади. Агар йиллик ҳисобот тузишдан олдин инвентаризация ўтказилмаган ёки қоидалар бузилган ҳолда ўтказилган бўлса, маълумотларнинг тўлиқлиги таъминланмайди. Бундан ташқари, ташкилот бухгалтерия ҳисобининг айрим фактлари (асосий воситаларга эскиришни нотўғри ҳисоблаш, ташкилот балансидаги мол – мулкларнинг камомади ва ортиқчаси, ўғирлик ҳолатлари) фақат инвентаризация пайтида аниқланади.
Бетарафлилик	Ахборотнинг бетарафлиги олдиндан белгиланган натижага эришиш ёки муайян қарорларни қабул қилишга қаратилган тарафкашликнинг йўқлигидир. Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларнинг бетарафлиги, инвентаризация ўтказиш ва унинг натижаларини йиллик молиявий ҳисоботда тўлиқ ҳамда ўз вақтида ошкор қилиш орқали таъминланади.
Таққосланувчанлик	Бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, баҳолаш ва ошкор қилишда бир хил ёндашувлар қўлланилиши шарти билан, инвентаризация ҳисобот кўрсаткичларининг бир неча йиллардаги солиштирилишини ва унинг ўзгариш динамикасини таъминлайди. Баъзи ҳолларда инвентаризация объектлардан фойдаланиш мақсади ёки амалга оширилаётган фаолият турини ўзгартирганда ҳисобот кўрсаткичларининг ўзгаришини тасдиқлайди.
Тасдиқлаш	Инвентаризация натижасида ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги, мавжудлиги, ҳолати ва ҳисоботдаги баҳоси билан мослиги тасдиқланади.
Тушунарлилик	Инвентаризацияни молиявий ҳисобот маълумотларининг тушунарлигига таъсири шундан иборатки, инвентаризация ҳисоб объектларини тан олиш, таснифлаш, баҳолашнинг тўғрилигини текшириш ва ҳисоботда объектлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш имконини беради. Шунингдек, молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида ўтказилган инвентаризация ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши керак.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари маълумотлари ишончилигини таъминлаш учун ташкилотларда раҳбарлардан инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларига сўзсиз амал қилиш талаб этилади. Чунки, молиявий ҳисоботни тузишдан олдин ўтказиладиган инвентаризация натижасида ташкилотга тегишли барча асосий воситалар, товар – моддий заҳиралар, молиявий активлар, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларнинг ҳолати текширувдан ўтказилади. Инвентаризация

натijasида ташкилот бўйича камомадлар, ортиқча чиқишлар аниқланиб, айбдор шахсларнинг зиммасига камомад суммаларни тўлаш юкланади. Шунингдек, йил мобайнида тўланмаган кредиторлик қарзлари аниқланиб, уларни тўлаш чоралари кўрилади.

Бугунги кундаги долзарб муаммолардан бўлган молиявий ҳисобот маълумотларининг сифат хусусиятлари инвентаризацияни ўтказиш натijasида яхшиланади ҳамда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг фойдаланувчилар учун нафлилиги ортишига олиб келади.

Хулоса.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти тўғрисида асосий маълумотлар манбаи молиявий ҳисобот эканлиги ҳақидаги даъво далилларни талаб қилмайди. Ҳисобот маълумотлари асосида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли органлар томонидан тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ташкилотлари бўйича тегишли иқтисодий (молиявий) ва бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ҳисобот маълумотлари давлат молиявий назорат органлари томонидан ҳисобот берувчи давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджет ташқари маблағларидан ва давлат мулкидан қонуний ҳамда самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан бюджет қонунчилигига риоя этилишининг бузилиш ҳолатларини баҳолаш учун зарур ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ҳисобот маълумотларининг фойдаланувчилар учун фойдалилиги, у эга бўлиши керак бўлган барча сифат хусусиятларига эришиш билан таъминланади. Ҳисоботнинг ишончилигини таъминлашда инвентаризация алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектларининг мавжудлиги, таснифи ва баҳоланиши ташкилотни инвентаризация қилиш жараёнида текширилади, бу ўз навбатида назорат қилувчи органларининг инвентаризация натijasларига алоҳида эътибор қаратилиши билан тасдиқланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натijasида шуни таъкидлаш мумкинки, инвентаризация нафақат, бухгалтерия ҳисоби объектларининг ҳақиқий мавжудлигини ҳисоб регистрлари маълумотлари билан солиштиришдан иборат бўлган назорат тартиби, балки, ҳисобот маълумотларининг фойдалилиги ва сифатини таъминлайдиган зарур шартидир. Ушбу ёндашув тўғри ўтказилган инвентаризациянинг сифат хусусиятларига қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришга таъсирини аниқлаш имконини беради.

Ҳисоботда давлат тиббиёт ташкилоти мулканинг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш ҳолатлари, мажбуриятлар ва молиявий натижалари акс эттирилади. Чунки, ҳисобот маълумотлари ички ва ташқи бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар учун тушунарли, аниқ ва ишончли бўлиши керак.

Олинган хулосалар давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби объектларини инвентаризация қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни янада ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар /Литература/References:

1. Полещук Т.А. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. – 108 с.
2. Мизиковский Е.А., Маслова Т.С. Бухгалтерский учет в учреждениях: Учебное пособие. – М.: Магистр, 2007. – 334 с.
3. Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. – М.: Проспект, 2008. – 384 с.
4. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби. Дарслик. – Т.: «Talqin», 2008. – 424 б.
5. Mehmonov S.U., Ubaydullayev D.Yu. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi. Darslik. – Т.: «Sano – standart», 2013. – 454 б.
6. Dusmuratov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. – Т.: «Fan va texnologiya», 2013. – 476 б.
7. Остонокулов А., Исканов Х. Инвентаризациянинг назарий – услубий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // «Молия» илмий журнали. – Тошкент, 2018. 1 – сон, 97 – 103 бетлар.
8. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризация ўтказиш ва уни хужжатлаштириш масалалари.//«Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари» «Умид» жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференциясининг илмий-амалий мақолалар тўплами. 2020 йил 3-4 январь. -Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. 544 б. 53-57 бетлар.

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ



Абдураимова Мафтунахон Ахматовна

*аудит кафедраси доценти
Тошкент молия институти*

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация

Мақолада суғурта ташкилотлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва республика иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек суғурта ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини доимий назорат қилиш, активларнинг сақланиш ҳолати, ички назорат тизимининг йўлга қўйилиши, бошқарувнинг ахборот тизими томонидан бериладиган маълумотларнинг сифатлигини бошқариш масалалари ёритилиб, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали эришиладиган самарадорликка ҳам алоҳида тўхталган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, халқаро тизим, ички назорат, ички аудит, инновация, корпоратив бошқарув, ахборот тизими, иқтисодий муносабат, инвестор.

ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Абдураимова Мафтунахон Ахматовна

доцент кафедры аудита

Ташкентский финансовый институт

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация

В статье подвергается анализу вопросы организации службы внутреннего аудита, связанного с повышением эффективности работы страховых организаций. Исследуются вопросы постоянного контроля финансово-хозяйственной деятельности страховой организации, состояния активов, создания системы внутреннего контроля, управления качеством информации, предоставляемой информационной системой управления. Особое внимание уделяется эффективности организации службы

внутреннего аудита в страховых организациях.

Ключевые слова: цифровая экономика, международная система, внутренний контроль, внутренний аудит, инновации, корпоративное управление, информационная система, экономическое отношение, инвестор.

FUNDAMENTALS OF ORGANIZATION INTERNAL AUDIT SERVICE IN INSURANCE ORGANIZATIONS

Abduraimova Maftunakhan Akhmatovna

*Associate Professor,
Department of Audit*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Abstract

In order to improve the efficiency of insurance organizations and ensure the stability of the republic's economy, the article focuses on the issues of organizing an internal audit service. Issues of continuous control of the financial and economic activity of the insurance organization, the condition of assets, establishment of an internal control system, quality management of the information provided by the management information system are also covered. Special attention was paid to the efficiency that can be achieved by organizing an internal audit service in insurance organizations.

Keywords: digital economy, international system, internal control, internal audit, innovation, corporate governance, information system, economic attitude, investor.

Кириш

Жаҳон тажрибасидан маълумки, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда инновацияларни қўллаш орқали иқтисодиётда кенг қўламли ишларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Мамлакат ҳудудида иқтисодий муносабатларни халқаро аудит тизим асосида амалга ошириш талай самарали натижаларни таъминлаши бир қанча мисолларда ўз тасдиғини топган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг халқаро стандартлари ички назорат тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини жорий қилишда бир қанча тўсиқлар мавжуд. Инвесторлар керакли маълумотларни олиш, шунингдек ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобот

кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун ички аудит хизматидан фойдаланади.

Хорижий давлатларда ички аудит хизматини ташкил этиш корпоратив бошқарув амалиётидаги заруриятдан келиб чиқиб амалга оширилади. Айрим давлатларда ички аудитнинг муҳимлигини мулкдорлар, бошқаларида эса ижро раҳбарияти белгилайди, яна бир мамлакатларда эса бу тавсиявий хусусиятга эга.

Айтиш мумкинки, ички аудит ҳам аудиторлик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Умуман олганда, суғурта ташкилотларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун ички аудит хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ички аудит хизмати суғурта ташкилотларининг ички ҳолати - ички назоратини, шу билан бир қаторда, ташкилотнинг танлаган корпоратив бошқарув тизими ва бухгалтерия ҳисобини олиб бориш жараёнларини баҳолайди. Ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали ташкилотда учрайдиган доимий ва такрорланиб турадиган камчилик ва муаммолар ўрганилиб, бартараф этилади. Провардида, у операцион бошқарув самарадорлигига эришишнинг зарурий воситаси сифатида намоён бўлади.

Ички аудит хизмати, аввало, рискларни бошқаради ва суғурта ташкилотларининг самарадорлигини баҳолайди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ички аудит хизматининг энг кичик вазифалари ходимларнинг ташкилот ички сиёсатига риоя қилиши, шунингдек муайян соҳаларни юқори даражада билиш, иш услубини танлаш кабилар билан боғланиб кетади.

Маълумки, ички аудит хизматини йўлга қўйиш учун, аввало, ҳар қандай бизнес фаолият қўйидаги талабларга жаваб бериши керак, яъни:

корхона активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан ортиқ бўлиши; акциядорлик жамиятларида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ белгиланган бўлиши лозим [1].

Ички аудит хизмати суғурта ташкилотининг корпоратив бошқарув тизимида муҳим вазифаларни бажаради. Ички аудит ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини аниқлайди, ички назорат тизимининг изчил фаолият олиб борилиши юзасидан ташкилотнинг кичик бир қисми саналади, дейишимиз мумкин. Ички аудит доимий фаолият бўлиб, кун, ҳафта, ой, йил давомида ўтказилиб борилиши мумкин. Ташкилотнинг баъзи бўлим фаолияти тез-тез текширилиб, операциялар кўп содир бўладиган ва риск даражаси юқори бўлган ҳолатлар тартиблаштирилади.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини олиб боришда мустақиллик,

холислик, қонунийлик, малакалилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойилларига асосланади. Унинг ходимлари аудит жараёнида, шу жумладан ички аудит тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда холис бўлиши ва ҳар бир ҳолатга беғараз ёндашиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириши ҳамда ваколатларидан четга чиқмаслиги лозим. Унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда малакага эга бўлиши ҳамда мунтазам равишда ўз малакасини ошириб бориши, олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаши, улардан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолларда фойдаланмаслиги ва давлат сири ҳамда бошқа сир сақланадиган маълумотларни ошкор этмаслиги лозим. Бу ҳолат меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган [2].

Маълумки, ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва халқаро миқёсдаги алоқалар кўламининг кенгайишига эришиш мумкин. Бундан ташқари, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини назорат қилишда, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида, капиталларни жамлашда, корпоратив бошқарув тизимини йўлга қўйишда, раҳбар, ходим, мижоз, мулкдор, кредитор, инвестор ва банкларни маълумот билан таъминлашда ички аудит хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари кўпгина олимлар томонидан турли ташкилий тузилмалар мисолида кўриб чиқилган. Хусусан, проф. С.У. Мехмонов бюджет ташкилотлари ички аудит фаолиятининг назарий ва амалий масалаларини [3], К.Б. Ахмеджанов ички аудит текшируви технологиясини тайёрлаш, режалаштириш ва ўтказилишини такомиллаштириш тартибларини [4], Н.Ш. Абдиева корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятларини [5], З.У. Хамидова бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит хизмати муаммоларини [6], Ғ.Д. Ташманов ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш жиҳатларини тадқиқ этишган [7].

Таҳлил ва натижалар


Бугунги кунда ички аудитнинг халқаро стандартлари ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ва 170 дан ортиқ мамлакатларда амал қилиниб, 30 га яқин тилга таржима қилинган. Ўзбекистонда ҳам ички

аудитнинг миллий стандартлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари, ички аудит хизматининг мустақиллиги, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат кўрсаткичлари стандарти, ички аудит хизмати ходимларининг малакасига қўйиладиган талаблар, ички аудит тадбирларини ўтказиш стандарти, ички аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлимлар ташкил топган.

Ички аудитни ташкил этишдан асосий мақсад, суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тизимини тўғри ташкил қилиниши ва юритилишини таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан, изланишлар натижасида ички аудит хизматининг фаолият объектларини қўйидагича ёритишимиз мумкин.

1-чизма.

Суғурта ташкилотида ички аудит хизматининг объектлари*



*Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматининг фаолият объектлари асосан, корпоратив бошқарувни ташкил этиш ҳолати ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги хусусида фаолият юритиш ҳисобланиб, бунга кўра, суғурта ташкилотининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши, қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши текширилиб, молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Умуман олганда, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали молия-хўжалик фаолиятини тўғри ва самарали юритиш, фонд ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, дивиденд тўлаш амалиётини соддалаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини самарали юритишга эришилади.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизматининг мақсади юқоридаги

маълумотлар асосида кузатув кенгашига ишончли маълумот тайёрлаш ва суғурта ташкилотининг бошқарув фаолиятини оптималлаштириш ҳисобланади. Бунинг учун ички аудит хизмати ходимлари ташкилотнинг фаолиятини режалаштириш орқали текширувни амалга оширишлари лозим. Ички аудит текшируви натижалари бўйича аниқланган камчиликлар бўйича маълумотлар суғурта ташкилотининг бошқарув органларига тақдим қилиниши ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак [8].

Ички аудит суғурта ташкилотининг ижроия органи, бўлим ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши ҳолати, активларнинг сақланиши ҳолати, шунингдек, суғурта ташкилотларини бошқариш юзасидан белгиланган талабларга ёки хусусиятидан келиб чиқиб бошқарув принципларига риоя этилишини текшириш ва барча ишлари юзасидан мониторинг олиб боришни ҳам назорат қилади [9].

Қуйида биз суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмасини келтириб ўтамиз ва бу орқали ички аудитнинг вазифаларини ҳам аниқлаш имкони бўлади.

2-чизма.

**Ўзгросуғурта акциядорлик жамиятининг
ташкилий тузилмаси***



*www.agros.uz

2-чизма маълумотларидан кўриш мумкинки, ички аудит хизмати ташкилий тузилмани ва ундан келиб чиқиб, бошқарувни оптимал ҳолатда олиб бориш ва юритиш тартибини ҳам назорат қилади.

Ички аудит жараёнида ички аудиторлар текшириладиган бўлимни аниқлайди ва ички назорат тизимини тестлаш орқали маълумот йиғади, иш жараёнларини кузатиб, ходимлар фаолиятини баҳолайди. Текширув якуни бўйича расмий аудит ҳисоботини тайёрлаб, уни раҳбарият билан кўриб чиқади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича биргаликда маслаҳат қилишади.

Суғурта ташкилотида ички аудитни текшириш жараёнлари бир қанча босқичларда амалга оширилади ва, таъкидлаш лозимки, бу орқали текширувнинг сифатли амалга оширилиши таъминланади.

3-чизма.

Ички аудитни амалга ошириш тетралеммаси*

1-босқич. Режалаштириш	2-босқич. Аудит ўтказиш	3-босқич. Ҳисобот бериш	4-босқич. Мониторинг
<ul style="list-style-type: none"> • текшириш бошлашдан олдин режа тузилади ва унда аудит ўтказиш талаби, мақсади, вақти ва аудит ўтказишда қатнашадиган аъзоларнинг исми-шарифи келтирилади. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу босқичда аудитор томонидан аудит усуллари қўлланилади, ички назорат тизими ҳолати баҳоланади ва такомиллаштириш зарур деб қаралса, белгиланган доирада амал қилиниши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу жараёнда аудит натижалари оралиқ ва якуний ҳисобот маълумотларини ўз ичига олади. Оралиқ одатда, қоралама ҳисобот сифатида ҳам акс эттирилиши мумкин. Якуний ҳисоботда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам келтирилиши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу босқичда камчилик тафсилотларига баҳо берилади, бартараф этиш муддатлари белгиланади. Бунда, ички аудитор ички назоратда камчилик аниқлаши мумкин ва бу ҳолатда, камчиликни бартараф этмагунча ташқи аудитдан ўтмайди деб, хулоса қилиши мумкин.

*Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган 3-чизма маълумотлари асосида ички аудитни амалга оширилишини, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини самарали йўлга қўйилишини ва сифатли текширувнинг ташкил қилинишини таъминлаб бериш мумкин.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш, биринчи навбатда, ташкилотнинг бошқарув фаолиятини самарали йўлга қўйиш, сўнгра эса, иш жараёнини сифатли олиб бориш билан тавсифланади. Қайд этиш лозимки, суғурта ташкилотларида ички аудитни йўлга қўйиш орқали суғурта ташкилотларида самарали мониторинг фаолияти олиб борилади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни тавсия этиш мумкин.

1. Ички аудитор томонидан текширув жараёни натижасида олган маълумот ва тайёрлаган ҳисоботлар суғурта ташкилотлари бошқарув фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.

2. Суғурта ташкилотларида ички аудит миллий ёки халқаро стандартлари асосида амалга оширилганда, бошқарув қарорларининг қабул қилишда ҳамда иш фаолиятини самарали олиб боришда юқори натижага эришиш мумкин бўлади.

3. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини такомиллаштириш борасида бир қатор жиддий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, ички аудиторларни сертификатлаш тартиби, ички аудит миллий стандартлари амалиётга жорий этилган.

4. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали суғурта хизматларининг сифати ошиб, даромадни оптимал даражагача ошириш имкони пайдо бўлган.

5. Суғурта ташкилотларида ички аудит текширувини биз томондан таклиф этилган тўртта босқичдан фойдаланиб, амалга оширса, энг ишончли ва самарали текширув жараёнлари шаклланиб, кенг қамровли натижавийликка эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-ИЛОВА. (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарорига 2-илова) ЎзР Конунчилиги Маълумотлар тизими «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарорига 2-илова)» | NRM.uz

2. Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғига ИЛОВА. Молия вазирининг 03.10.2022 й. 52-сон "Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 24.10.2022 й. 3394-сон билан рўйхатга олинган) ЎзР Конунчилиги Маълумотлар тизими NRM.uz

3. С.У. Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. // Иқтисод ва молия. – 2015. 10-сон, 52-58 бетлар.
4. К.Б. Ахмеджанов. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида ички аудит текшируви технологиясини тайёрлаш, режалаштириш ва ўтказишни такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. 6-сон. Ноябрь-декабрь. – www.iqtisodiyot.uz – 1-9 б.
5. Н.Ш. Абдиева. Корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятлари” // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. 4-сон. Июль-август. – www.iqtisodiyot.uz – 1-10 б.
6. З. У. Хамидова. Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш. // Иқтисод ва молия. – 2020, 3(135)-сон. 78-84 б.
7. Ғ.Д. Ташманов. Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш: иқтисод фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори PhD дис. автореферати. – Тошкент 2021. – 54 б.
8. Abduraimova Maftunakhon Akhmatovna. Directions of Organization of Internal Audit Service in Insurance Organizations. Journal homepage: – www.researchparks.org – 1-9 б.
9. 610-сонли “Ички аудиторларнинг хизматидан фойдаланиш” номли аудитнинг халқаро стандарти. аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: i қисм 1-жилд. 997-1007 б.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Овлаев Сухроб Темур ўғли

*аудит кафедраси ўқитувчиси
Тошкент молия институти
E-mail: Suhrob.ovlayev@gmail.com
ORCID: 0009-0001-5454-5482*

Аннотация

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аудиторлик фаолиятида халқаро стандартларнинг қўлланилиши аудиторлик текшируви сифатининг ошишига олиб келади. Аудиторлик текширувининг сифатини оширишда унинг услубий жиҳатларига, хусусан, текширув жараёнида таҳлилий амаллардан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Мазкур мақолада аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари ёритилган. Тадқиқот натижасида аудиторлик текширувини ўтказиш босқичида таҳлилий амалларни қўллаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, аудиторлик ташкилоти, аудиторлик хулосаси, аудиторлик далиллар, таҳлилий амаллар, аудиторлик риси.

НАПРАВЛЕНИЯ ПРИМЕНЕНИЯ АНАЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР В АУДИТОРСКОЙ ПРОВЕРКЕ

Овлаев Сухроб Темур оглы

*преподаватель кафедры аудита
Ташкентский финансовый институт
E-mail: Suhrob.ovlayev@gmail.com
ORCID: 0009-0001-5454-5482*

Аннотация

В нашей стране осуществляются масштабные меры по организации аудиторской деятельности на основе требований международных стандартов. Использование международных стандартов в аудиторской деятельности приводит к повышению ее качества. Для улучшения качества аудиторской проверки необходимо обращать внимание на ее методологические аспекты, в

частности, на широкое использование аналитических процедур в процессе проверки. В статье анализируются направления применения аналитических процедур в аудиторской проверке. В результате исследования были выработаны предложения по совершенствованию процесса применения аналитических процедур на этапах проведения аудиторской проверки.

Ключевые слова: аудит, аудиторская деятельность, аудиторская организация, аудиторское заключение, аудиторские доказательства, аналитические процедуры, аудиторский риск.

DIRECTIONS FOR APPLICATION OF ANALYTICAL PROCEDURES IN AUDITING

Ovlaev Sukhrob Temur ugli

*Teacher of the Department Audit
Tashkent Institute of Finance
E-mail: Suhrob.ovlayev@gmail.com
ORCID: 0009-0001-5454-5482*

Abstract

In our country, large-scale measures are being taken to organize audit activities based on the requirements of international standards. The use of international standards in auditing leads to an increase in the quality of audits. When improving the quality of inspections, it is necessary to pay attention to its methodological aspects, in particular, the widespread use of analytical procedures in the verification process. This article describes the areas of application of analytical procedures in audits. As a result of the study, were developed proposals to improve the process of applying analytical procedures at the stages of inspections.

Keywords: audit, audit activity, audit organization, audit report, audit evidence, analytical procedures, audit risk.

Кириш

Глобаллашув жараёнлари кучайиши иқтисодиётнинг барча соҳалари каби бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Жаҳон миқёсида ҳисоб ва аудит тизимларини унификациялаш мақсадида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилиб, мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашув жараёнида ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali

Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “...аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини кўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш” [1] вазифасининг белгиланиши соҳада амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, аудиторлик текширувини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Маълумки, аудиторлик текширувини ўтказишда асосий диққат далил тўплашга қаратилади. Далиллар етарлилиги ва мослигининг таъминланиши аудиторлик хулосанинг ишончли ва ҳаққоний тузилишига замин яратади. Аудиторлик далилларини тўплашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Бироқ таҳлилий амаллар далил тўплашда энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади. Мамлакатимиз амалиётида аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида таҳлилий амалларни қўллашни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида таҳлилий амалларга кенг эътибор қаратилган. “Таҳлилий амаллар” номли 520-сон аудитнинг халқаро стандартида “Таҳлилий амаллар молиявий ва номолиявий ахборот ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш йўли билан молиявий маълумотларни баҳолашдан иборат. Таҳлилий амаллар муҳим аҳамиятга эга бўлган тенденциялар ва коэффициентлар таҳлилинини, шунингдек, агар улар бошқа ўринда маълумотлар билан мос тушмаса ёки башорат қилинган қийматлардан фарқ қиладиган бўлса, ўзаро алоқалар ва четланишларни ўрганишни ўз ичига олади” [2], деб таъриф берилган.

А.З. Авлокуловнинг фикрига кўра, “... таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик муомалаларини, шунингдек, хатоларни аниқлаш мақсадида текшириладиган иқтисодий субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш, аудитор томонидан тўпланган маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олувчи аудиторлик амалларининг хилма-хиллигидир” [3].

Бошқа бир иқтисодчи олим таъкидлашича, “Таҳлилий амаллардан фойдаланиш аудиторлик текширувларида хатоларини камайтиришга ёрдам беради. Бу эса молиявий ахборотлардан фойдаланувчиларнинг аудиторлик

ташкilotларига бўлган ишончини оширишга, шунингдек, аудиторлик текширувларини ўтказишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилади” [4].

Н.Ш. Хажимуратов таҳлилий амаллар хусусида сўз юритиб, “Молиявий ҳисобот аудитида аудиторлар ўз олдига қўйилган мақсадларига эришишида таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш лозим. Таҳлилий амаллар далил тўплаш ва аудитор фикрини шакллантиришда энг кўп қўлланилувчи усул ҳисобланади. Шунингдек таҳлилий амаллар аудиторлик текширувларига сарфланидан вақт ва харажатни қисқартириш имконини беради” [5], деган хулосага келган.

Бошқа бир иқтисодчи олим таъкидлашча, “Аудиторлик текширувларида ажратиб бўлмайдиган риск ва назорат рискин пасайтиришда аудиторлар томонидан таҳлилий амаллар қўлланилиши лозим. Таҳлилий амаллар ёрдамида кенг кўламли ва катта миқдордаги ахборотларни қисқа муддат ичида ўрганиш ҳамда аудитор фикрини шакллантириш имконияти яратилади” [6].

Ш. Тожибоева ва С. Омоновлар “Аудитор хўжалик субъектларида молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари сифатини оширишда қўлланилган таҳлилий амаллар”, [7] деб таъкидлайди.

Баъзи хорижий иқтисодчи олимлар “Таҳлилий амаллар аудит далилларини тўплашнинг муҳим усули ҳисобланади. Улардан фойдаланиб, аудиторлар молиявий ва тегишли номолиявий маълумотларга нисбатан тенденцияларга баҳо бериш, ҳисобот маълумотларини бюджет, прогноз, тармоқ ўртача кўрсаткичлари ва олдинги ҳисобот даврлари маълумотлари билан таққослаш орқали таҳлил қилишлари мумкин” [8], деб қайд этишган.

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар таҳлилий амалларни таърифлашда уларни қўллаш мақсади ва вазифалари нуктаи назаридан ёндашган.

Таҳлил ва натижалар

Аудиторлик ташкilotлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувнинг сифати далил тўплаш жараёнида таҳлилий амаллардан қай даражада фойдаланилганлигига бевосита боғлиқдир. Таҳлилий амалларни қўллаш орқали аудитор фикрини шакллантириш учун зарур далилларни тўплаш имконияти яратилади. Фикримизча, аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари қуйидагилардан иборат (1-чизма).

1-чизма.

Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари*



* Муаллиф ишланмаси.

1-чизмадан кўриниб турибдики, таҳлилий амалларни қўллашни 2 та йирик тоифага ажратиш мумкин: молиявий ахборотларни таққослаш ва кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш.

Молиявий ахборотларни таққослашда таҳлилий амалларнинг энг кўп қўлланиладиган тури ҳақиқатдаги маълумотларни ўтган йилги маълумотлар билан қиёслаш ҳисобланади. Таҳлилий амалларни қўллашда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришлар бўлганлиги инобатга олиниши лозим. Агар хўжалик юритувчи субъектда шу давр мобайнида молиявий ёки ташкилий жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар содир бўлмаса, олинган натижалар ҳаққоний ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви давомида мижоз маълумотларини тармоқдаги ўртача хўжалик юритувчи субъект ёки турдош хўжалик юритувчи субъект маълумотлари билан таққослайди. Ушбу амаллар, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши ва рақобатдошлилигини аниқлаш имконини беради. Тармоқдаги турдош ёки

Ўртача хўжалик юритувчи субъект маълумотини таққослаш учун нафақат молиявий ҳисобот маълумотлари, балки уларга қўшимча равишда бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллар баёнини ҳам илова қилиш тавсия этилади. Чунки тармоқдаги турли хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг турли усуллари қўлланилаётган бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, таҳлилий амаллар қўлланилишида ноодатий четланишлар ва уларнинг сабабларини ўрганишга асосий эътибор қаратилади. Одатда жиддий четланишлар ўрганилади. Ушбу четланиш сабаблари ва таъсир қилувчи омиллар таҳлилий йўл билан эмас, балки кенг камровли текширув йўли билан ўрганилади.

Таҳлилий амаллар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолашнинг учта, яъни тайёргарлик, маълумотларни дастлабки баҳолаш ва ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш босқичларида қўлланилади.

Тайёргарлик босқичида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хўжалик юритувчи субъектнинг устави, таъсис шарномаси, бошқарув жараёнига оид бошқа маълумотлар, ҳисоб сиёсати ҳамда бухгалтерия ҳисобига оид бошқа ҳужжатлар асосида хўжалик юритувчи субъект амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигига баҳо берилади. Бундан ташқари кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ўрганилади. Таъкидлаш жоизки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришларнинг хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва бухгалтерия хизмати ходимлари ўз вақтида англамаслиги туфайли кўпинча молиявий ҳисоботда хатолар юзага келишига сабабчи бўлади. Умуман олганда, тайёргарлик босқичининг асосий мақсади маълумотларни таҳлил қилишга тайёрлигини баҳолаш ҳисобланади.

Иккинчи босқич молиявий маълумотларни дастлабки баҳолаш ҳисобланиб, унда хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги ижобий ва салбий тенденцияларга эътибор қаратилади. Мазкур босқичда хўжалик юритувчи фаолияти асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари таҳлил қилинади, шунингдек фаолият асосий кўрсаткичларини тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш ўтказилади. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботда муаммоли моддалар мавжудлиги текширилади. 2-босқичда ҳисоботда муаммоли моддаларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай қилиб, молиявий ҳисоботнинг муаммоли моддаларида кўрсатилган индикатор кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг салбий эканлигини ва унинг банкротлик эҳтимоли юқори эканлигини англатади. Назорат кўрсаткичлари эса хўжалик юритувчи субъектда ҳисобот даврида ўта жиддий бўлмаган, лекин келгуси даврларда таъминот жараёнининг беқарорлашиши ҳамда

фойда микдорининг камайиши орқали банкротлик ҳолати юзага келишини ифодалайди.

Учинчи босқич молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш босқичи ҳисобланиб, мазкур босқичда молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича умумий хулоса чиқарилади. Молиявий ҳисобот бўйича умумий хулоса чиқаришда хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ҳолатига баҳо бериледи. Шунингдек молиявий барқарорлик, тўловга лаёқатлилик, ликвидлик, кредитга лаёқатлик, молиявий мустақиллик кўрсаткичлари аниқланади. Аниқланган кўрсаткичлар асосида хўжалик юритувчи субъект фаолияти борасида якуний фикр шакллантирилади.

Хулоса

Аудиторлик текширувида таҳлилий амаллардан фойдаланишда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Аудиторлик ташкилотининг обрўси мазкур ташкилот томонидан ўтказилган аудиторлик текширувининг сифати ва аудиторлик хулосаларининг ишончилигига бевосита боғлиқдир. Аудиторлик хулосаларини ишончли тарзда шакллантиришда таҳлилий амалларни қўллаш орқали далилларни етарли даражада тўплаш муҳим ҳисобланади.

2. Таҳлилий амаллар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичларига ҳаққоний баҳо бериш ва кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликларни аниқлаш имкониятини яратади. Таҳлилий амалларни қўллаш орқали фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аудиторлик рискинни пасайтириш мумкин.

3. Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. Мазкур кўрсаткичларнинг аниқланиши аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият узлуксизлигига баҳо беришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – www.lex.uz

2. International standard on auditing No. 520 “Analytical procedures”. – www.ifac.org

3. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт: монография / А.З. Авлокулов. – Т.: Iqtisod-moliya,

2019. – 192 б.

4. Al-Hajaia M.E. The extent of analytical procedures implementation (International standard on auditing No. 520) in limited liability companies. //International journal of academic research in business and social sciences. 2022, Volume 12, issue 9. Pages 154 – 1169.

5. Хажимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисобот аудити: назария, методология ва амалиёт: монография / Н.Ш. Хажимуратов. – Тошкент: Impress media, 2021. – 236 б.

6. Carlos Pinho. The usefulness of analytical procedures: an empirical approach in the auditing sector in Portugal. – <https://www.researchgate.net/publication/265643374>

7. Тожибоева Ш., Омонов С. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш [Электрон ресурс] // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2-сон, март-апрель, 2019.

8. Modar Abdullatif, Aya Banna, Duha El-Sahsah, Taher Wafa. Exploring the application of analytical procedures by Jordanian external auditors. //Journal of Governance and Regulation. Volume 10, Issue 3, 2021.

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Назарова Камола Сатторали кизи



мустақил изланувчи

Тошкент молия институти

E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com

ORCID:0009-0007-3068-2953

Аннотация

Мақола Ўзбекистон амалиётида аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда мазкур мавзунини тадқиқ этишнинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот жараёнида қўлланилган усуллар мазмуни, мамлакатда халқаро стандартларни қўллаш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўналишлари, халқаро стандартларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини ифодаловчи ҳаволалар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда халқаро аудит стандартларини жорий қилинишининг амалдаги ҳолати ўрганилган.

Калит сўзлар: аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторлик амаллари, молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик хизмати, аудиторлик ташкилоти, аудитни режалаштириш, аудиторлик хулоса, аудиторлик жамоат бирлашмалари.

ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ АУДИТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Назарова Камола Сатторали кизи

соискатель

Ташкентский финансовый институт

E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com

ORCID:0009-0007-3068-2953

Аннотация

Данная статья посвящена применению международных стандартов аудита в практике Узбекистана, анализируется данная актуальная тема, уровень ее изученности, исследуются вопросы применения международных стандартов в стране и их решения, аспекты, выражающие паратаксистические особенности международных стандартов, внедрения международных

стандартов аудита в государствах-участниках Содружества Независимых Государств.

Ключевые слова: международные стандарты аудита, аудиторская практика, аудит финансовой отчетности, аудиторские услуги, аудиторские организации, планирование аудита, аудиторское заключение, аудиторские общественные объединения.

FEATURES OF THE USE OF INTERNATIONAL STANDARDS ON AUDITING IN UZBEKISTAN

Nazarova Kamola Sattorali kizi

independent researcher

Tashkent Institute of Finance

E-mail: nazarovakamola1128@gmail.com

ORCID:0009-0007-3068-2953

Abstract

This article is devoted to the application of international auditing standards in the practice of Uzbekistan, includes an analysis of this topical problem, the level of its study, examines the application of international standards in the country and their solutions, aspects expressing the parataxis features of international standards, the current state of the implementation of international auditing standards in the participating Commonwealth of Independent States.

Keywords: international auditing standards, audit practice, audit of financial statements, audit services, audit organizations, audit planning, audit report, audit public associations.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг мустақкам норматив-ҳуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларига қарамадан “...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти...” [1]. Ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида “йирик давлат корхоналарида молиявий

ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш” [2] каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудит текширувини режалаштириш ва ўтказишнинг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, текширувларда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида текширув натижаларини ҳужжатлаштириш, умумлаштириш ва баҳолаш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги, хусусан, ҳозирги жаҳон аудит амалиётида текширувларни халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш, аудитни автоматлаштириш ва аудит натижаларини ҳужжатлаштириш масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Иқтисодчи олим О. Баракаевнинг таъкидлашича: “Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) аудиторлик фаолиятидаги узоқ йиллик тажрибани бирлаштиради ва бутун дунёда аудиторликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади. АХС бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги дунёнинг етакчи мутахассислари, илғор мамлакатларнинг амалиётчи ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган кўп йиллик ишларнинг энг яхши натижаси сифатида шаклланди” [8]. Ўзбекистон амалиётида аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси яратилиши, аудит хизматлари бозорини янада ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланиши, халқаро стандартлар асосида фаолият юритиш натижасида иш сифатининг ошиши ва халқаро тармоққа аъзо бўлиши ҳамда аудиторларнинг профессионал билим ва малакаси оширишнинг энг мақбул йўли амалиётда аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишдир.

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик фаолиятида АХСни қўллаш масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борган хорижлик олимлар А. Arens, М. Beasley, R. Elder[3], А.Д. Шеремет [4], Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Р.Д. Дусмуратов [5], А.А. Каримов [6], М.М. Тўлахўжаева [7] ва Б.Қ. Ҳамдамовларнинг [8] илмий асарларида АХСнинг зарурати келтириб ўтилган. Жумладан, А.Д. Шереметнинг ишида трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, аудит фирмаларининг интеграциялашуви ва йирик халқаро гуруҳларга айланиши муносабати билан аудитни халқаро миқёсда унификация қилиш зарурати юзага келгани ҳамда аудит халқаро стандартларининг икки мақсади қайд

қилинган, яъни аудиторларнинг профессионаллик даражаси жаҳон даражасидан паст бўлган мамлакатларда аудиторлик касбининг ривожланишига кўмаклашиш ва имкон қадар халқаро миқёсда аудитга муносабатни бирлаштириш экани таъкидланган [4]. Шунингдек Р.Д. Дўсмуратовнинг ишида аудитнинг халқаро стандартлари халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятининг сифати ва мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган [5]. Республикамиз ҳудудида ташкил қилинган аудит фирмаларининг кўрсатаётган хизматларидан чет эл сармоядорлари жуда кам фойдаланаётганлиги, маҳаллий аудит фирмалари тўла халқаро андозаларга мос равишда ўз ишини йўлга қўя олмаганлиги Б.Қ. Ҳамдамовнинг тадқиқотларида қайд этилган [8].

Амалиётчи аудитор Р.Умаровнинг фикрича: “Халқаро аудит стандартлари – бу аудитни ўтказиш ва унга боғлиқ хизматларни кўрсатишга ягона талаблар ва шартлар белгиланган ҳужжатлар ҳисобланиб, уларда асосий принциплар, зарур тартиблар ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ўрин олган” [10].

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва тарғиб қилиш билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси шуғулланади. Ҳозирги пайтда унинг таркибига 129 мамлакатдан 173 та бухгалтерия ҳисоби бўйича профессионал жамоат ташкилотлари киради. Аудит стандартлари барча аудиторлар ўз профессионал фаолияти жараёнида риоя қилиши лозим бўлган умумий базавий тамойилларни ифодалайди.

Аудиторлик фаолияти стандартлари жаҳон амалиётида аудит соҳасида профессионал фаолиятни тартибга солишнинг умумий эътироф этилган механизми ҳисобланади. Стандартлар воситасида тартибга солишнинг куйидаги икки асосий тури амалга оширилади:

- 1) *давлат томонидан тартибга солиш* – стандартлар давлатнинг аудитга нисбатан барча қонунчилик талабларини ўз ичига олади;
- 2) *нодавлат ташкилотлари томонидан тартибга солиш* – аудиторлик жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

Стандартлар аудит ўтказишга умумий ёндашувларни, аудиторлик текшируви қўламини, аудиторлик ҳисоботи турларини, аудитнинг услубий масалаларини ва аудитнинг базавий тамойилларини ўзида мужассамлаштиради.

Стандартлар ҳуқуқий муаммолар билан ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, агар иш судда кўрилганда аудиторлик стандартлардан кетма-кетликда фойдаланиши исботлаб бериладиган бўлса, аудитордан жавобгарликнинг

асосий қисми олиб ташланиши мумкин. Бу ҳолат биринчи бор инглиз ва америка суди амалиётида ўз аксини топган. Аудиторлар ўз ишида умумқабул қилинган стандартларга аниқ риоя қилганлиги исботланса, суд томонидан мижозларнинг уларга даъволари рад қилинган. Қуйидаги 1-чизмада аудиторлик стандартларининг аҳамияти кўрсатилган.

1-чизма.

Аудит стандартларининг аҳамияти*



* Муаллиф томонидан тайёрланган.

Аудитнинг халқаро стандартлари мақоми уларни қўллашда бажариладиган вазифаларнинг мазмуни ва қўллаш тартиби билан белгиланади. Халқаро аудит стандартлари қоидаларидан четга чиқиш аудитор томонидан далиллар асосида исботланиши лозим. АХСдан бошқа алоҳида стандартнинг қўлланиши борасидаги ҳар қандай чеклов аудитор томонидан изоҳланиши лозим. Стандартлар дастлаб АҚШ ва Буюк Британияда пайдо бўлган, кейинчалик эса бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳам ўз миллий стандартларини яратишга киришган. АХСдан фойдаланишга ёндашувлар негизида турли назарий концепциялар ётади. Уларнинг барчаси постулатлар деб номланувчи аудит методологиясини белгилаб берадиган асосий қоидалардан иборат. Аудит маҳаллий ва ғарб ёндашувлари постулатларини таққослаш орқали амалга оширилади. Постулатлар аудиторлик стандартларининг энг муҳим жиҳатларини тартибга солувчи илмий асосланган қоидаларни ифодалайди.

Маълумки, ҳозирги пайтда аудит амалиётида 50 номдаги аудитнинг халқаро стандартлари ва улар асосида ҳар бир аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг ички стандартлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда миллий аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга

доир вазифалар оширилишига қарамай АХСни Ўзбекистон аудиторлик амалиётига жорий этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Бизнингча, бугунги кунда, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олиншини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш...”[1] бўйича мавжуд муаммоларни қуйидаги йўналишлар асосида ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда қўллаш масалалари*

АХСларни Ўзбекистон амалиётда жорий этиш муаммолари	Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар
<p>1. АХСнинг ўзбек ва рус тилларидаги аниқ, мукамал ҳамда амалий асосланган расмий таржималарининг камлиги.</p> <p>2. Амалдаги қонун ҳужжатларида АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича аниқ ва қатъий талаблар ёки тартиб-қоидаларни етарлича белгиланмаганлиги.</p> <p>3. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи аудиторлик ташкилотларининг 18,4 фоизи (18/98) халқаро аудиторлик тармоқларига аъзо ҳисобланиб, қолган 81,6 фоиз(80/98) аудиторлик ташкилотлари АХС талаблари асосида аудиторлик текширувларини тўлақонли ўткази олмайд. Бу эса, қолган аудиторлик ташкилотларида АХСларни қўллаш бўйича ички ташкилий муаммолар мавжудлигини англатади.</p> <p>4. Аудиторлик ташкилотларида АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича молиявий имкониятларнинг четланганлиги ёки ушбу мақсад учун харажатларни режалаштирилмаслиги.</p> <p>5. Республикамизда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларда АХСни амалиётда қўллаш бўйича билим, малака ва кўникма даражасининг етарли эмаслиги.</p> <p>6. АХСларни ўрганиш ва Ўзбекистон амалиётга жорий этиш бўйича жамоат ташкилотлари иштироки даражасининг талаб даражасида эмаслиги.</p> <p>7. Амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари, мавжуд ўқув адабиётлари ва дарсликларда АХСларни амалиётда қўллаш бўйича манбалар, фикрлар ва талабларнинг етарлича баён этилмаганлиги.</p> <p>8. Аудиторлик ташкилотларида АХСни қўллаш бўйича тажрибанинг етишмаслиги сабабли текширувлар учун кўп вақт ва маблағларнинг сарф этилиши.</p> <p>9. АХСни амалиётда қўлланилиши бўйича тажрибага эга бўлган амалий тушунтириш ёки кўрсатмалар берувчи мутахассислар ёки экспертларнинг етишмаслиги.</p>	<p>1. АХСларни амалиётга жорий этиш ва АХС қоидаларини тарғиб қилиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш.</p> <p>2. Аудиторлик ташкилотларига халқаро бухгалтер сертификатларига эга бўлган мутахассисларни кенг жалб этиш ва аудиторлик ташкилотларининг АХСларни амалиётда қўллаш бўйича ички стандартларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. АХСларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон амалиётда қўллаш масалалари билан доимий шуғулланадиган аудит, бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, менежмент ва бошқа турдош соҳалар бўйича малакали таржимонлар ва мутахассислардан иборат махсус нодавлат ташкилотини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. У АХСнинг ўзбек ва рус тилларидаги расмий матнларини тайёрлаши; инглиз тилидаги матндаги ўзгаришларни кузатиб бориши ва уларни ўз вақтида республикада расмий равишда мослаштирилган матнга киритиши; ўзбек ва рус тилларида АХС атамалари глоссарийсини юритиши керак.</p> <p>4. АХСларни ўзбек тилидаги расмий нашрлари ёки уларга шарҳлар ва изоҳларни кўпайтириш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш.</p> <p>5. Аудиторлар ва миқоз-корхоналар бухгалтер ходимларини АХС ва МҲХСларни амалиётда қўллаш масалалари бўйича малакасини ошириш ёки қайта тайёрлашнинг мукамал тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>6. АХСларни амалиётга жорий этиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, чуқур тадқиқот ишларини олиб бориш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>7. АХСларни Ўзбекистон амалиётга жорий этиш бўйича самарали институционал муҳит ва механизмларни ривожлантириш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.</p> <p>8. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар ва АХС асосида текширувларни ташкил этишга манфаатдор ташкилотларнинг молиявий лойиҳалари ва малакали мутахассисларини Ўзбекистон амалиётга тезкор жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>9. Аудиторлик ташкилотлари томонидан АХС талабларига риоя этилаётганлиги юзасидан сифат назоратини кучайтириш.</p>

*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Бугунги кунда халқаро аудит стандартлари соҳасида профессионал кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишини давлат органлари томонидан назорат қилиниши белгиланадиган бўлса, давлат томонидан молиялаштириш харажатларини ўсиши муаммоси келиб чиқади. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишининг назорати жамоат ташкилотлари зиммасига юклатиладиган бўлса, жамоатчилик ташкилотлари томонидан стандартларга риоя қилинишини объектив баҳолаш масаласи юзага келади. Чунки АХСга риоя этилишини аудиторлик фаолияти бўйича кучли мутахассис-аудиторлар амалга ошириши сабабли назорат жараёнларида атайин хатолар кўрсатилиши ёки, аксинча, яширилиши мумкин.

Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида АХСдан фойдаланишнинг уч хил шакли мавжуд бўлиб, бунда биринчиси фақат халқаро аудит стандартларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Иккинчи шаклда эса, халқаро стандартларга мувофиқ, миллий аудит стандартлари яратилади ва амалиётда миллий стандартлардан фойдаланилади. Ва, ниҳоят, учинчи аралаш шаклда аудиторлик амалиётида миллий ва халқаро стандартлардан уйғунликда (аралаш) фойдаланиш кўзда тутилади.

Халқаро аудиторлик амалиётида аудиторлик текширувини режалаштириш тартиби «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш» номли 300-сон АХС ва 3-сонли «Аудитни режалаштириш» номли АФМС билан тартибга солинади. «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш» номли 300-сон АХСда аудитни режалаштириш – бу аудит режасини яратиш ва тузиш бўйича умумий аудит стратегиясини ишлаб чиқишдир, деб эътироф этилган (“Audit planning - is the development of an overall strategy to establish audit and preparation of the audit plan”).

“Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли 300-сонли АХСга мувофиқ, аудиторлик текширувини режалаштириш жараёни қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилиши белгиланган:

- кириш;
- аудитни режалаштириш;
- аудит стратегияси.

Мазкур “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли 300-сон АХСда белгиланган тартиблар “Мустақил аудиторнинг асосий мақсадлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказиш” номли 200-сон АХСда белгиланган тартиб билан биргаликда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, АХСнинг асосий амалий устунликларидан бири – бу АХС матнига киритилган ўзаро боғлиқ ҳаволалар ёки уларда аудиторга

аудит жараёнида у ёки бу стандартни қўллаш кетма-кетлигини белгилашга имкон берадиган “ҳавола”ларнинг мавжудлигидир. Амалдаги аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда эса, бундай ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалар қабул қилинмаганлиги сабабли улар мавжуд эмас.

2-жадвал.

**300-сон АХСга ўзаро боғлиқ томонларни
ифодаловчи ҳаволалар***

Т/р	300-сон АХСда белгиланган таомиллар	Ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалар акс эттирилган стандартлар
1.	Аудиторлик гуруҳининг асосий аъзолари иштироки	315 АХС. «Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш воситасида жиддий бузиб кўрсатишлар рискларини аниқлаш ва баҳолаш»
		240 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликка нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари»
2.	Топширик бўйича дастлабки ишлар	220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати»
		210 АХС. «Аудиторлик топшириқлари шартларини мувофиқлаштириш»
3.	Режалаштириш бўйича ишлар	315 АХС. «Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш асосида жиддий бузиб кўрсатишлар рискларини аниқлаш ва баҳолаш»
		330 АХС. «Баҳоланган рискларга жавобан аудиторлик тартиб-тамоийллари»
		220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати»
4.	Бошқариш ва назорат бўйича қўшимча тавсиялар	230 АХС. «Аудиторлик ҳужжатлари»
5.	Биринчи бор бажарилаётган аудиторлик топшириқларига нисбатан қўшимча фикр-мулоҳазалар	220 АХС. «Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда сифат назорати»

* Муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги 2-жадвалда аудитни режалаштириш жараёнида 300-сон “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” номли АХСдан ташқари яна қайси халқаро стандартлар талаблари ва тавсиялари бажарилиши кўрсатилган. Аудиторлик текширувини режалаштиришда ўзаро боғлиқ томонларни ифодаловчи ҳаволалардан фойдаланиш аудиторларга аудитни янада самарали амалга оширишга имкон беради. Бунда аудиторнинг хўжалик фаолияти рискларини тушуниши ахборотни ҳисоботда жиддий равишда бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Шунингдек 300-сонли «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш» номли АХСда унинг қўллаш соҳаси акс эттирилган бўлиб, бу ерда ушбу стандарт такрорий аудит топшириқларига мансублиги кўрсатилган, бундан ташқари биринчи марта бажарилаётган аудиторлик топшириқларига алоқадор қўшимча изоҳлар алоҳида тақдим этилган.

Амалдаги АХСларга мувофиқ, аудиторлик текшируви қуйидаги уч асосий босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган:

1. Режалаштириш босқичи.

2. Аудиторлик далилларни тўплаш босқичи.

3. Текширув натижаларини расмийлаштириш босқичи.

Режалаштириш босқичидан олдин аудитор мижоз билан танишиб чиқиши лозим. Мижоз ҳақида дастлабки ахборот тўплаш жараёни ишчи жадваллар асосида амалга оширилиб, уларга қуйидаги маълумотлар киритилади:

мижоз фаолиятининг минтақавий ва тармоқ хусусиятлари;

мижознинг молиявий ҳолати;

мижоз фаолиятининг ташкилий ва технологик хусусиятлари;

молиявий ҳисоботга масъул ходимлар малакавий даражаси ҳақида ахборот;

мижоз-корхона ҳисоб жараёнларини автоматлаштириш даражаси;

қимматли қоғозлар бозоридаги мижоз фаолиятининг даражаси;

ички назорат тизимини ташкил қилиш;

мижознинг молиявий мажбуриятлари ҳақида ахборот;

мижоз иштирок этадиган суд ишлари материаллари.

АХС негизда миллий стандартлар ишлаб чиқилади. Айрим мамлакатлар ўз стандартларини ишлаб чиқмасдан, АХСни миллий стандартлар сифатида қўллашга қарор қилган. Аудит соҳасида юқори ривожланган мамлакатлар – Канада, Буюк Британия, Ирландия, АҚШ – халқаро аудит стандартларини фақат маълумот учун қабул қилади, холос. Ўз навбатида, Австралия, Бразилия, Ҳиндистон ва Голландия каби мамлакатлар уларнинг асосида ўз миллий аудит стандартларини ишлаб чиқади. Малайзия, Нигерия ва Фиджи каби бошқа мамлакатлар АХСдан миллий стандартлар сифатида фойдаланади. Ўзбекистон аудиторлик фаолияти миллий стандартларини мустақил равишда ишлаб чиққан, бунда Ўзбекистон стандартларининг аксарияти халқаро стандартлар билан айнан бир хилдир.

Халқаро аудит стандартларидан фойдаланилишининг АҚШ мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу давлатда хусусий компаниялар, агарда зарур бўлса АХСга мувофиқ аудит ўтказишдан фойдаланишлари мумкин. Бироқ АҚШ ўзининг аудит стандартларига эга бўлиб, хусусий компаниялар аудитида фойдаланиш учун Америка сертификатланган жамоат бухгалтерлари институти томонидан белгиланган умумий қабул қилинган аудит стандартлари (GAAS) ва оммавий компаниялар бухгалтерия ҳисоби устидан назорат бўйича Кенгаш (PCAOB) томонидан қабул қилинган оммавий корпорациялар аудитида қўлланадиган стандартлардан фойдаланилади.

Сўнгги ўн йилликда дунёда аудит хизматлари бозорининг асосий элементларидан бири бу аудиторлик амалиётида АХСни қўллаш

хисобланади. Жумладан, аудит хизматлари бозори МДХга аъзо давлатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Иқтисодиётнинг исталган сегменти каби аудит хизматлари бозори ҳам кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Бугунги кунда МДХга аъзо давлатларнинг аудит миллий тизимларининг ўхшаш жиҳати аудиторлик фаолиятини тартибга солишда АХСни асосий меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилишидадир (3-жадвал).

3-жадвал.

МДХга аъзо давлатларда халқаро аудит стандартларини жорий қилиниши ҳолати*

МДХга аъзо давлатлар	АХС ни жорий қилиш режаси (дастурининг) мавжудлиги	Режани (дастурни) амалга оширадиган ваколатли органлар	АХСни жорий қилиш даври
Озарбайжон	Ҳа	Йўқ	01.01.2010 йилдан бошлаб
Арманистон	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Беларусь Республикаси	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Козоғистон	Ҳа	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, малакали аудиторлик ташкилотлари	2006 йилдан бошлаб
Қирғизистон	Ҳа	Йўқ	2003 йилдан бошлаб
Молдова	Ҳа	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маориф вазирлиги, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси бўйича малакавий ассоциациялар	01.01.2012 йилдан бошлаб
Россия Федерацияси	Ҳа	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, аудиторлик фаолияти бўйича Кенгаш, аудиторларнинг ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари	2013–2016 йиллар
Тожикистон	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Ўзбекистон	Ҳа	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий Банк, бухгалтерлар ва аудиторларнинг касбий бирлашмаси	2011–2020 йилларда босқичма-босқич

* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

МДХга аъзо давлатларда АХС талабларини жорий қилишдаги асосий муаммо – АХС талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил этиш масаласи ҳисобланади.

Қуйидаги 4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, МДХга аъзо давлатлар аудиторлик амалиётида АХСни жорий қилиш ва қўллаш жараёнида бир қатор умумий муаммоларга дуч келишди. Жумладан, институционал, ташкилий-ҳуқуқий, молиявий, кадрлар тайёрлаш ва бошқа услубий муаммолар мавжуд. Ўз навбатида, мазкур муаммоларни ечиш том маънода АХСни қўллашда ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш имконини беради. Фикримизча, МДХга аъзо давлатларда АХСни қўллашнинг институционал муаммолари сифатида институционал муҳитнинг йўқлиги ёки

етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатиш мумкин.

4-жадвал.

**МДХ давлатларида АХСни қўллаш
муаммолари***

АХСни жорий қилишнинг асосий муаммолари	Муаммонинг долзарблиги (муҳимлиги)		
	Паст	Ўртача	Юқори
Аудит бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	Қозоғистон Республикаси	Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Россия Федерация, Ўзбекистон	Молдова
Молиявий манбаларнинг чекланганлиги	Тожикистон	Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Ўзбекистон	Арманистон, Қирғизистон, Молдова
Халқаро бухгалтерлар федерациясининг талабларига мос бўлган аудит сифатини назорат қилиш		Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қирғизистон, Ўзбекистон	Молдова, Россия Федерацияси
АХСнинг рус тилига ўз вақтида расмий таржимаси йўқлиги			Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Ўзбекистон
АХСнинг айрим қоидалари миллий норматив ҳуқуқий актларга мос эмаслиги	Тожикистон Ўзбекистон	Беларусь Республикаси	

*Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Аммо МДХга аъзо давлатларнинг аксарияти учун АХС таржимасининг йўқлиги ва АХСни қўллашда молиявий муаммоларининг мавжудлиги ёки МДХга аъзо давлатлар молиявий манбаларининг чекланганлиги мазкур муаммони жиддийлаштирди. Бу давлатларда АХСни қўллашнинг кадрларга оид муаммолари билим ва кўникмаларнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ кетади. Бунда АХСни қўллашда маҳаллий тилларда услубий материалларнинг етишмаслиги жиддий масаладир.

Хулоса

Аудитнинг халқаро стандартлари ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланиб, замонавий талаблар ва халқаро принциплар асосида аудитни тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуннинг 9-моддасига аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари сифатида АХС киритилди. АХСни жорий этиш аудитни халқаро миқёсда унификациялашни таъминлади ва корпоратив бошқарув сифатини оширди ҳамда бу орқали республикада аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг

такомиллашуви, аудиторлик хизматлари сифатининг ошиши ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини оширишга олиб келди.

МДХга аъзо давлатларда АХС талабларини жорий қилишдаги асосий муаммо – АХС талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил этиш масаласи ҳисобланади. МДХга аъзо давлатлар аудиторлик амалиётида АХСни жорий қилиш ва қўллаш жараёнида бир қатор умумий муаммоларга дуч келишди. Жумладан, институционал, ташкилий-ҳуқуқий, молиявий, кадрлар тайёрлаш ва бошқа услубий муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда халқаро аудит стандартлари соҳасида профессионал кадрлар етишмаслиги муаммоси мавжуд. Агарда стандартларни амалиётда қўлланилишини давлат органлари томонидан назорат қилиниши белгиланадиган бўлса, давлат томонидан молиялаштириш харажатларини ўсиши муаммоси келиб чиқади. Бундан ташқари давлат назорат ходимлари аудитнинг барча нозик жиҳатларини билмаслиги сабабли, ахборот «оқиб чиқиши» хавфи юзага келади.

Фикримизча, аудитнинг халқаро стандартларининг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, аудиторлик амалиётида стандартларнинг услубий қоидаларини қўлай олиш, миллий аудиторлик амалиётини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, жаҳон амалиётидаги «Аудит» ва “Молиявий ҳисобот аудити” фанларини чуқур тадқиқ этиш, мазкур соҳада инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш, аудит соҳасидаги халқаро атамаларни қабул қилиш, амалиётчи ходимлар ва илмий тадқиқотчиларнинг хорижий мамлакатларда тажриба алмашинувини ташкил этиш ҳамда амалиётчи аудиторларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйиш бугунги аудит соҳасининг долзарб масалаларидан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори. – <http://lex.uz/docs/3914502>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар [стратегиясини](#) “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид [давлат дастури](#) тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. – <https://nrm.uz>

3. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., Auditing and Assurance Services, **“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali** 2-son 2023-yil 154

14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.

4. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 456 с.

5. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.

6. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 152 б.

7. Тўлахўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – 193 б.

8. Аудиторлик фаолиятини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ такомиллаштириш. “Iqtisodiyot va ta’lim” илмий электрон журнали 2022 йил 2-сон.

9. Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари. Иқт. фан. докт дисс. – Т., 2007. – 260 б. – www.ifac.org 15. www.lex.uz

10. Умаров Р. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари (АХС): уларга нималар киритилади ва асосий қоидалар. – <https://www.bss.uz>

DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK INFRATUZILMA LOYIHALARINI AMALGA OSHIRISH MODELLARI

Shavkatov Navruzбек Shavkatovich



iqtisodiyot fanlari bo'yicha

falsafa doktori(PhD)

korporativ moliya va qimmatli

qog'ozlar kafedrasi dotsenti

Toshkent moliya instituti,

E-mail: shavkatov_navruzbek@tfi.uz

ORCID: 0000-0003-1305-2507

Annotatsiya.

Iqtisodiyot tarmoqlarida infratuzilma ob'ektlarini rivojlantirish va modernizatsiya qilish bo'yicha zarur investitsion loyihalarni amalga oshirish uchun xususiy investitsiyalar salmog'ining yetarli darajada emasligi va zamonaviy texnologiyalarni jalb etish darajasining pastligi iqtisodiyot o'sishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Maqolada davlat-xususiy sheriklik amaliyotini rivojlantirish orqali infratuzilma loyihalarini moliyalashtirishda xususiy investorlar ishtrokini oshirish masalalari tadqiq etilgan va ahamiyati ko'rsatilgan va tegishli xulosalar, amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tayanch so'zlar: davlat-xususiy sheriklik loyihalari, infratuzilmani rivojlantirish, xususiy investitsiya, modellar.

МОДЕЛИ РЕАЛИЗАЦИИ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

Шавкатов Наврузбек Шавкатович

доктор философии (PhD)

по экономическим наукам

*доцент кафедры корпоративных
финансов и ценных бумаг*

Ташкентский финансовый институт

E-mail: shavkatov_navruzbek@tfi.uz

ORCID: 0000-0003-1305-2507

Аннотация.

Отсутствие достаточных финансовых ресурсов для финансирования инфраструктурных секторов в развивающихся странах является одной из

основных проблем в развитии инфраструктуры. Также тормозит развитие основной экономики недостаточный вес частных инвестиций для реализации необходимых инвестиционных проектов по развитию и модернизации объектов инфраструктуры в отраслях экономики и низкий уровень привлечения современных технологий. В данной статье рассматриваются вопросы расширения участия частных инвесторов в финансировании инфраструктурных проектов в развитых и развивающихся странах путем развития практики государственно-частного партнерства, экономических взаимоотношений между ними, делаются выводы по развитию таких отношения, даны практические предложения и рекомендации.

Ключевые слова: проекты государственно-частного партнерства, развитие инфраструктуры, частные инвестиции, модели.

MODELS OF IMPLEMENTATION OF INFRASTRUCTURE PROJECTS BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS

Shavkatov Navruzbek Shavkatovich

*Department of corporate finance
and securities, PhD*

Toshkent Institute of Finance

E-mail: shavkatov_navruzbek@tfi.uz

ORCID: 0000-0003-1305-2507

Abstract

The insufficient financial resources for the financing of infrastructure sectors in developing countries is one of the main problems in infrastructure development. Also, the insufficient weight of private investments for the implementation of the necessary investment projects for the development and modernization of infrastructure facilities in economic sectors and the low level of involvement of modern technologies slows down the development of the main economy. In this article, the issues and importance of increasing the participation of private investors in the financing of infrastructure projects in developed and developing countries through the development of the practice of public-private partnership, mutual economic relations between them, conclusions on the development of such relations, practical suggestions and recommendations have been developed.

Keywords: public-private partnership projects, infrastructure development, private investment, models.

Kirish

Davlat-xususiy sheriklik ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarini rivojlantirishning zamonaviy bosqichi iqtisodiy tizimning ikki asosiy subyekti: xususiy sektor va davlat o'rtasidagi hamkorlikni tashkil etishning yuqori samarali mexanizmi hisoblanadi. Bunday hamkorlikning ko'p bosqichli va murakkab tuzilmasi istiqbolli loyihalarni amalga oshirishning zamonaviy ishbilarmonlik muhitiga moslashtirilgan, tasdiqlangan usullardan foydalanishni taqozo etadi. Bu loyihalarning muvaffaqiyati bevosita davlat-xususiy sheriklik modellari va sheriklik shartnomalariga yondashuvlarni tanlashga bog'liq. Davlat-xususiy sheriklikning samarali modellaridan foydalanish iqtisodiyotning strategik muhim tarmoqlarini boshqarishning an'anaviy usullariga samarali muqobildir. Shuning uchun bu masalalarni har tomonlama o'rganish milliy va davlatlararo miqyosda iqtisodiy rivojlanishning real imkoniyatlarini aniqlashga qaratilgan. Bugungi kunda davlat-xususiy munosabatlarni rivojlantirish yo'lidagi asosiy to'siqlar davlat-xususiy sheriklikdan faol foydalanishda davlat siyosati samaradorligini oshirish imkonini beruvchi samarali usullarning yo'qligi, shuningdek, davlat va biznes hamkorligining institutsional va axborot ta'minotining zaifligidir. Bunday hamkorlik sifatini oshirish davlat-xususiy sheriklikning puxta o'ylangan nazariy va uslubiy asoslarini shakllantirish, mamlakat raqobatbardosh salohiyatidan samarali foydalanish va jahonning muvaffaqiyatli tajribasini hisobga olish orqali mumkin bo'ladi.

Mamlakatimizda 2026-yilgacha xorijiy va mahalliy investitsiyalarni jalb etish strategiyasini amalga oshirish va bunda davlat-xususiy sheriklik asosida energetika, transport, sog'liqni saqlash, ta'lim, ekologiya, kommunal xizmatlar, suv xo'jaligi va boshqa sohalarga 14 mlrd AQSh dollarga teng investitsiya jalb etish [1], hamda davlat va biznesning hamkorligini zamonaviy shakllarda tashkil etish, loyihalarni moliyalashtirish mexanizmlarini aniqlash, ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan vazifalarni o'zaro manfaatli sharoitlarda tezkorlik bilan hal etish, shuningdek, davlat-xususiy sheriklik tizimini samarali boshqarish va muvofiqlashtirishni talab etmoqda. Bu esa davlat va xususiy sheriklik amaliyotida moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish bo'yicha ilmiy-tadqiqotlarni keng amalga oshirish zaruriyatini belgilaydi.

Adabiyotlar sharhi

Davlat va xususiy sektor o'rtasida sheriklikni rivojlantirishning asosiy nazariyalari, shuningdek davlat-xususiy sheriklikning samarali modellarini qo'llash amaliyoti tahlili natijalari davlat va tadbirkorlik sektori o'rtasida vakolat va mas'uliyatning oqilona muvozanatini saqlash zarurligini ko'rsatmoqda. Davlat-

xususiy sheriklikning har ikki tomoni – davlat va xususiy (bozor) sektorlari manfaatlari, vakolatlari va imkoniyatlarining uyg'unlashuvi asosiy infratuzilma loyihalarining samaradorligini, mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishini ta'minlab, global inqirozlarni oldini oladi. Davlat-xususiy sheriklik modellarining yuqori samaradorligi va ularni davlat siyosatini amalga oshirish hamda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish jarayonida qo'llash davlat va xususiy sektor hamkorligi samaradorligini tavsiflovchi quyidagi xususiyatlar bilan bog'liq:

birinchidan, davlat-xususiy sheriklikning aniq modelini qo'llash natijasi davlat infratuzilmasi yoki xususiy sektor orqali davlat xizmatlari ko'rsatish darajasiga bog'liq. Bu xususiyatning mohiyati strategik muhim loyihalarni tayyorlash va amalga oshirishda yuzaga keladigan xavflarni qayta taqsimlashdan iborat. Bundan tashqari, xususiy tadbirkorlik sub'ektlarining moliyaviy mukofotlari darajasi tanlangan hamkorlik modelining riskiga qarab belgilanadi (Sharma va Bindal, 2014);

ikkinchidan, samarali davlat-xususiy sheriklik modeli loyihalarni moliyalashtirishning turli usullari kombinatsiyasiga asoslanadi: qisman xususiy sektor hisobidan va qisman davlat byudjeti hisobidan, shu bilan birga qo'shimcha tomonlarni jalb qiluvchi sxemalardan foydalanish mumkin;

uchinchidan, davlat-xususiy sheriklik modellarini qo'llash bo'yicha davlat va xususiy tadbirkorlik o'rtasidagi hamkorlik davri ancha uzoq, chunki samarali hamkorlik infratuzilma loyihalarining bir necha bosqichlarini o'z ichiga olishi kerak – asosiy vositalarni loyihalash, qurish, foydalanish va/yoki texnik xizmat ko'rsatish, xususiy moliyalashtirish bilan birlashtirish (Yashchenko, 2018).

Moliyaviy qarorlar qabul qilish modeli (shuningdek, "moliyaviy model" deb ham ataladi) yangi loyihani baholash, kreditor, investor va davlat hokimiyati organlari o'rtasida sheriklik munosabatlarini osonlashtirish uchun muhim vositadir. DXSh (davlat-xususiy sheriklik) loyihalarida investor odatda kreditorlar, sug'urta provayderlari, pudratchi va boshqa tomonlar, xususan davlat sherigi bilan ishlash uchun maxsus loyiha kompaniyasi (SPV) yoki konsessioner kompaniyasini tashkil qiladi. Umuman olganda, muvaffaqiyatli DXSh loyihasi moliyaviy munosabatlardan oldin davlat va xususiy sherik o'rtasida o'zaro kelishuv va riskni adolatli taqsimlash mexanizmini shakllantirish lozim

Tahlil va natijalar

Xalqaro moliya institutlari ko'pincha kam daromadli mamlakatlarda DXShni amalga oshirishni qo'llab-quvvatlaydi, masalan, soliq tushumlari cheklangan milliy hukumatlar infratuzilmaga sarmoya kiritish uchun boshqa muqobil manbaga ega bo'lmasligi mumkin. (Osiyo taraqqiyot banki, 2008; Xalqaro

moliya korporatsiyasi, 2009; Davlat-xususiy infratuzilma bo'yicha maslahat fondi, 2013; Birlashgan Millatlar Tashkiloti, 2009). Fikrimizcha, bunday sharoitda infratuzilmani moliyalashtirishning eng maq'bul variantlaridan biri davlat xususiy sheriklik munosabatlari hisoblanadi.

Rivojlanayotgan mamlakatlarda byudjet mablag'larini yetishmasligi, davlat qarzining balandligi, yetarli mablag'ning mavjud bo'lmasligi infratuzilmani moliyalashtirishda muqobil manbalardan foydalanishga ehtiyoj yuzga keltiradi. Past daromadli va rivojlanayotgan mamlakatlarda bunday muqobil moliyalashtirish manbalari orasida davlat-xususiy sheriklik muhim ahamiyatga ega. U orqali infratuzilmaga investetsiyalar jalb etish va moliyalashtirish amaliyoti juda keng tarqalmoqda. Biroq iqtisodiy-moliyaviy va siyosiy risklar yuqori bo'lgan muhitda, davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida ishtirok etishi uchun yetarli darajada rag'bat bo'lmasa xususiy biznesning bunday munosabatlarga qiziqishi yuqori bo'lmaydi. Aynan shuning uchun davlat-xususiy sheriklikda yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlarni taqdiq etish dolzarb hisoblanadi.

Davlat va xususiy sektor hamkorligining eng samarali modellarini aniqlash uchun bunday loyihalarning muvaffaqiyatli jahon tajribasini tahlil qilish maqsadga muvofiqdir. Innovatsion infratuzilma loyihalarini amalga oshirishda davlat-xususiy sheriklik modellarini qo'llash bo'yicha Buyuk Britaniya, Fransiya va Germaniya yetakchi hisoblanadi (1-jadval).

1-jadval.

Davlat-xususiy sheriklikning samarali modellarining ayrim xususiyatlari va qo'llanilishi

Mamlakat	Davlat-xususiy sheriklikning ish modellari (Jahon banki tasnifiga ko'ra)	Davlat siyosatini amalga oshirishdagi ahamiyati
Buyuk Britaniya	1. Konsessiya shartnomalari. 2. Boshqaruv shartnomalari; 3. Greenfield loyihalari.	Milliy iqtisodiyotni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning strategik maqsadlarini ta'minlash uchun turli sohalarda: transport, sog'liqni saqlash, ta'lim, uy-joy kommunal xo'jaligi, chiqindilarni qayta ishlash, mudofaa, axborot texnologiyalari va uy-joy qurilishida amalga oshirilishi mumkin.
Germaniya	1. Konsessiya shartnomalari. 2. Lizing. 3. Boshqaruv shartnomalari.	Transport tizimining barqaror rivojlanishini ta'minlash, uy-joy xizmatlari sifatini oshirish va tibbiy xizmat ko'rsatishning samarali

	4. DBFM shartnomalari (loyihalash, qurish, moliyalashtirish, saqlash) va BOT (qurish, ishlatish, topshirish).	tizimini yaratish maqsadida turli sohalarda amalga oshirilishi mumkin: transport, kommunal xo'jalik, energetika, sog'liqni saqlash va ta'lim.
Fransiya	1. Konsessiya shartnomalari. 2. Boshqaruv shartnomalari. 3. Greenfield loyihalari.	Qurilish jarayonini kuchli rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish va kommunal xizmatlarning ishlash mexanizmini takomillashtirish maqsadida turli sohalarda: transport, sog'liqni saqlash, ta'lim, uy-joy, chiqindilarni qayta ishlash va turar-joy qurilishida amalga oshirilishi mumkin. Davlat siyosati doirasidagi ishlarning muhim yo'nalishi – avtoturargohlar zonalarining keng tizimini yaratishdir.

Demak, Buyuk Britaniyada davlat-xususiy sheriklikning eng samarali modeli konsessiya shartnomalari asosidagi hamkorlikdir. Xususiy moliyaviy tashabbus xususiy shaxslar tomonidan o'z investitsiyalari orqali moliyalashtiriladigan xizmatlar bo'yicha shartli shartnoma bo'yicha belgilanadi.

Germaniya hukumati davlatning so'nggi egalik huquqini o'rnatadigan davlat-xususiy sheriklik modelini afzal ko'radi. Bunday model mamlakat ichida samarali hisoblanadi, chunki ular federal mexanizm printsipini va moliyaviy mustaqilligining tegishli xususiyatlarini hisobga oladi. Hamkorlik modeli doirasida xususiy tomon infratuzilmani yaxshi holatda saqlash uchun vaqtinchalik huquqlarni oladi. Shunday qilib, xususiy sherik faqat faoliyat yuritish huquqiga ega va aholiga sifatli xizmat ko'rsatish majburiyatini oladi.


Frantsiya amaliyoti konsessiya shartnomalaridan foydalangan holda davlat-xususiy sheriklik modelining keng tarqalishini ko'rsatadi. Davlat va xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlik Societe d'Economie Mixtes (SEM) tomonidan tartibga solinadi, uning asosiy maqsadi shiddatli raqobat sharoitida davlat-xususiy sheriklik samaradorligini oshirishdir. SEM davlat-xususiy sheriklikning samarali modellarini qo'llash uchun tegishli biznes muhitini yaratadi, bu davlat siyosatiga sezilarli ijobiy ta'sir ko'rsatadi (Pidhaiets, 2011).

Kam daromadli va rivojlanayotgan mamlakatlarning odatda yuqori bo'lgan xarajatlar yoki qarz talablari umumiy davlat balansi ko'rsatkichlarini aks ettirishi

mumkin. Bu mamlakatlarda keng ko'lamli infratuzilma loyihalarini moliyalashtirish uchun mablag' yetishmasligi muammo bo'lishi, umumiy davlat byudjetining defitsiti va fiskal cheklovlar mamlakatni ko'proq DXSh amaliyotini kengaytirishga bo'lgan qiziqishini oshiradi. Shuningdek "makroiqtisodiy beqarorlik qanchalik yuqori bo'lsa, DXSh amaliyoti shunchalik ko'p bo'lishiga intilishini" prognoz qilinadi, biroq moliyaviy risk darjasi pastroq bo'lgan biznes muhitini afzal ko'radigan xususiy investorlar uchun DXSh loyihalarining jozibadorligi pasayishi mumkin. Makroiqtisodiy barqarorlikning (yoki beqarorlikning) nazariy jihatdan muhim prognoz qiluvchi omillari bo'lgan inflyatsiya va davlat qarzi kabi boshqa omillar DXSh amaliyotining muhim omillari emas. Odatda inflyatsiya darajasi DXShlar soniga salbiy ta'sir ko'rsatishi tahmin qilish mumkin, chunki narxlarning barqaror emasligi xususiy investorlarning risklarga moyilligini pasaytirishi va bu holat DXSh loyihalariga investitsiyalar kiritishiga to'sqinlik qilishi mumkin. Fikrimizcha, inflyatsiya va DXSh o'rtasidagi ijobiy munosabatlar yo'qligining sababi shundaki, ko'plab xususiy korxonalar o'zlarini inflyatsiyaning salbiy ta'siridan himoya qilish maqsadida davlat tomonidan narx yoki daromad kafolatlarini olishga moyilligi yuqori bo'lishi mumkin.

1-диаграмма.

Rivojlanayotgan va o'rta daromadli mamlakatlarda 2030 yilgacha yuqori samaradorlikka erishish uchun talab etiladigan mablag'lar salmog'i (YaIMga nisbatan %da)




*The World Bank. (2019). What are public private partnerships?. <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/what-are-publicprivate-partnerships>.

Rivojlanayotgan va o'rta daromadli mamlakatlarda 2030 yilgacha Barqaror rivojlanish maqsadlarida yuqori samaradorlikka erishish uchun talab etilayotgan investitsiya mablag'lari miqdori YaIMga nisbatan tahlil qilinganda, 2030 yilga borib infratuzilmaga bo'lgan talab hajmining pasayishi, xususan, sog'liqni saqlash,

ta’lim, energetika, transport-suv xo’jaligida amalga oshirilishi kutilayotgan investitsiya loyihalari hajmi bugungi kunga nisbatan pasayish tendensiyasida ekanligini kuzatish mumkin. Bunda ta’lim va sog’liqni saqlash sohasiga ajratilishi kutilayotgan investitsiya mablag’lari miqdori 2022 yilda yalpi ichki mahsulotga nisbatan 5.5 foizni tashkil etayotgan bo’lsa, ushbu ko’rsatkich 2030 yilga borib 2 foizni tashkil etilishi prognoz qilinmoqda.

2-диаграмма.

Kam daromadli rivojlanayotgan mamlakatlar 2030-yilgacha yuqori samaradorlikka erishish uchun talab etiladigan mablag’lar salmog’i
(YaIM ga nisbatan %da)*



*The World Bank. (2019). What are public private partnerships?. <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/what-are-publicprivate-partnerships>.

Birlashgan millatlar tashkilotining 2030-yilgacha mamlakatlarni barqaror rivojlanish maqsadlari strategiyasi doirasida olib borilgan tahlillariga ko’ra, dunyoda kam daromadli rivojlanayotgan mamlakatlar yuqori iqtisodiy samaradorlikka erishish uchun bugungi kunda yalpi ichki mahsulotiga nisbatan qariyb 4,7 foiz moliyaviy resurslari ehtiyoji mavjud bo’lsa, bu ko’rsatkich 2030 yilga borib 15 foizdan oshishi prognoz qilinmoqda. Bunda eng katta ulush sog’liqni saqlash, ta’lim va transport infratuzilmasi sohalarida kuzatilishi keltirib o’tilgan. Fikrimizcha, rivojlanayotgan mamlakatlarning infratuzilmasini moliyalashtirishda davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini yanada kengaytirish mamlakatlarda infratuzilmaga bo’lgan talabni qanoatlantirishda muhim o’rin tutadi.

Xulosa

Tadqiqotlar natijasida davlat-xususiy sheriklik samaradorligi bir qancha omillarga bog’liqligi aniqlandi. Birinchidan, shartnoma taraflari o’rtasida risk, majburiyat va mas’uliyatni oqilona taqsimlash; ikkinchidan, loyihalarni moliyalashtirishni davlat va mahalliy hokimiyat organlari tomonidan kafolatlangan

kredit mablag‘lari hisobidan kengaytirish; uchinchidan, bunday munosabatlarning qonuniyligi va to‘g‘ri asoslari.

Davlat-xususiy sheriklikni yanada rivojlantirishni Buyuk Britaniya, Fransiya, Germaniya kabi mamlakatlarning muvaffaqiyatli tajribasidan kelib chiqib qurish zarur. Bu mamlakatlarda davlat-xususiy sheriklikni rivojlanishi mukammal huquqiy va institutsional yondoshuv asosida amalga oshirilib, loyiha natijalarining sifati tomonlar manfaatlarining uyg‘unligi bilan ta‘minlangan. Davlat-xususiy sheriklik modellarining samaradorligini oshirish uchun mavjud muammolarni hal etish usullarini ko‘rib chiqish zarur. Ular orasida quyidagilarni qayd etish mumkin:

biznes-jarayonlarni faollashtiruvchi va mamlakat institutsional tuzilmasida davlat-xususiy sheriklik modellarini amalga oshirishning harakatlantiruvchi omiliga aylangan xususiy sektor boshqaruvini yaxshilash;

milliy va mahalliy miqyosdagi loyihalarning turli iqtisodiy va ijtimoiy samaradorligi bilan bog‘liq bo‘lgan davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi sheriklik jarayonlarida davlat siyosatini hisobga olish.

Bu yerda transport va energetika sohalarida amalga oshirilayotgan strategik loyihalar haqida so‘z boradi. Ular, ayniqsa, milliy miqyosda foydalidir, lekin ijtimoiy va uy-joy sohasini rivojlantirish loyihalari davlat-xususiy sheriklik modellarining tijorat va ijtimoiy samaradorlik mutanosibligiga erishish uchun mintaqaviy va mahalliy siyosat doirasida samaraliroqdir.

Fikrimizcha, davlat-xususiy sheriklik munosabatlari va biznesning ijtimoiy mas‘uliyatining amal qilishida quyidagilar dolzarb hisoblanadi:

davlat-xususiy sheriklik munosabatlarning rivojlanishi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotga xizmat qiladi;

biznesning ijtimoiy mas‘uliyati xususiy sektor vakillari tomonidan ixtiyoriylik asosida ma‘lum bir ijtimoiy loyihani o‘z tashabbusi bilan amalga oshirishiga qaratiladi. Bunda korporativ tuzilmaning loyihalardagi ishtiroki ijtimoiy reklama vazifasini o‘tab beradi;

davlat-xususiy sheriklik munosabatlari va korporativ ijtimoiy mas‘uliyat investitsiya munosabatlarning kengayishiga sabab bo‘ladi. Natijada biznes sub‘ektlari uchun ijtimoiy yoki iqtisodiy foyda olish imkoniyati yuzaga keladi, davlatning esa ma‘lum bir xarajatlari qisqaradi.

Mamlakatimizda davlat-xususiy sheriklik munosabatlari tor doirada amal qilmoqda. Ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatidan kelib chiqqan holda bunday munosabatlarni soha va tarmoqlar bo‘yicha kengaytirish lozim. Xususiy biznesda ijtimoiy mas‘uliyat ko‘lamini oshirish maqsadida davlat va xususiy sektorning bir xil sharoitda ishlashini ta‘minlash orqali xususiy biznes taraqqiyotiga erishish

maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni. – <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>
2. The World Bank. (2019). What are public private partnerships?. – <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/what-are-publicprivate-partnerships>
3. De Bettignies, J.-E., & Ross, T. W. (2004). The economics of public-private partnerships. *Canadian Public Policy/Analyse de Politiques*, 30(2), 135e154.
4. Ios sa, E., & Martimort, D. (2015). The simple microeconomics of public private partnerships. *Journal of Public Economic Theory*, 17(1), 4e48.
5. Ismail, S. (2013). Critical success factors of public private partnership (PPP) implementation in Malaysia. *Asia-Pacific Journal of Business Administration*, 5(1), 6e19.
6. Wang, Q., Li, J. J., Ross, W. T., & Craighead, C. W. (2013). The interplay of drivers and deterrents of opportunism in buyer supplier relationships. *Journal of the Academy of Marketing Science*, 41(1), 111e131.
7. Delmon, J. (2011). *Public-private partnerships in infrastructure: An essential guide for policymakers*. New York, NY: Cambridge University Press.
8. Ahwireng-Obeng, F., & Mokgohlwa, J. P. (2002). Entrepreneurial risk allocation in public-private infrastructure provision in South Africa. *South African Journal of Business Management*, 33(4), 29e39.
9. Hammami, M., Ruhashyankiko, J.-F., & Yehoue, E. B. (2006). Determinants of public private partnership in infrastructure. IMF working paper, WP/06/ 99.

KO‘P O‘ZGARUVCHILI FUNKSIYA EKSTREMUMI VA IQTISODIY MASALALAR YECHIMI



Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi

*oliy va amaliy matematika
kafedrasining katta o‘qituvchisi*

Toshkent moliya instituti

E-mail: sayyodxon@bk.ru

ORCID: 0000-0003-2023-7374

Annotatsiya

Mazkur maqola ko‘p o‘zgaruvchili funktsiyaning ekstremumiga bag‘ishlangan. Ko‘p o‘zgaruvchili funktsiyaning ekstremumini topishni nazariy va amaliy yo‘llari keltirilgan. Mavzu bo‘yicha iqtisodiy ma‘nolari tushuntirib o‘tilgan. Iqtisodiy oliy ta‘lim muassasalari talabalari uchun ko‘p o‘zgaruvchili funktsiyaning ekstremumi mavzusini o‘qitishda bilishi kerak bo‘lgan ma‘lumotlar to‘g‘risida bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: funktsiya, lokal maksimum, lokal minimum, statsionar nuqta, yuqori tartibli xususiy hosila, aralash xususiy hosila, xarajat funktsiyasi.

ЭКСТРЕМУМЫ ФУНКЦИЙ МНОГОПЕРЕМЕННЫХ И РЕШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗАДАЧ

Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi

*старший преподаватель кафедры
высшей и прикладной математики
Ташкентский финансовый институт*

E-mail: sayyodxon@bk.ru

ORCID: 0000-0003-2023-7374

Аннотация

Статья посвящена применению экстремумов функций многопеременных. Приведены теоритические и практические способы нахождения экстремума функции мнопеременных. Объясняется экономический смысл темы. Описана информация, которую должны знать студенты экономических вузов при преподавании темы экстремума функции многих переменных.

Ключевые слова: Функция, локальный максимум, локальный минимум, стационарная точка, частная производная высшего порядка, смешанная частная производная, функция стоимости.

THE EXTREMA OF FUNCTIONS OF MULTIVARIABLES AND SOLUTION OF ECONOMIC PROBLEMS

Maxmasaidova Sayyodxon Ubaydulla qizi

*Senior Teacher of the Department
Higher and applied mathematics*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: sayyodxon@bk.ru

ORCID: 0000-0003-2023-7374

Abstract

This article is devoted to the extremum of a multivariable function. Theoretical and practical ways of finding the extremum of a multivariable function are presented. The economic meaning of the topic is explained. The information that students of economic institutions of higher education should know when teaching the topic of the extremum of a multivariable function is described.

Keywords: Function, local maximum, local minimum, stationary point, higher order partial derivative, mixed partial derivative, cost function.

Kirish

Ta'lim tizimini isloh qilishning zarurligini tushunib yetish amaliyotda ta'lim muassasalarini innovatsion jarayonlarga qo'shilishini taqozo etmoqda va eng muhimi aniq yangiliklarni o'zlashtirishdan iborat.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2023 yil davlatimiz rivojlanishning asosiy 6 yo'nalishini belgilab berdi. Ijtimoiy davlat – bu inson salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun imkoniyatlar, aholi munosib hayot kechirishi uchun zarur sharoitlar yaratish, kambag'allikni qisqartirish demakdir. Shu bois e'tiborni Yangi O'zbekiston uchun eng katta investitsiya bo'lgan ta'limni qo'llab-quvvatlashga qaratish lozim. Ma'rifatparvar jadidchi bobolarimizning bu so'zlari deputat va senatorlarimiz, siyosiy partiyalar, mahalliy kengashlar, butun davlat organlari va keng jamoatchilikning amaliy harakatiga aylanishi kerak. Maktablarda ta'lim sifati hamda jamiyatda o'qituvchi kasbining nufuzini oshirish, muallimlarning sharoitlarini yaxshilash 2023 yildagi eng asosiy vazifalardan biri ekanligini ta'kidladi [1].

Shunday ekan, har bir o'tilayotgan mavzuni talabalar tomonidan o'zlashtirilishi amaliy ahamiyatga ega ekanligini oliy ta'lim jarayonida yaqqol ko'rinib turibdi. Oliy o'quv yurtlarining iqtisodiy yo'nalishlarida o'qitiladigan iqtisodchilar uchun matematika fani, xususan, ko'p o'zgaruvchili funksiya ekstremumi mavzusi talabalar uchun amaliy mazmundagi masalalarni yechishda va kelajakda o'z faoliyati sohasida iqtisodiy masalalarni hal qilishda katta ahamiyatga ega [5].

Adabiyotlar sharhi

Iqtisodiy nazariya va amaliyotda funksiya keng qo'llaniladi. Iqtisodiyotda uchraydigan funksiyalar turlari rang barangdir, chiziqli funksiyadan tortib maxsus funksiya, deb nomlanuvchilari qo'llaniladi. Elementar funksiyalarning deyarli barchasi iqtisodiyotda qo'llaniladi. Iqtisodiyotda tez-tez uchraydigan va o'zining iqtisodiy nomiga ega bo'lgan funksiyalar qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. Foydalilik funksiyasi. Bu funksiya foydalilikni ma'lum bir omillar ta'siriga bog'liqligini aniqlaydi.

2. Ishlab chiqarish funksiyasi. Bu funksiya ishlab chiqarish faoliyati natijasini, aniqlovchi omillarga bog'liqligini aniqlaydi.

3. Mahsulot hajmi funksiyasi. Bu funksiya ishlab chiqarishda mahsulot hajmi hom ashyo zaxirasi va iste'molchiga bog'liqligini aniqlaydi.

4. Sarf-xarajat funksiyasi. Bu funksiya ishlab chiqarishda sarf-xarajatlar mahsulot hajmi bilan bog'liqligini aniqlaydi.

5. Talab, iste'mol va taklif funksiyalari. Bu funksiyalar mahsulotga bo'lgan talab, iste'mol va taklif hajmlarining turli omillarga (masalan, narx-navo, daromad va boshqa) bog'liqligini aniqlaydi.

Muhim bo'lgan foydalilik funksiyalaridan biri CES (constant elasticity of substitution) funksiya deb ataladi. Bu funksiya alternativ tovarlarning o'zgarmas elastiklikka egaligini bildiradi. Ikki o'zgaruvchili holda bu funksiya quyidagicha:

$$U(x_1, x_2) = (\alpha x_1^{1/\rho} + \beta x_2^{1/\rho})^\rho.$$

Funksiyaning xususiy holatlarini ko'rib chiqamiz.

1) $\rho = 1$ da chiziqli foydalilik funksiyasi hosil bo'ladi

$$u(x_1, x_2) = \alpha x_1 + \beta x_2.$$

2) $\rho \rightarrow -\infty$ da Leontev funksiyasi, deb ataluvchi foydalilik funksiyasi hosil bo'ladi

$$u(x_1, x_2) = \min\{x_1, x_2\}.$$

3) Agar $\alpha + \beta = 1$ bo'lsa, $\rho \rightarrow 0$ da Kobb-Duglas funksiyasi hosil bo'ladi

$$u(x_1, x_2) = x_1^\alpha x_2^\beta.$$

Bu funksiyalarni n ta o‘zgaruvchi holatiga ham umumlashtirishimiz mumkin.

Ma’lum iqtisodiy jarayonlar ko‘p omillar ta’siri natijasida yuzaga kelgani uchun shakllangan funksiyalar ko‘p o‘zgaruvchili funksiyalar bo‘ladi [2].

$y = f(M)$ funksiya M_0 nuqtaning $U_r(M_0) \subset D(f)$ – atrofida aniqlangan bo‘lsin.

1-ta’rif. Agar M_0 nuqtaning shunday $U_r(M_0)$ atrofi mavjud bo‘lsa, barcha $M \in U_r(M_0)$ nuqtalar uchun $f(M_0) < f(M)$ ($f(M_0) > f(M)$) tengsizlik bajarilsa, M_0 nuqta lokal minimum (maksimum) nuqta deyiladi.

2-ta’rif. Funksiyaning lokal maksimum va minimum nuqtalari funksiyaning lokal ekstremum nuqtalari deb ataladi.

Funksiyaning ekstremum nuqtalarini aniqlash uchun yo‘nalish bo‘yicha hosila va gradiyent tushunchasini kiritamiz.

$u = f(x, y, z)$ funksiya $M_0(x_0, y_0, z_0)$ nuqta atrofida aniqlangan va $\vec{l} \neq 0$ vektor berilgan bo‘lsin. Bu yerda \vec{l} vektor yo‘nalishida $\vec{l}_0 = \frac{\vec{l}}{|\vec{l}|} = (\cos \alpha, \cos \beta, \cos \gamma)$, $\cos^2 \alpha + \cos^2 \beta + \cos^2 \gamma = 1$ birlik vektorni aniqlaymiz.

$M_0(x_0, y_0, z_0)$ nuqtadan \vec{l} vektor yo‘nalishi bo‘ylab nur o‘tkazamiz va uning tenglamasini parametrik tenglama ko‘rinishida yozamiz:

$$x = x_0 + t \cos \alpha, \quad y = y_0 + t \cos \beta, \quad z = z_0 + t \cos \gamma, \quad t \geq 0. \quad (1)$$

Bu yerda $t = \rho(M(x, y, z), M_0(x_0, y_0, z_0))$, chunki

$$\sqrt{(x - x_0)^2 + (y - y_0)^2 + (z - z_0)^2} = t \sqrt{\cos^2 \alpha + \cos^2 \beta + \cos^2 \gamma} = t.$$

(1) nurda $f(x, y, z) = f(x_0 + t \cos \alpha, y_0 + t \cos \beta, z_0 + t \cos \gamma)$ funksiyaning qaraymiz. U holda $M_0(x_0, y_0, z_0)$ nuqtada \vec{l} yo‘nalish bo‘yicha hosila $\frac{\partial f}{\partial l}$ quyidagicha aniqlanadi:

$$\frac{\partial f(M_0)}{\partial l} = \lim_{t \rightarrow 0} \frac{f(M) - f(M_0)}{t} = \frac{d}{dt} f(x_0 + t \cos \alpha, y_0 + t \cos \beta, z_0 + t \cos \gamma) \Big|_{t=0}.$$

Shunday qilib yo‘nalish bo‘yicha hosila $\frac{\partial f}{\partial l}$ faqat M_0 nuqta va \vec{l} vektor yo‘nalishi bilan aniqlanib, koordinatalar sistemasining tanlanishiga bog‘liq emas.

$\frac{\partial f}{\partial l}$ hosilani murakkab funksiya hosilasi formulasi yordamida hisoblasak:

$$\frac{\partial f(M_0)}{\partial l} = \frac{\partial f}{\partial x} \frac{dx}{dt} + \frac{\partial f}{\partial y} \frac{dy}{dt} + \frac{\partial f}{\partial z} \frac{dz}{dt} = \frac{\partial f(M_0)}{\partial x} \cos \alpha + \frac{\partial f(M_0)}{\partial y} \cos \beta + \frac{\partial f(M_0)}{\partial z} \cos \gamma$$

Bu yerda $\left\{ \frac{\partial f(M_0)}{\partial x}, \frac{\partial f(M_0)}{\partial y}, \frac{\partial f(M_0)}{\partial z} \right\} = \nabla f(M_0)$ f funksiyaning M_0

nuqtadagi gradiyenti, deb ataladi va $grad f(M_0)$ yoki $\nabla f(M_0)$ (∇f – nabla ef) ko‘rinishda belgilanadi.

Demak, birlik vektor: $\vec{l}_0 = (\cos \alpha, \cos \beta, \cos \gamma)$, $\cos^2 \alpha + \cos^2 \beta + \cos^2 \gamma = 1$; M_0 nuqtada $f(x, y, z)$ funksiyaning gradiyenti esa $\left\{ \frac{\partial f(M_0)}{\partial x}, \frac{\partial f(M_0)}{\partial y}, \frac{\partial f(M_0)}{\partial z} \right\} = \nabla f(M_0)$ ko‘rinishda

aniqlanadi. U holda

$$\begin{aligned} \frac{\partial f(M_0)}{\partial l} &= \frac{\partial f(M_0)}{\partial x} \cos \alpha + \frac{\partial f(M_0)}{\partial y} \cos \beta + \frac{\partial f(M_0)}{\partial z} \cos \gamma = \\ &= |\nabla f| |\vec{l}_0| \cos \varphi = |\nabla f| \cos \varphi \end{aligned}$$

(2)

Bundan ko‘rinib turibdiki, agar $\Delta f \neq 0$ bo‘lsa, u holda M_0 nuqtadagi yo‘nalish bo‘yicha hosila $\frac{\partial f}{\partial l}$ o‘zining eng katta qiymatiga faqat ∇f ning yo‘nalishida erishadi, ya’ni $\varphi = 0$ bo‘lganda. Bu yerda $\varphi - \nabla f$ va \vec{l}_0 vektorlar orasidagi burchak.

Gradiyent tushunchasidan foydalanib, ekstremumning zaruriy shartini aniqlaymiz.

3-ta’rif. Agar $M_0 \in R^n$ nuqtada $f(M)$ funksiyaning gradiyenti nol vektor, ya’ni $grad f(M_0) = 0$ bo‘lsa, u holda $M_0 \in R^n$ nuqta $f(M)$ funksiyaning statsionar nuqtasi deyiladi.

$M(a, b)$ nuqta atrofida uzluksiz xususiy hosilalarga ega bo‘lgan $z = f(x, y)$ funksiya berilgan bo‘lsin. Bu nuqtada quyidagi orttirmani qaraymiz:

$$f(a+h, b+k) - f(a, b).$$

Quyidagi belgilash kiritiladi:

$$\varphi(t) = f(a+ht, b+kt).$$

Bu yerda $\varphi(0) = f(a, b)$, $\varphi(1) = f(a+h, b+k)$. $\varphi(t)$ funksiyaga $[0;1]$ Lagranj o‘rta qiymat teoremasini: $f(a) - f(b) = (b-a)f'(\xi)$, $\xi \in (a; b)$ qo‘llaymiz:

$$\varphi(1) - \varphi(0) = (1-0)\varphi'(\xi), \quad \xi \in (0;1). \quad (3)$$

Bu yerda:

$$\varphi'(t) = hf'_x(a+ht, b+kt) + kf'_y(a+ht, b+kt). \quad (4)$$

(3) tenglikni (4) dan foydalanib quyidagicha yozib olamiz:

$$f(a+h, b+k) - f(a, b) = hf'_x(a+h\xi, b+k\xi) + kf'_y(a+h\xi, b+k\xi). \quad (5)$$

Bu tenglik ikki o‘zgaruvchili funksiya uchun Lagranj funksiyasi deb ataladi.

Lagranj o‘rta qiymat teoremasining umumlashmasi Teylor o‘rta qiymat teoremasi yoki kengaytirilgan o‘rta qiymat teoremasi ko‘p holarda Teylor formulasi deb atalib, quyidagi ko‘rinishga ega:

$$f(b) = f(a) + \frac{b-a}{1!} f'(a) + \frac{(b-a)^2}{2!} f''(a) + \dots + \frac{(b-a)^n}{n!} f^{(n)}(\xi), \quad \xi \in (a, b). \quad (6)$$

(5) formulani $f(x, y)$ uchun keltirib chiqaramiz. Buning uchun $\varphi(t) = f(a+ht, b+kt)$ funksiyani $[0;1]$ kesmada Teylor formulasini 2 – tartibli hadi bilan yozib olamiz:

$$\varphi(1) = \varphi(0) + \frac{1-0}{1!} \varphi'(0) + \frac{(1-0)^2}{2!} \varphi''(\xi), \quad \xi \in (a, b). \quad (7)$$

(4) formulani differensiallab quyidagiga ega bo‘lamiz:

$$\varphi''(t) = h^2 f''_{xx}(a+ht, b+kt) + 2hkf''_{xy}(a+ht, b+kt) + k^2 f''_{yy}(a+ht, b+kt).$$

(4) ga asosan $\varphi'(0) = hf'_x(a, b) + kf'_y(a, b)$ bo‘lgani uchun (7) quyidagi ko‘rinishga ega bo‘ladi:

$$f(a+h, b+k) = f(a, b) + [hf'_x(a, b) + kf'_y(a, b)] + \frac{1}{2!} [h^2 f''_{xx}(a+\xi t, b+\xi t) + 2hkf''_{xy}(a+\xi t, b+\xi t) + k^2 f''_{yy}(a+\xi t, b+\xi t)], \quad \xi \in (0;1)$$

Bu formula ikki o‘zgaruvchili funksiya uchun Teylor o‘rta qiymat teoremasi deb ataladi.

Bu ikkita o‘rta qiymat teoremasini uch va undan ko‘p o‘zgaruvchili funksiyalar uchun ham qo‘llash mumkin.

Ko‘p o‘zgaruvchili funksiyalarning M_0 ekstremum nuqtasini topishni ikki o‘zgaruvchili $z = f(x, y)$ funksiya misolida ko‘rib chiqamiz. $M_0(a, b)$ nuqta atrofida $f(x, y)$ uchun Teylor formulasini yozamiz:

$$f(a+h, b+k) = f(a, b) + [hf'_x(a, b) + kf'_y(a, b)] + \frac{1}{2!} [h^2 f''_{xx}(x, y) + 2hkf''_{xy}(x, y) + k^2 f''_{yy}(x, y)] \quad (8)$$

Bu yerda $f'_x = f'_y = 0$ bo‘lgani uchun (8) formulani quyidagicha yozish mumkin:

$$f(a+h, b+k) - f(a, b) = \frac{1}{2!} [h^2 f''_{xx}(x, y) + 2hkf''_{xy}(x, y) + k^2 f''_{yy}(x, y)].$$

Quyidagi belgilashlar kiritamiz:

$$\frac{\partial^2 f(M_0)}{\partial x_1^2} = A, \quad \frac{\partial^2 f(M_0)}{\partial x_1 \partial x_2} = B, \quad \frac{\partial^2 f(M_0)}{\partial x_2^2} = C, \quad -\Delta = \begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix}$$

bo‘lsin. U holda:

1) agar $\Delta = B^2 - AC < 0$ bo‘lsa, M_0 statsionar nuqta funksiyaning lokal ekstremum nuqtasi bo‘lib: a) $A < 0$ bo‘lsa, M_0 statsionar nuqta maksimum nuqta; b) $A > 0$ bo‘lsa, M_0 statsionar nuqta minimum nuqta bo‘ladi.

2) agar $B^2 - AC > 0$ bo‘lsa, u holda M_0 statsionar nuqta ekstremum nuqta bo‘lmaydi;

3) agar $B^2 - AC = 0$ bo‘lsa, u holda nuqtaning ekstremum nuqtasi bo‘lishi ham, bo‘lmasligi ham mumkin. Bu holda qo‘shimcha tekshirish talab etiladi.

Endi ko‘p o‘zgaruvchil funksiya uchun ekstremumni topish masalasini ko‘rib chiqamiz. X^0 nuqta $f(X)$ funksiyaning statsionar nuqtasi bo‘lsin.[2]

X^0 statsionar nuqta lokal ekstremal nuqta bo‘lishi uchun shu nuqtada quyidagi

$$H[X^0] = \begin{pmatrix} \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_1^2} & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_1 \partial x_2} & \dots & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_1 \partial x_n} \\ \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_2 \partial x_1} & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_2^2} & \dots & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_2 \partial x_n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_n \partial x_1} & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_n \partial x_2} & \dots & \frac{\partial^2 f(X^0)}{\partial x_n^2} \end{pmatrix}$$

matritsaning (Gesse matritsasi) ishorasi aniqlangan bo‘lishi yetarli.

Agar $H[X^0]$ musbat aniqlangan bo‘lsa, u holda X^0 nuqta minimum nuqta; Agar $H[X^0]$ manfiy aniqlangan bo‘lsa, u holda X^0 nuqta maksimum nuqta bo‘ladi.[3]

Ishorasi aniqlangan matritsalar haqidagi ba’zi tushunchalarni keltirib o‘tamiz. $n \times n$ tartibli kvadrat $A = (a_{ij})$ simmetrik matritsa berilgan bo‘lsin.

$A = (a_{ij})$ matritsaning yuqori chap burchagidan boshlab hosil qilingan quyidagi 1, 2, ..., n – tartibli minorlar, ya’ni

$$a_{11}, \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} \\ a_{21} & a_{22} \end{vmatrix}, \dots, \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} \end{vmatrix}$$

minorlar matritsaning bosh minorlari deyiladi.

$A = (a_{ij})$ matritsaning ketma-ket joylashgan bosh minorlari qat’iy musbat sonlar ketma-ketligini tashkil qilganda va faqat shundagina, bu matritsa musbat aniqlangan bo‘ladi.

Agar $A = (a_{ij})$ matritsaning toq nomerda joylashgan bosh minorlariga mos son manfiy juft nomerda joylashgan bosh minorlariga mos son musbat bo‘lsa, u holda $A = (a_{ij})$ matritsa manfiy aniqlangan bo‘ladi.

$y = f(X)$ funksiya chegaralangan, yopiq V to‘plamda aniqlangan va uzluksiz bo‘lsin. Funksiya to‘plamining har bir nuqtasida, uning ba’zi nuqtalaridan tashqari, xususiy hosilalarga ega bo‘lsin. Ushbu holda V to‘plamga tegishli shunday X^0 nuqta topiladiki, bu nuqtada $f(X)$ funksiya o‘zining eng katta (eng

kichik) qiymatiga erishadi. Funksiya V to‘plamda o‘zining eng katta (eng kichik) qiymatiga nafaqat ichki X^0 statsionar nuqtada, balki xususiy hosilalaridan biri mavjud bo‘lmagan nuqtada, shu bilan birga V to‘plamning chegarasida ham erishishi mumkin.

Yuqoridagilarni e‘tiborga olib, $f(X)$ funksiyaning berilgan V to‘plamda eng katta va eng kichik qiymatini topish jarayonini quyidagi ketma-ketlikda amalga oshirish mumkin:

a) V to‘plamning $f(X)$ funksiya xususiy hosilalari mavjud bo‘lmagan nuqtalari aniqlanadi;

b) $f(X)$ funksiyaning V to‘plamga tegishli barcha statsionar nuqtalari topiladi;

c) barcha aniqlangan nuqtalarga va V to‘plam chegarasida $f(X)$ funksiya qiymatlari hisoblanadi va o‘zaro solishtiriladi. Ulardan eng kattasi (eng kichigi) $f(X)$ funksiyaning V to‘plamda erishadigan eng katta (eng kichik) qiymati hisoblanadi.

Tahlil va natijalar

Iqtisodiy jarayonlarni tahlil qilishda “foydalilik funksiyasi” tushunchasidan keng foydalaniladi. Bu funksiya iste‘molchining biror bir tovarlar vektorini boshqa tovarlar vektoridan afzal ko‘rishini ifodalaydi. Foydalilik funksiyasi umuman olganda yagona aniqlanmaydi. Foydalilik funksiyasi yordamida Kobb-Duglas foydalilik funksiyasini hosil qilish mumkin. Kobb-Duglas funksiyasidan ishlab chiqarish funksiyasi sifatida ham foydalaniladi.

$$Q(L, K) = A \cdot L^\alpha K^\beta$$

ishlab chiqarish funksiyasida Q – ishlab chiqarilgan mahsulot miqdorini, L – mehnat resurslariga sarf xarajatni, K – ishlab chiqarishga sarflangan kapitalni, A – texnologik koeffitsiyentni, α va β elastiklik koeffitsiyenlarini ifodalaydi. $Q = L^{0,73} K^{0,27}$ ifodada umumiy ishlab chiqarilgan mahsulot miqdorida mehnat resurslari ulushi 73%, kapital mablag‘lar ulushi 27% ni tashkil qilishini bildiradi.[3]

Foydalilik funksiyasi yordamida bitta sodda iqtisodiy modelni ko‘rib chiqamiz. Faraz qilaylik, iste‘molchining jami mablag‘i (byudjeti) S ga teng bo‘lsin. U bu mablag‘ni bir birligi narxi p_1, p_2, \dots, p_n bo‘lgan n xil tovar uchun sarflashi mumkin. Bu jarayondagi $U(x_1, x_2, \dots, x_n)$ foydalilik funksiyasi berilgan bo‘lsin. Eng afzal tovarlar vektorini topish masalasini ko‘rib chiqamiz.

Tovarlar vektori X bo‘lsin. Narxlar vektorini P kabi aniqlaymiz. Bu masalada quyidagi cheklovlar mavjud.

- 1) Har bir turdagi sotib olingan tovarlar miqdori nomanfiy, ya’ni $X \geq 0$.
- 2) Iste’molchi byudjeti cheklangan $(P, X) = p_1x_1 + \dots + p_nx_n \leq S$.

Bu cheklovlar byudjet to‘plami $B(P, S)$ ni aniqlaydi. Demak, bizdan $B(P, S)$ byudjet to‘plamida $U(X)$ foydalilik funksiyasini maksimallashtirish talab qilinadi.

Ma’lumki, ikki tovar qaralgan holatda $B(P, S)$ byudjet to‘plami 1-chorakda joylashgan katetlari koordinata o‘qlarida yotuvchi to‘g‘ri burchakli uchburchakdan, uch tovar holatida uchburchakli piramidadan iborat bo‘ladi.

1-misol. $z = 4x^3 - xy^2 - 5y$ ishlab chiqarish funksiyasi bo‘lib, bunda x mehnat kuchiga xarajatlar, y mehnatiga (investitsiya) xarajatlari. $x = 1$ va $y = 2$ da funksiya xususiy elastikligini hisoblang.

Yechish.
$$\frac{\partial z}{\partial x} = (4x^3 - xy^2 + 5y)'_x = 12x^2 - y^2,$$

$$\frac{\partial z}{\partial y} = (4x^3 - xy^2 + 5y)'_y = -2xy + 5.$$

$$E_x = \frac{x}{z} \cdot \frac{\partial z}{\partial x} = \frac{x}{4x^3 - xy^2 + 5y} \cdot (12x^2 - y^2),$$

$$E_y = \frac{y}{z} \cdot \frac{\partial z}{\partial y} = \frac{y}{4x^3 - xy^2 + 5y} \cdot (5 - 2xy).$$

$$E_x(1; 2) = \frac{1}{4 - 4 + 10} (12 - 4) = \frac{8}{10} = 0,8,$$

$E_y(1; 2) = \frac{2}{4 - 4 + 10} (5 - 4) = \frac{2}{10} = 0,2$. Demak, mehnat kuchiga xarajat 1 % ga ortsa, ishlab chiqarish hajmi 0,8 % ga, mehnatga (investitsiya) xarajatlar 1 % ga ortsa, ishlab chiqarish hajmi 0,2 % ga ortadi [4].

2-misol. Korxonada ikki xil tovar ishlab chiqariladi, ularning hajmi x va y bo‘lsin. $p_1 = 9$ va $p_2 = 12$ mos ravishda bu tovarlarning birlik miqdordagi narxi, C -xarajat funksiyasi, $C = x^2 + xy + y^2$ ko‘rinishda bo‘lsa, lokal maksimumini toping.

Yechish. $x_1 = x, x_2 = y$ da foyda ikki o‘zgaruvchining funksiyasi bo‘ladi.

$$\Pi(x, y) = 9x + 12y - x^2 - xy - y^2$$

Lokal ekstremum sharti chiziqli algebraic tenglamalar sistemasiga olib keladi:

$$\begin{cases} 2x + y = 9 \\ x + 2y = 12 \end{cases}$$

Buning yechimi (2, 5) nuqtadan iborat. Modomiki $a_{11} = -2 < 0$, $\Delta = a_{11}a_{22} - a_{12}^2 = 3 > 0$, u holda topilgan nuqta qo'shimcha qiymat funksiyasining lokal maksimumini aniqlaydi va $\Pi_{max} = 39$ [6].

Xulosa

Iqtisodiy oliy ta'lim muassasalarida Iqtisodchilar uchun matematika fani ham ijtimoiy amaliyot sohasi kabi rivojlanishning umumiy tendetsiyalari va qonuniyatlariga binoan o'zgaradi. Shuning uchun kasbiy-pedagogik ta'lim chet el tajribalarini o'rganish, uni ilmiy tushunish, ilg'or g'oyalardan milliy ta'lim amaliyotida foydalanish ayniqsa dolzarb hisoblanadi. Hozirgi zamonaviy pedogogik texnologiyalar asosida iqtisodchilar uchun matematika fani doirasida mavzularni amaliyotga bog'liq holda darslarni tashkil etish, darsda amaliy mazmundagi masalalar bilan tushuntirish talabani o'zlashtirish darajasini ancha oshiradi hamda ta'lim sifati va samaradorligini yanada yaxshilaydi. Bu esa, o'z navbatida, fanni chuqur o'zlashtirgan talabalar raqobatbardosh mutaxassis bo'lib shakllanishiga samarali ta'sir ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Prezidenti Sh.Mirziyoev 2022 yil. 22 dekabr Murojaatnomasidagi nutqi. <https://review.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>.
2. Xashimov A.R., Xujaniyazova G.S. Iqtisodchilar uchun matematika: o'quv qo'llanma. – T.: Iqtisod-moliya, 2017. – 386 b.
3. M.Hoy, J.Livernois et.al. Mathematics for Economics. The MIT Press. London&Cambridge. 2011
4. Sharahmetov Sh., Naimjonov A. Iqtisodchilar uchun matematika: darslik. – T.: Fan va texnologiya, 2007. – 304 b.
5. Maxmasaidova S. Funksiya hosilasining iqtisodiy tatbiqlari. // Ilmiy tadqiqot va innovatsiya. – 2023. №1.
6. Maxmasaidova S., Ko'p o'zgaruvchili funksiya ekstremumi. “Yangi O'zbekiston: Innovatsiya, fan va ta'lim” mavzusidagi respublika 52-ko'p tarmoqli ilmiy masofaviy onlayn konferensiya materiallari to'plami, 31 may 2023 yil. – Toshkent: Tadqiqot, 2023. – 15 b.

MAHALLIY BYUDJET XARAJATLARI NAZORATI JARAYONI



Ozonokulov Azamat Abdulkarimovich

*iqtisodiyot fanlari doktori
byudjet hisobi va g‘aznachilik ishi
kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: ozonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174*



Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li

*byudjet hisobi va nazorati
mutaxassisligi magistranti,
Toshkent moliya instituti
E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com
ORCID: 0009-0007-6518-871X*

Annotatsiya

Maqolada mahalliy byudjetlarning xarajatlari bazasini shakllantirish, ularning xarajat samaradorligini ta'minlashning ilmiy-amaliy jihatlari yoritilgan. Hududlarning iqtisodiy salohiyatidan oqilona foydalanish, shuningdek, mahalliy byudjet xarajatlari samarali ishlatish hisobiga mahalliy byudjetlar xarajatlari nazoratini amalga oshirish imkoniyatlari asoslab berilgan.

Mahalliy byudjetlarning umumdavlat miqyosida iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarni amalga oshirishda davlat mablag'laridan foydalanish hamda sarflangan xarajatlarni monitoring qilishning ahamiyati yoritib berilgan. Chiqarilgan xulosalar asosida mahalliy byudjet xarajatlari qisqartirishga hamda mahalliy byudjet xarajatlari mustaqil amalga oshirishga erishish va ijtimoiy-iqtisodiy masalalarga yechim topish maqsadida taklif va tavsiyalar berilgan.

Kalit soʻzlar: byudjet, mahalliy byudjet, byudjet xarajatlari, xarajatlar monitoringi, xarajatlar tasnifi, hisobot.

ПРОЦЕСС КОНТРОЛЯ РАСХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА

Остонокулов Азамат Абдукаримович

доктор экономических наук

*доцент кафедры бюджетного
учета и казначейского дела
Ташкентский финансовый институт
E-mail: ostonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174*

Инаятов Марданбек Мумин оглы

*магистрант специальности
бюджетный учет и контроль
Ташкентский финансовый институт
E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com
ORCID: 0009-0007-6518-871X*

Аннотация

В статье рассмотрены научно-практические аспекты формирования расходной части местных бюджетов, обеспечивающие ее эффективность. Обосновано возможность управления расходами местных бюджетов за счет разумного использования экономического потенциала регионов, а также эффективного регулирования этих расходов.

Кроме того, изучен один из наиболее актуальных вопросов современности – вопросы обеспечения контроля за расходами местных бюджетов. Подчеркнута важность финансирования местных бюджетов за счет государственных средств и контроля за их расходованием при выполнении экономических и социальных задач в масштабах страны. На основании выводов даны предложения и рекомендации в целях сокращения расходов местного бюджета, достижения самостоятельного исполнения расходов местного бюджета, а также решения социально-экономических вопросов.

Ключевые слова: бюджет, местный бюджет, расходы бюджета, мониторинг расходов, классификация расходов, отчет.

LOCAL BUDGET EXPENDITURE CONTROL PROCESS

Ostonokulov Azamat Abdugarimovich

*Associated Professor of the Department of
Budget Accounting and Treasury
of the Tashkent Institute of Finance, DSc
E-mail: ostonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174*

Inoyatov Mardonbek Mo'min o'gli*Undergraduate in Budget
accounting and control**Tashkent Institute of Finance**E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com**ORCID: 0009-0007-6518-871X***Abstract**

The article describes the scientific and practical aspects of the formation of the cost base of local budgets, ensuring the effectiveness of local budget costs. Reasonable use of the economic potential of regions, as well as reasonable and effective use of local budget costs, the possibility of controlling the costs of local budgets.

In addition, one of the most urgent issues of today - issues of ensuring the control of local budgets' expenses were studied. The importance of financing local budgets from state funds and monitoring their expenses in the implementation of economic and social tasks at the national scale is highlighted. Based on the conclusions, proposals and recommendations were made in order to reduce the local budget expenses and to achieve independent implementation of local budget expenses and to find solutions to socio-economic issues.

Keywords: budget, local budget, budget expenditure, expenditure monitoring, expenditure classification, reporting.

Kirish

Bugungi kunda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, samarali soliq-byudjet siyosatidan foydalangan holda iqtisodiyot barqarorligini ta'minlash va milliy ishlab chiqaruvchilar raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan islohotlarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Islohotlar negizida esa, yuzaga keladigan xarajatlarni nazorat qilish dolzarb masalalardan biri bo'lib qolmoqda.

Davlat byudjetining barqarorligi mamlakat iqtisodiyoti va eng avvalo, uning ijtimoiy sohalari holatini tavsiflaydigan eng muhim ko'rsatkichlardan biridir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2022 yil 22 dekabrda Oliy Majlisga murojaatnomasida "Iqtisodiyotimizga shu yilning o'zida 8 milliard dollar to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar kirib keldi, eksportimiz esa, 19 milliard dollarga yetdi. Biz bu yil tariximizda ilk bor pensiya va ijtimoiy nafaqalar miqdorini minimal iste'mol xarajatlaridan kam bo'lmagan darajaga olib chiqdik. Misol uchun, 2017 yilda kam ta'minlangan 500 ming oila ijtimoiy yordam olgan bo'lsa, bugunga kelib 2 milliondan ortiq oilaga ko'mak berilmoqda. Ajratilayotgan

mablag‘lar esa, 7 barobar ko‘paytirilib, yiliga 11 trillion so‘mga yetdi. Biz ish haqi, pensiya va nafaqalar miqdorini, aholi jon boshiga daromadlarni oshirish siyosatini izchil davom ettirish” [5] nazarda tutilgan. Bundan ko‘rinib turibdiki, mamlakatimizda amalga oshiriliyotgan islohotlar natijasida mahalliy byudjet xarajatlarini aksariyat qismi aholini turmush tarzini yaxshilashga qaratilmoqda.

“Mahalliy byudjetning moliyaviy barqarorligi bu shunday kompleks tushunchaki, unga ko‘ra ma‘lum bir mahalliy hududning barqaror rivojlanishi, shu bilan birga, byudjet riski mavjud vaqtda ham moliyaviy xavfsizligini saqlab tura olishi uchun zarur bo‘lgan miqdorda pul fondiga egalik holatini aks ettiradi. Bunda mahalliy byudjetning moliyaviy barqarorligi shartlari bo‘lib quyidagilar, ya‘ni:

byudjet xarajatlari va daromadlarining balanslashtirilganligi;

byudjetning moliyaviy mustaqilligi va to‘lovga qobiliyatligi, ya‘ni mahalliy organlarning hech qanday moliyaviy yordamsiz, byudjetga moliyaviy resurslarni safarbar qila olish qobiliyati;

o‘z majburiyatlarini to‘liq va o‘z vaqtida bajara olishi hisoblanadi.”[6]

Mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligini ta‘minlash orqali mahalliy hududiy birliklarning nafaqat moliyaviy holati yaxshilanadi, balki hududning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati oshadi.

Adabiyotlar sharhi

Maxalliy byudjetlarni boshqarish, maxalliy byudjetlar xarajatlari kassa ijrosi, byudjet ijrosi hisobi va hisoboti, maxalliy byudjet ijrosi nazorati masalalari yuzasidan xorijlik va mamlakatimiz olimlarining qator izlanishlarini keltirish mumkin.

Xususan, xorijlik tadqiqotchilardan K.Yu.Chulovskiyning fikricha: “Mahalliy byudjetlar – ishlab chiqarishning yakuniy natijalarini aholiga yetkazishning asosiy yo‘nalishlaridan biri. Ular orqali ijtimoiy iste‘mol fondlari aholining alohida guruhlarida o‘rtasida taqsimlanadi. Ushbu byudjetlar hisobidan ma‘lum darajada sanoat tarmoqlari, birinchi navbatda, mahalliy va oziq-ovqat sanoati, kommunal xo‘jaliklari moliyalashtiriladi. Ularda ishlab chiqarilayotgan mahsulot va xizmatlar hajmi aholi turmush farovonligini ta‘minlashning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Mahalliy byudjet – bu alohida hududlarning markazlashtirilgan moliyaviy resurslari jamg‘armasi bo‘lib, uni shakllantirish, tasdiqlash va ijro etish, shuningdek, bajarilishini nazorat qilish mahalliy hokimiyat tomonidan mustaqil ravishda amalga oshiriladi” [12].

Shu bilan bir qatorda, rossiyalik iqtisodchi olimlar M. Ryabova va G.Yarichinaning izlanishlarini keltirish mumkin. M. Ryabova "Davlat byudjeti ijrosi to'g'risidagi hisobotni tuzish byudjet jarayonining bosqichlaridan biri bo'lib, bunda byudjet daromadlarining to'liq va o'z vaqtida tushushi hamda barcha rejalangan byudjet xarajatlarini moliyalashni nazarda tutadi" [10], deb izohlaydi.

G.Yarichina byudjet hisoboti haqida to'xtab, byudjet jarayoni sub'ektlarining byudjet va byudjetdan tashqari mablag'larining turlari bo'yicha shakllantirish hamda mablag'larni maqsadli sarflash yo'nalishlarini aniq aks ettiruvchi ko'rsatkichlarni umumlashtiruvchi va aks ettiruvchi shakldir, deb fikr bildirgan [11]. Byudjet hisobotiga oid bildirilgan mazkur fikr o'rinli, deb hisoblaymiz.

Mamlakatimiz olimlari va tadqiqotchilaridan G.Kasimovaning ta'kidlashicha: "Mahalliy byudjetning vazifalari quyidagilardan iborat:

- mahalliy boshqaruv organlari faoliyatini ta'minlash;
- hududiy iqtisodiyot, ijtimoiy soha tarmoqlariga pul mablag'larini taqsimlash;
- mahalliy byudjetga qarashli muassasa va tashkilotlarni nazorat qilish;
- mahalliy byudjet daromadlarini shakllantirishdir" [7].

Mamlakatimiz olimlaridan yana biri, S.Mehmonov byudjet ijrosiga oid quyidagi fikrlarni bildirib o'tgan: "Moliya organlari belgilangan tartibda buxgalteriya hisobi ma'lumotlari asosida davlat byudjeti ijrosi to'g'risidagi hisobotlarni tuzadi. Bunda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi buyrug'i bilan tasdiqlangan shakllarda va muddatlarda davlat byudjeti ijrosi to'g'risidagi hisobotlarni tuzadi va taqdim etadi" [8].

A.Ostonokulovning qayd etishicha, " ... mahalliy byudjetlar ijrosi to'g'risidagi hisobotlarni tuzishda byudjetdan tashqari mablag'larning shakllanishi va ularning sarflanishi ham e'tiborga olish zarurligi asoslagan" [9].

Nazarimizda, ushbu izlanishlarda mahalliy byudjet jarayonlari, xarajatlarni amalga oshirish natijasida yuzaga keladigan hisob va hisobotlar asosida nazoratni amalga oshirish mumkinligini anglashimiz mumkin.

Bizningcha, mahalliy byudjet xarajatlarini samarali sarflanishi kabi masalalarga ham keng e'tibor qaratish zarur. Buning uchun mahalliy byudjetlarni boshqarish, mahalliy byudjetlar xarajatlari nazoratining nazariy, ilmiy, uslubiy hamda amaliy jihatlarini tadqiq etish dolzarb ahamiyatga ega.

Tahlil va natijalar

Mahalliy byudjetlar xarajatlarining moliyaviy barqarorligini ta'minlash orqali mahalliy-hududiy birliklarning nafaqat moliyaviy holati yaxshilanadi, balki

hududning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati oshadi. Shunisi ahamiyatliki, moliyaviy barqarorlikni ta'minlashda xarajatlarning ijtimoiy yo'naltirilganligiga ham alohida e'tibor qaratiladi. Sababi, mahalliy xarajatlarning kattagina qismi hudud farovonligini yaxshilashga, ta'lim, sog'liqni saqlash hamda madaniyat sohasini rivojlantirishga qaratilgandir.

“Byudjet kodeksi”ga asosan, “mahalliy byudjet xarajatlari quyidagilardan iborat:

ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash xarajatlari;
iqtisodiyot xarajatlari.

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari buyurtmachi bo'lgan markazlashtirilgan investitsiyalarni moliyalashtirish xarajatlari;

mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari ta'minotiga oid xarajatlar;

Qoraqalpog'iston Respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va Toshkent shahri shahar byudjetining zaxira jamg'armalarini shakllantirish xarajatlari;

jamoat ehtiyojlari uchun yer uchastkalarining olib qo'yilishi munosabati bilan, shuningdek davlat organlarining yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining qonunga xilof harakatlari (harakatsizligi) natijasida yuridik va jismoniy shaxslarga yetkazilgan zararining o'rnini qoplash xarajatlari;

Qoraqalpog'iston Respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va Toshkent shahri shahar byudjetining mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladigan tashkilotlar va tadbirlarning xarajatlari” [1].

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari davlat byudjetidan hamda mahalliy byudjetdan moliyalanadigan tashkilotlarning byudjetdan tashqari mablag'lari kassa xarajatlari ijrosini ta'minlaydi. Byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlari ularning G'aznachilik xizmati qo'mitasida ochilgan shaxsiy hisobvaraqlaridagi byudjetdan ajratilgan mablag'lar qoldiqlari doirasida to'lov topshiriqnomalari bo'yicha amalga oshiriladi. G'azna hisobvarag'idan to'lanadigan byudjetlarning kassa xarajatlari hisobi har bir byudjetdan mablag' oluvchi yoki xarajatlar yo'nalishi bo'yicha g'aznachilik bo'linmalarida bank ko'chirmalari va unga ilova qilingan to'lov hujjatlar asosida byudjet tasnifining bo'limlari, boblari, paragraflari va moddalari (xarajat turlari, ob'yekt va kichik ob'yekti) bo'yicha ochilgan tegishli shaxsiy hisobvaraqlarda yuritiladi.

Mahalliy byudjet xarajatlarining vazifa tasnifi davlat boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, shuningdek boshqa byudjet tashkilotlari


tomonidan ijro etiladigan asosiy vazifalar bo'yicha xarajatlarni guruhlashdan iborat bo'ladi. Ya'ni xarajatlarning vazifa jihatidan tasnifi yordamida mahalliy byudjetdan amalga oshirilayotgan xarajatlar davlatning aynan qaysi vazifasini bajarish uchun amalga oshirilayotganligini aniq belgilab olishimiz mumkin.

Mahalliy byudjet xarajatlarining tashkiliy tasnifi byudjetdan ajratiladigan mablag'larni bevosita oluvchilar o'rtasida taqsimlanishini aks ettiruvchi xo'jalik yurituvchi sub'yektlar va tadbirlar turlari bo'yicha xarajatlarni guruhlashdan iborat bo'ladi. Xarajatlar tasnifi quyidagilardan iborat: byudjet tizimi byudjetlari mablag'larining manbalari va darajalari tasnifi, hududiy tasnif, vazifa jihatidan tasnif, iqtisodiy tasnif, iqtisodiy tasnif (xarajatlar guruhi bo'yicha), tashkiliy tasnif.

“Mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirish zaxiralarini aniqlash ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida” 29.06.2017 yildagi Vazirlar Mahkamasining 445-son Qaroriga muvofiq xolatda mahalliy byudjet xarajatlari monitoring qilinadi. Quyidagi rasmdan ko'rinib turibdiki, monitoring jarayonidan ko'zlangan maqsad mahalliy byudjet xarajatlari nazoratini samarali amalga oshirish hamda moliyalashtirilgan manbalarga mablag'larning o'z vaqtida yetib borishini ta'minlashdan iborat.

1-chizma.

Mahalliy byudjet xarajatlari monitoringi tartibi*



*O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 29.06.2017 yildagi “Mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirish zaxiralarini aniqlash ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida” 445-son Qarori. – <https://lex.uz/uz/docs/-3255436>

Moliya va g‘aznachilik bo‘linmalarining mas’ul xodimlari quyidagilarni, yani:

byudjet tashkilotlari tomonidan ish haqini, yagona ijtimoiy to‘lovni to‘lashga o‘z vaqtida buyurtma taqdim etilishini ta’minlaydi;

byudjet tashkilotlari xarajatlari va faoliyatini masofaviy shuningdek joyiga borib o‘rganish orqali har kunlik monitoringni amalga oshiradi;

byudjet tashkilotlarining tarmoq, kontingent, shtatlar jadvali va moliyaviy hisobotlari ko‘rsatkichlarini tahlil qiladi va kam samarali xarajatlarni optimallashtirishni amalga oshiradi;

byudjet tashkilotlarining tovarlar (ishlar, xizmatlar) ishlab chiqarilishi va realizatsiyasidan olingan daromadlar tushumini tahlil qiladi;

mol-mulkni, bo‘sh turgan joylar, binolar va vaqtincha foydalanilmayotgan qurilma va asbob-uskunalarni ijaraga berishdan olingan tushumlarning byudjetdan tashqari jamg‘armalarga o‘z vaqtida va to‘liq tushishini joylarga borib o‘rganadi;

qo‘shimcha moliyalashtirishga va o‘zini o‘zi moliyalashtirishga o‘tgan byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari daromadlari to‘g‘ri shakllantirilganligini tahlil qiladi;

kommunal xizmatlarini hisoblash asboblari mavjudligini xatlovdan o‘tkazish, shuningdek byudjet tashkilotlariga tovarlar (ishlar, xizmatlar) yetkazib beruvchilar bilan solishtirma dalolatnomalar mavjudligini, xarajatlarning o‘z vaqtida amalga oshirilishini o‘rganish orqali byudjet tashkilotlarida debitorlik va kreditorlik qarzdorlikning oshishini bartaraf etadi.

Moliya va g‘aznachilik bo‘linmalarining mas’ul xodimlari amalga oshirilgan ishlar natijalari bo‘yicha byudjet tashkilotlari rahbarlari nomiga tegishli munosabat bildirish uchun taqdimnoma tayyorlaydi.

Moliya bo‘limi rahbari har oyda mahalliy byudjetlar xarajatlarining ijrosi va shakllantirilishi monitoringi natijalari bo‘yicha takliflar tayyorlaydi va tuman (shahar) hokimining birinchi o‘rinbosariga tegishli takliflar, shu jumladan byudjet tashkilotlarining bo‘sh turgan va vaqtincha foydalanilmayotgan obyektlari bo‘yicha keyinchalik ularni xo‘jalik yurituvchi subyektlarga ijaraga berish uchun ma’lumotlar taqdim etadi” [3].

Shularni e’tiborga olgan holda O‘zbekiston Respublikasining so‘nggi 3 yillikda mahalliy byudjet daromadlari va ular asosida amalga oshirilgan xarajatlar tahlilini keltirish mumkin.

2-jadval.

**Mahalliy byudjetlarning daromad va xarajatlari
prognosi (mlrd so'm)***

№	Hududlar nomi	2021yil		2022 yil		2023 yil prognoz	
		Daromad**	Xarajat***	Daromad**	Xarajat***	Daromad**	Xarajat***
1.	Qoraqalpog‘iston Respublikasi	1 614,2	2 915,6	2 356,2	3 874,2	2 703,3	5 375,7
2.	Andijon viloyati	2 352,2	3 228,8	3 059,4	4 741,6	3 802,7	6 608,2
3.	Buxoro viloyati	1 935,4	2 375,4	2 904,0	3 346,3	3 817,2	4 463,1
4.	Jizzax viloyati	1 212,9	1 702,9	1 727,2	2 551,8	2 184,9	3 469,3
5.	Qashqadaryo viloyati	2 570,3	4 147,6	3 483,0	5 534,3	4 561,2	8 380,2
6.	Navoiy viloyati	1 535,8	1 535,8	2 186,3	2 186,3	2 993,6	2 993,6
7.	Namangan viloyati	1 970,6	3 254,5	2 903,2	4 608,0	3 713,4	6 613,3
8.	Samarqand viloyati	2 657,0	3 759,7	3 955,8	4 963,8	4 958,8	7 155,1
9.	Surxondaryo viloyati	1 754,7	3 048,3	2 466,9	4 453,9	3 042,3	6 291,2
10.	Sirdaryo viloyati	745,7	1 279,9	1 104,5****	1 777,7****	1 406,1****	2 492,3****
11.	Toshkent viloyati	3 009,8	3 009,8	4 378,9	4 378,9	5 866,2	5 866,2
12.	Farg‘ona viloyati	2 904,9	3 815,0	4 242,5	5 619,9	5 437,8	7 618,8
13.	Xorazm viloyati	1 442,7	2 075,6	2 220,6****	3 067,2****	2 719,2****	4 160,6****
14.	Toshkent shahri	4 068,6	4 068,6	6 044,7****	6 044,7****	7 739,3****	7 739,3****
	Jami	29 774,7	40 217,6	43 033,2	57 148,7	54 946,0	79 226,9

*O‘zbekiston Respublikasining davlat byudjeti to‘g‘risidagi qonunlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlandi.

** Mobil aloqa xizmati, tamaki va alkogol mahsulotlari, shu jumladan pivo uchun aksiz solig‘idan tushumlari hisobdan ajratiladigan mablag‘larni inobatga olgan holda.


*** Mahalliy byudjetlar hisobidan so‘ndiriladigan davlat qarzigina xizmat ko‘rsatish bilan bog‘liq xarajatlarni inobatga olgan holda.

**** Davlat tibbiy sug‘urta jamg‘armasiga transfertlar — 2 418,1 mlrd so‘m (shundan, Sirdaryo viloyati — 711,2 mlrd so‘m, Xorazm viloyati — 3,6 mlrd so‘m, Toshkent shahri — 1 703,3 mlrd so‘m).

2-jadvalda keltirilgan ma‘lumotlardan shuni ko‘rishimiz mumkinki, mahalliy byudjetlarning daromadi ham, xarajati ham yildan-yilga sezilarli darajada ortib borgan. Jumladan, Buxoro viloyati mahalliy byudjetining daromad va xarajatlarini yillar kesimida ko‘radigan bo‘lsak, mazkur byudjed daromadi 2021 yilda 1 935,4 mlrd so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2023 yil uchun bu ko‘rsatkich 3 817,2 mlrd so‘m bo‘lishi kutilmoqda.

1-diagrama.

Buxoro viloyati mahalliy byudjeti daromad va xarajatlar ko'rsatkichlarining o'zgarishi (mlrd so'm)



O'zbekiston Respublikasining davlat byudjeti to'g'risidagi qonunlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlandi.

Bundan shuni ko'rish mumkinki, daromadlar miqdori 2021 yilga nisbatan 1881,8 mlrd so'mga koproqdir. Buxoro viloyati mahalliy byudjetining xarajatlari ham shunga mos tarzda yillar davomida ortib borgan. Viloyat mahalliy byudjetining 2021 yildagi xarajatlar miqdori 2 375,4 mlrd so'm (2021 yil daromadlarga nisbatan 440 mlrd so'm ortiq)ni tashkil etgan bo'lsa, 2023 yil uchun xarajatlar prognozi 4 463,1 mlrd so'm (2023 yil daromadlar prognozidan 645,9 mlrd so'm ko'p) qilib belgilanmoqda.

Xulosa

Iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarning natijalari mahalliy byudjetlarning xarajat qismida aniq aks etadi. Mahalliy hokimiyat organlari faoliyatining asosiy jihatlari iqtisodiy va ijtimoiy rejalarni ishlab chiqish hamda amalga oshirish hisoblanadi. Aholi punktlari sonining ko'payishi, ayniqsa, yangi hududlarni rivojlantirish, uy-joy kommunal xo'jaligini rivojlantirish va aholi punktlarini obodonlashtirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish mahalliy byudjetlar xarajatlarini ko'paytirishga olib keladi. Xarajatlarning oshishi ham yangi qurilish, ham uy-joy, kommunal hamda madaniy obyektlarni saqlash xarajatlari darajasining oshishi bilan bog'liq.

Shuni ta'kidlash kerakki, xarajatlar tarkibi mahalliy byudjetlarda bir xil emas Bu holat iqtisodiyotning hajmiga va uning turli darajadagi mahalliy organlarining

yurisdiksiyasiga bog'liq. Shunday qilib, mahalliy sanoat, uy-joy-maishiy xizmat ko'rsatish va savdo korxonalarining mutlaq ko'pchiligi respublika, viloyat va shahar hokimiyatlariga bo'ysunadi, shuning uchun ushbu byudjetlar xarajatlarida iqtisodiy-ijtimoiy sohaga ajratiladigan mablag'larning ulushi eng muhimi hisoblanadi.

Mahalliy byudjetlar tarkibida dotatsiya va subvensiyalar ulushini kamaytirishda mamlakat hududlarining iqtisodiy rivojlanish darajasi turlicha ekanligini ularning moliyaviy ta'minlanish ko'rsatkichlarida kuzatishimiz mumkin. Natijada hududlar miqiyosida daromadlarning soliq bazasi va xarajatlarning umumiy miqdori ham keskin farq qiladi (2-jadval). Shu bilan birga, o'z byudjetini shakllantirish huquqiga ega mamlakatning har bir ma'muriy hududi, daromadlar bazasi hajmidan qat'iy nazar, o'sha hududda yashovchi aholini davlat tomonidan kafolatlangan muayyan ijtimoiy-madaniy xizmatlar bilan ta'minlashi shart.

Fikrimizcha, mahalliy byudjet mamlakat milliy xo'jaligini moliyaviy jihatdan tartibga solish, byudjet daromadlarini rejalashtirish va byudjetdan ajratiladigan mahalliy byudjet xarajatlari jarayonini samarali tashkil etishda dolzarb vazifani bajaradi.

Yuqoridagi fikrlarni inobatga olgan xolda quyidagi takliflarni keltirib o'tish joiz:

1. Mahalliy byudjet daromad manbalarini yanada takomillashtirish, ya'ni xususiy sektorlarga mahalliy byudjet xarajatlari qismini qisman yuklash orqali ulardan uzoq muddatli kredit asosida amalga oshirilgan ish (tovar, xizmat)larni sotib olish zarur.

2. Byudjetdan ajratilgan mablag'larning to'g'ri va samarali sarflanganligini nazorat qilish maqsadida hududiy g'aznachilik bo'linmalarida kassa ijrosi bo'limlari faoliyatini yo'lga qo'yish zarur;

3. Mahalliy hokimiyat organlarida mahalliy byudjet nazorati vazifasiga fuqarolar ishtirokini qo'shish zarur, deb hisoblaymiz.

Yuqoridagi takliflar amaliyotda qo'llanilsa, mahalliy byudjet xarajatlari sarflanishining monitoring jarayoni, albatta, samarali hamda natijaviy bo'lishi aniq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining Byudjet kodekasi. 26.12.2013 yildagi 360-son O'RQ – Foydalanish manbai: – <https://lex.uz/docs/2304138>

2. O'zbekiston Respublikasining 2021-2023 yillar uchun “Davlat byudjeti to'g'risida”gi qonunlari. – <https://lex.uz/uz/docs/-5801127>, <https://lex.uz/uz/docs/-5801127>, <https://lex.uz/docs/-6333240>

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 29.06.2017 yildagi “Mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirish zaxiralarini aniqlash ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida” 445-son Qarori. – <https://lex.uz/uz/docs/-3255436>
4. “Byudjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomani tasdiqlash to'g'risida”gi yo`riqnomasi (11.10.2010 yil, 2146-son). – <https://lex.uz/docs/-1688892>
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabrda Oliy Majlisga murojatnomasi nutqidan. – <https://president.uz/oz/lists/view/5774>
6. Axmedova Z.M. “Mahalliy byudjet xarajatlari barqarorligini ta'minlash masalalari”. Maqola. – <https://yandex.ru/search/?text=Axmedova+Z.M.+%E2%80%9CMahalliy+byudjet+xarajatlari+barqarorligini+ta%E2%80%99minlash+masalalari%E2%80%9D.+Maqola.+1.12.2022+&lr=190351&clid=2422918-7>
7. Kasimova G.A, Shaakramov K. Mahalliy byudjetlar: o'quv qo'llanma. – T.: Moliya, 2012. – B.26.
8. Mehmonov S.U. Byudjet hisobi: o'quv qo'llanma. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2012.
9. Azamat Ostonokulov. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021. 1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021).
10. Рябова М.А. Бюджетный учет и отчетность: учебное пособие. – Ульяновск: УЛГТУ, 2010.
11. Яричина Г.Ф. Бюджетный учет и отчетност: учебное пособие. – Красноярск. 2008.
12. <https://ihaednc.ru/uz/kredity/sushchnost-i-znachenie-mestnogo-byudzheta-referat-mestnye-byudzhety-mestnyi>

ВОПРОСЫ КОНЦЕПТУАЛЬНО-КОМПОЗИЦИОННЫХ ОСНОВ ТРАНСФЕРА РИСКОВ В СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич



*кандидат экономических наук
профессор
Ташкентский финансовый институт
E-mail: bay_tur58@mail.ru
ORCID:0000-0002-1386-4364*

Аннотация

В статье проанализированы теоретико-методологические основы концепции и архитектоники страховой защиты экономики страны, инструментов её институционального обеспечения, реализации и адаптации к условиям развития института государственности в целом. Автором определен научный статус дефиниции «архитектоника» в контексте формирования функционального механизма страховой защиты и предложен концептуальный подход, согласно которому данную архитектонику следует рассматривать как управленческую деятельность, направленную на композицию системных элементов страховой защиты посредством формирования необходимых институтов и разработки инструментов экономико-правового обеспечения взаимодействия субъектов страховых отношений.

